

894.342-3


А
К



ҚАЗАҚСТАН
ХАЛЫҚТАРЫ
ТІЛІНДЕГІ
ӘДЕБИЕТТЕР

АБАЙ

НАСИХАТ
СҰЗЛАР



+

097.07a1c
AK



АБАЙ

НАСИХАТ СҰЗЛАР



Алматы
"Жазушы"
2006

ББК 84 (5 Қаз)

А 13

*Қозоғистон Республикаси Маданият ва
ахборат министрлигининг дастури бўйича
нашир қилинди.*

Абай

А13 Насихат сўзлар. – Алматы: Жазушы, 2006. – 160-бет.


ISBN 9965-764-30-1

Мазкур тўпلام қозоқ халқининг буюк мутафаккир шоири Абай Қунонбоевнинг инсон ҳаёти ҳақидаги чуқур мулоҳаза юритувчи асари «Насихат сўзлар», шеърлари, дostonларини қамраб олади. Шунингдек, тўпلامда шоирнинг ҳаёти-ижоди ҳақида фикрлар билдирилган. Абайнинг ҳаётида содир бўлган инсонийликка доир айрим воқеалар ҳам ўрин олиб, ўқувчида кенг қизиқиш уйғотади.

Тўпلام мактаб ёшидаги болалар ва ўсмирлар учун мўлжалланган.

А 4702250200-043
402(05)-06

ББК 84 (5 Қаз)



ISBN 9965-764-30-1

© «Жазушы» 2006

ҚОЗОҚ ХАЛҚИНИНГ БҮЮК МУТАФАККИР ВА ФАЙЛАСУФ ШОИРИ

Абай (Иброҳим) Қунонбоев 1845 йил 22 август куни ҳозирги Шарқий Қозоғистон области, Абай туманида дунёга келди.

Абай – қозоқ халқининг буюк оқини, бастакори, файласуфи, маърифатпарвар шоири, қозоқ ёзма адабиётининг асосчиси.

У 13 ёшида Семей шаҳридаги мусулмон мадрасасида таълим олди. Бу йилларда Абай араб, форс ва чиғатой тилларини эгаллаб, Шарқ мумтоз адабиёти намоёндалари Навоий, Низомий, Фузулий, Саъдий, Жомий ва Сайқалийларнинг асарлари билан танишди. Шу билан бир қаторда, Абай Семей шаҳридаги русча приход мактабида ҳам таҳсил олди. Ўзининг алоҳида қобилияти, зехнлиги, кучли ихлоси натижасида тез орада рус тилини ҳам эгаллаб олишга муяссар бўлди. Бироқ отаси Қунонбой уни ўз ёнига олиб, аста-секин халқни бошқариш ишига жалб этиш мақсадида овулга қайтариб олиб келади. Бу ерда Абай халқ орасидаги турли уруғлар ўртасидаги низо, ер даъвоси, бева даъвоси каби ишларга аралашиб, халқнинг, кенг омманинг, камбағал дехқонлару чорвадорларнинг турмуш шароитларини ўз кўзи билан кўради. 1875–78 йилларда бўлис бўлиб сайланиб, халқни бошқаришга бевосита аралашиб, ҳар хил даъволи ишларга ҳукм чиқариб, мураккаб масалаларни ҳал қилишда иштирок этади. Бу йилларда Абай халқ ҳаёти билан яқиндан танишиб, унинг ғам-эҳтиёжини чуқурроқ тушунади. Кўплаган масалаларнинг тугунини топиш учун ўқиш, билим зарур эканлигига амин бўлди. У 70-йилларнинг ўртасида рус адабиётини катта ҳавас билан ўқиб, ўз билимини такомиллаштирди. Бўш вақтининг ҳаммасини китоб мутолаа қилишга бағишлади. Семейга сургун қилинган Е. П. Михаэлис, Н. И. Долгополов, В. С. Гросс ва бошқалар билан танишиб, алоқа-аралашувда бўлди. Мумтоз адабиёт намоёндалари А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, И. А. Крылов, Л. Н. Толстой, М. Е. Салтиков-Шчедрин, И. С. Тургенев, Ф. М. Достоевский ва бошқаларнинг асарларини ўқиди. Кўплаган халқларнинг адабиётига

алоҳида эътибор берди. Ғарбий Европа адабиётини яхши ўрганди. Абай оқинлик санъатига қизиқиб, ўз ўланларини қоғоз бегига туширишни фақат 80-йилларнинг ўрталарида бошлади. Оқиннинг шу пайтда (1882–86) ёзган ўланлари ғоявий ҳамда бадиийлик жиҳатидан жуда юқори, чуқур мулоҳазали эди. Бу шоирнинг узоқ ва унумли изланишлари натижасининг далолати сифатида намоён бўлди. Шу даврдаги асарларида олға сурилган ғоялар ва мавзуларнинг кўлами, асосан, шоирнинг йигирма йиллик барча ижоди учун тугалмас манба бўлиб, ҳар доим чуқурлашиб, ривожланиб борди. Абай – қозоқ халқининг янги реалистик адабиётига асос солди. Абайнинг шоирлиги минг қиррали. У – ажойиб манзарлар яратувчи бекиёс мусаввир ва лирикада беназир, мафтункор шоир. Шунингдек, Абайни мутафаккир шоир деб ҳам биламиз. Буни дастлаб шоирнинг ҳаёт ҳодисаларини чуқур мулоҳаза билан ифодалаш томони кучли бўлган шеърларига дахлдорлигини айтсак, шунингдек, ҳаёт, инсон тақдири, дунё, замон оқими ҳақидаги фикрлари, дунёқараши кўпроқ гавдаланадиган шеърларига дахлдорлигини мутафаккир-файласуф деган маънода тан оламиз.

Абайнинг доно мутафаккирлиги унинг насиҳат сўзларида, айниқса, динга алоқадор, оллонинг мавжудлиги, имонлилик ҳақида чуқур мулоҳазаларида аниқ сезилади.

Абай шеъриятининг ўзи ҳаёт кечирган бир тарихий даврни атрофлича, имкон борича тўлиқ тасвирлаб беради. Аммо шоир ижоди ярим асрни ўз ичига олади десак камлик қилади. Шу даврдаги ижтимоий ҳаёт анъаналарининг, ўй-фикрлар, тушунчаларнинг бир неча асрлар бўйи шаклланган, туб-томири узоқ ўтмишга бориб тақаладиганлигини эсга олсак, Абай шеърияти жамият тараққиётининг ўзига хос бир сезиларли даврни тасвирлаш орқали халқнинг тақдирини, миллий хулқни тарихий нуқтаи назардан кенг миқёсда олиб, жамият ҳаётининг етган еринигина эмас, босиб ўтган йўли билан ҳам таништира олди. Жамият ҳаётидаги кўплаган инсоний, ахлоқ муаммоларининг, масалан, адолат, ҳамжиҳатлик, дўстлик, меҳнатсеварлик, талабчанлик, ҳалоллик, шунингдек, зўравонлик, ёвузлик, иккиюзламачилик каби турли-туман хулқ-атвор масалалари ҳар доим ўз аҳамиятини йўқотмайдиган, яъни қанча замонлар алмашиб, вақт, шароит ўзгарганига қарамай, халқнинг миллий хусусиятлари, инсонийлик жиҳатлари янгилашиб, янгича сифатга эга бўлган ҳолда, давом этиб, ривожланиб боришини

эсга олсак, Абай шеърияти кейинги даврларнинг, жумладан, бугунги кунимиздаги ҳаёт ҳақиқатини таниб-билишга катта таъсир кўрсата олишини тан олишимиз керак. Шундай экан, Абай ижодини ўз даврининг доирасидагина қолган, шу маънода биз учун фақат тарихий аҳамиятга эга бўлган, ўткинчи ҳодиса деб ҳисоблаш ярамайди, у – давр ўтиб, вақт илгариллаган сари ижтимоий онгга таъсири ортиб, ривожланиб борадиган асл мерос.

Абай шеъриятини, барча ижодий меросини бир яхлит шоирлик олам деб олиб, алоҳида ўланларининг бошқа ўланлари билан уйғунлигини сеза олгандагина, уларнинг ҳар бирининг мазмун-маъносини қанчалик аниқ, тўғри тушуниб, талқин этишга тўла имконият туғилади. Абай асарларида дастлаб, ҳар томонлама акс этадиган, албатта, шоирнинг ўз қиёфаси, ўз шахсидир. Лирик шоир жамият ҳаётидаги ҳақиқатни ўз кайфиятини, ҳис-туйғулари, ўй-фикрини ифодалаш воситасида амалга оширади. Шоирнинг ўз шахсий қиёфаси уни безовта қилган ҳис-туйғулари, айтилиб, ифодаланиб келинган ҳаётдаги турли-туман шароитларга, ижтимоий масалаларга, ҳар хил кишиларнинг фаолиятига берган баҳосидан аниқлана бориб, атрофлича акс эттирилади. Шоир қиёфаси – ҳар доим бир хил шаклда, бир хил сифатда акс этмайди, унинг турли жиҳатлари, қирралари кўриниб боради.

Шоир кўпгина шеърларида ўз кайфиятини бевосита ифодалаб, фикрини аниқ билдиради. Шеърлари баъзан суҳбат, сирлашиш, баъзан насиҳат, баъзан ҳаёлга чўмиш, мушоҳада турида келса, шоир қиёфаси аниқ, шеър шаклида берилади. Баъзида эса шоир шеърини ўз номидан, биринчи шахсда айтганига қарамай, ҳаётдан олинган лирик шахснинг кўзи билан қараши сезилади. Шеъриятда шоир ҳаётида содир бўладигангина эмас, балки бўлиши мумкин бўлган жиҳатлар умумлаштирилиб, ҳақиқатга мослаштирилиб, баён этилгани учун шеърдаги шоир қиёфаси баъзан шу каби лирик шахс кўринишида тасвирланади. Албатта, лирик шахсни шоирнинг ўз қиёфасидан умуман ажратиб, бўлақлаб олиш қийин, лекин ундан ўзига хос фарқи борлигини сезмаслик ҳам мумкин эмас. Шу фарқни ҳисобга олиб, шоир ҳаётда юз бермаган, лекин юз бериши мумкин бўлган ҳақиқий ҳолатни ўз номидан айтса, бу ерда ўзига хос бадиий қонуният мавжудлигини унутмаслик керак. «Сен мени нима қиласан?» деган шеърида шундай лирик шахс аниқ ифодаланган.

Шунинг учун бу шеърдаги сўзларни, масалан: «Ажал вақти етди, Мен ўлай, фақат сен омон бўл!» – деганларни шоир бировга айтаяпти дегандан кўра, бу умумлаштирилган лирик шахснинг номидан айтилган сўз деб тушунган яхши. Шоир қиёфасининг бошқа қирраларига келсан, баъзида у кўпроқ аниқ бир жойни, шароитни баён этувчи сифатида намоён бўлади. Масалан, «Бойлар юрар йиққан молин кўриқлаб», «Бургут, лочин не олмайди, вақтида овга солсанг», «Ошга-тўйга борадиган» каби шеърларини атаб ўтиш мумкин. Баъзан шоир шеърларида бошқа одамнинг хистуйғуларини тасвирлайди. Масалан, «Қизариб, бўзариб» шеърда ошиқ ёшларнинг муҳаббат туйғуси дастлаб ўз борлиғи билан акс этиб, уни тасвирлаб етказган шоир қиёфаси олға тортилмай, ташқарида туради. Шунингдек, табиат манзараларини тасвирловчи шеърларида ҳам шоир – кўпроқ баёнловчи, тасвирлаб ифодаловчи сифатида намоён бўлади. У ўзини табиат ходисаларини қандай тушунишини аниқ англаб турса-да, дастлаб эътибор берадиган нарсаси – табиат қўйнидаги одамларнинг ҳаёти. Одам портретини, масалан, гўзал қизнинг қомати, бўй-бастини тасвирловчи шеърлари ҳақида гапирганда, шу портретнинг муаллифи шоирнинг ўзи эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Шунга қарамай, Абай ўзининг нақлларини, насихат сўзларини тўлиқ анъанавий нотиклик сўз санъати намунасида баён этмайди. Уларнинг баъзилари нотиклик сўз санъатига фикрнинг теранлиги, ўткир ифода жихатидан ҳам, сўзни ривожлантириб бориш жихатидан ҳам тўла монанд келса, бир қанча сўзлари аксинча ифодаланади, баъзилари содда тил билан айтилган ижтимоий, инсоний масалалар ҳақидаги суҳбат тарзида берилади, йигирма еттинчи сўзи Сукротнинг шогирди Арасту билан суҳбати тарзида, ўттиз саккизинчи сўзи диний трактат тарзида берилади ва «Қозоқларнинг келиб чиқиш асли» деган фикрни алоҳида тарихий мавзунини кўтарадиган масалага туртки беради. Насихат сўзлар, мавзу жихатидан олиб қараганда шоирнинг шеърлари билан уйғунлашиб кетади. Бироқ, суҳбат-ҳикоя жанрининг ўзига хос хусусиятларидан тўлиқ фойдаланиб, ҳалол меҳнат қилиш, экин экиш, савдо билан шуғулланиш, ҳунар эгаллаш, илм-фанга ихлос қўйиш, жамиятдаги турли гуруҳларнинг фаолияти, хулқ-атвори, инсонпарварлик, имонлилиқ каби бир қатор масалаларни Абай насихат сўзларида кенг таърифлайди, фойдали

фикрларни ўртага ташлайди. Масалан, экин экиш, савдо билан шуғулланиш, хунар, илм излаш зарурлигини турмуш шароитида, асосий фаолиятга, кундаликдаги бажариладиган ишларга боғлаб ифодалайди. Халқ ҳаётини, турли гуруҳ вакилларининг хулқ-атворини атрофлича таҳлил қилган ҳолда фикр билдиради. Бўлис сайлови ҳақида фикр юритганида шу пайтдаги мавжуд ижтимоий шароитни, халқ урф-одатлари, тушунчаларига алоҳида эътибор беради. Халқни бошқарадиган киши замон оқими, халқнинг эҳтиёжларини яхши билиб, шу билан бир қаторда «Эсимхоннинг эски йўли», Тавкенинг «Етти низоми» каби, илгаридан келаётган халқ бошқариш усулларидан янги даврнинг шароитига кўра ўринли фойдалана олиш керак дейди. Ҳалол меҳнат қилиб, бойлик орттириш, эринмасдан илм ўрганиш зарурати ҳақидаги фикрларини насихат сўзларининг бир нечта бобларида, ҳар томонлама талқин этади. Абайнинг насихат сўзлари қозоқ адабиётида дохиёна сўз, бадиий прозанинг шаклланиб, ривожланишида сезиларли янгилик бўлди. Абайнинг асарларида мутафаккирлик билан тасвир ажралмас бирликда, ғоят катта аҳамиятга эга бўлган ижтимоий, инсоний, халқчил масалаларни чуқур талқин этадиган янгича, кўринишга эга бўлган поэзиянинг туғилишига сабаб бўлди. Қозоқ адабиёти реалистик ёзма адабиёт намунасидаги ҳақиқий лирик асарларнинг янги турлари билан бойиди ва Абайнинг қозоқ миллий шеъриятидаги фикрлаш тизимини бойитиб, сўзнинг маъноли, тасвирий қувватини орттиришга, нутқ ривожланишига катта имконият яратиб, бу соҳада шоирнинг фойдали янгилик яратишига йўл очди. Абайнинг қозоқ тилини ривожлантиришга, адабий тилни, шеърят тилини ривожлантириб, янгича бадиий сўз намуналари билан бойитишга қўшган хиссаси беқиёс.

Абай ижодини ҳозирги нуқтаи назар даражасида таҳлил этиб, чуқур тушуниш учун кейинги пайтдаги йирик тадқиқот ишлари сезиларли улуш қўшди. Буюк Абайнинг 150 йиллик юбилеи мамлакатимиз билан бир қаторда ЮНЕСКОнинг махсус қарори бўйича чет элларда нишонлангани, асарлари ўнлаган тилларга таржима қилиниб, унинг номини дунёга янада машҳур қилди.

Ў. Ўринбоев

АБАЙ ҲАҚИДА БИЛДИРИЛГАН ФИКРЛАР

Иброҳим мирзанинг яшаган муҳити қозоқлар орасида бўлганидан, унинг қадри дастлаб унча сезилмади. У киши аслида донишманд, файласуф, маърифатпарвар ва буюк оқин эди. Абай эзилган халқ орасида яшаб, ўзи ҳам эзилиб яшади.

Шокарим.

Абай Қунонбоев – қозоқ халқининг буюк оқини. Ўтмишда ва ундан кейинги ҳозирги кунимизда ҳам ундан кучлироқ оқин бўлганлигини биз билмаймиз.

А. Бойтурсинов.

Абайнинг вафот этган кунидан қанча узоқлашганимиз сари, унинг руҳига шунча яқинлашишимизга заррача шубҳа йўқ.

Халқ турмуши шу кўйда қолмайди, бир кунмас-бир кун маърифатга интилади, саводли бўлади, хунар-билим эгаллайди, ана шунда Абайнинг иззати қундан-қунга ортади. Буюк оқинимиз, деб халқ унинг қабрини тез-тез зиёрат этиб туради, халқ билан Абай орасида кучли муҳаббат уйғонади. У кунларни балки биз кўролмасмиз, аммо бизнинг руҳимиз уни сезиб, шод бўлади.

Миржоқиб Дувлатий.

Ўзинг доно, сўзинг асл – баҳо етмас,
Ҳар сўзинг минг йил ўтса таъми кетмас.
Халқдан доно бўлиб етишган жоннинг,
Оламнинг қулоғидан саси кетмас!
... Ох, йиллар ўтар, дунё кўчин тортар,
Ўлдириб талай жонни, юкин ортар,
Кўз очик элинг уйғоқ бўлган сайин,
Доно бобо, ишонавер қадринг ортар.

Мағжон Жумабоев.

Абайнинг табиати, Абайнинг овози, Абайнинг нафаси – замон нафаси, халқ овози. Бугун бу овоз бизнинг овозимизга ҳамоҳанг жаранглаб, янгича руҳга эга бўлмоқда.

М. Авезов.

НАСИҲАТ СЎЗЛАР

(Қора сўзлар)



БИРИНЧИ СЎЗ

Билмадим, шу ёшга етгунча яхши умр сурдимми, ёмон умр сурдимми, ҳар ҳолда анча яшаб қўйдим: умр бўйи курашдим, тортишдим, баҳслашдим – хуллас яхши-ёмонни барини кўрдим. Энди кексайдим: чарчаб ҳолдан тойдим, шу кунгача нима иш қилган бўлсам ҳаммасини бемаъни эканлигига тушуниб етдим. Қолган умримни қандай ўтказсам экан деган хаёл мени ташвишлантира бошлади. Шунга жавоб тополмай ўзим ҳам хайронман.

Халқни бошқарсаммикин? Йўқ, бундай халқни бошқариш мушкул иш. Бирор тузалмас дардга учрайин деган киши ёки серғайрат ёшлар бу ишни қўлига олмаса, мени бундай машаққатдан худонинг ўзи асрасин.

Мол боқсам-чи? Йўқ бу ҳам тўғри келмайди, боқолмайман. Керак бўлса болаларнинг ўзлари керагича боқиб олишар, кексайган чоғда роҳатини ўзинг кўролмайдиган ишни қилишдан не фойда, ё ўғри, золим, муттаҳамлар учун боқиб беришим керакми? Йўқ, бўлмайди. Қолган умримни хор-зорликда ўтказишни ўзимга раво кўрмайман.

Ё илму фан билан шуғуллансаммикин? Буниси ҳам маъқул келмайди. Илм-фан билан шуғулланиш учун илму фан ҳақида ҳамсуҳбат бўла оладиган киши керак. Бундай одамнинг ўзи йўқ. Билганларингни кимга ўргатасан, билмаганингни кимдан сўрайсан, ким билан ақллашасан? Кимсасиз бу чўлу биёбонда тагингга гилам тўшаб, қўлингга газ чўп ушлаб ўтиришдан не фойда? Ўз фикрингни ўртоқлашадиган, мулоҳаза қиладиган бирон кимса бўлмагандан сўнг, илм ҳам кишини тез қаритадиган бир ташвиш бўлиб қолади.

Балким сўфилик қилиб, дин йўлига ихлос қилсаммикин? Йўқ, буниси ҳам менга тўғри келмайди. Чунки бундай ишлар билан машғул бўлиш учун тинчлик, хотиржамлик зарур. На кўнгилда, на ҳаётингда осойишталик бўлмагандан сўнг бундай элда, бундай ҳолда сўфилик қилишга бало борми!

Болаларни тарбияласам-чи? Жон-жон деб тарбиялар эдим-у, нима учун, қандай тарбиялашимни ҳам тасаввур қилолмайман, тарбиялашнинг маънисини ҳам биллолмайман. Агар тарбияласам, ким бўлсин деб тарбиялашим, қайси одамларга, қайси жараёнга қўшишим керак? Ўз болаларимга тажриба, билимимнинг мевасини кўрсатолмадим-у уларга у ёққа бор, бундай қил деб қандай айтайин. Йўқ, бу ишни ҳам уддасидан чиқолмас эканман.

Ниҳоят шундай хулосага келдим, фикримга қандай ўй келса, қоғозга ёзаверайин, оқ қоғоз билан қора сиёҳни ўзимга эрмак қилиб олай, кимда-ким ёзганларим орасидан ўзига маъқул келган сўзларни топа олса, ёзиб олар ёки ўкиб кўрар, маъқул кўрмаса, ўз сўзим ўзимники дедим-да, ниҳоят ёзишга жазм этдим, эндиликда бундан бўлак ҳеч қандай ташвишим йўқ.

ИККИНЧИ СЎЗ

Болалик чоғларимда бизнинг қозоқларни сартни кўриб қолса устидан кулиб: «Уй томини ёпаман деб олисдан қамиш ташиган, ҳар бутоқдан ҳадиксираган, дуч келган билан «ака-ука»лашиб, орқасидан «қизингни...» деб ҳақоратлаган, «сарт-сурт»¹ деган мана шу онангни эммагур кенг қўлтиқ, чулдираган – тожик деб, нўғайни кўрса, уни ҳам мазаҳ қилиб: «туядан кўрққан нўғай отга минса чарчаб, пиёда юрса, дам олади, нўғай эмас, ноқай², кўлидан бир иш келмайдиган, солдат нўғай, қочоқ нўғай, савдогар нўғай, деб, русларнинг устидан ҳам эрмак қилиб; «Овулни кўрса, маллабош, ёмон сассиқ бош ўрис», «Ўрис хаёлига келганни қилади, нима десанг шунга ишонади, узун қулоқни топиб бер дейди» деб кулар эди.

Шунда мен бу гаплардан ўзимча завқланиб, «эй худо-йим-ей, биздан бошқа халқларнинг ҳаммаси лаънатга учраган, ёмон экан, энг яхши халқ биз эканмиз», деб ўйлаб қолардим.

Энди билсам, сартнинг³ экмаган экини йўқ, савдогарининг бормаган жойи йўқ, қилмаган хунари йўқ экан. Ўз

¹«сарт-сурт» – шитир-шитир

²ноқай – фаҳмсиз

³сарт – ўзбек, уйғур

юмуши билан машғул бўлиб, бир-бири билан жанжаллашмайди, адовати йўқ экан. Русларга қарам бўлгунимизча вафот этган қозоқнинг кафанлигини, тиригининг уст-бошини шулар етказиб турди. Отасининг ўз фарзандига ишонмайдиган молларни савдо қилиб, олиб кетаётганлар ҳам улар эмасми?!

Русларга қарам бўлганимиздан кейин ҳам уларнинг хунарларини биздан кўра сартлар кўпроқ эгаллашди. Катта-катта бойлар ҳам, катта-катта бойликлар ҳам уларнинг қўлида. Нўғайга қарасам, солдатликка ҳам, ўлимга ҳам бардош беради, муллалари мадраса очиб, динга итоат этишга ҳам чидамли. Меҳнат қилиб, бойлик орттириш йўлини ҳам биладиганлар шулар экан. Байрам нишонлаш, хурсандчилик қилишни ҳам жойига қўя олишади.

Қузғун томоғимиз учун уларнинг бойларига ёлланиб ёки уйимизга келиб қолса, сертакаллуфлик билан кутиб олувчи эдик. Бизнинг энг катта бойларимиз уларга бориб қолгудек бўлса, «Сенинг ифлос оёғинг босиши учун ерга гилам тўшалган эмас, уйдан чиқ, сассиқ қозоқ» деб уйдан қувиб ҳайдарди.

Уларнинг ҳаммалари аста-секинлик билан хунар эгаллаб, осойишта хўжалик юритиш оқибатида бойиганликларининг оқибатидандир.

Руслар ҳақида¹ эса таърифлашга ҳам сўз камлик қилади, ҳатто уларнинг хизматкорлари билан ҳам тенглашолмаймиз.

Бас, шундай экан, аввалги мақтанчоқлигимиз, ҳалигина қувониб, бировларни устидан кулиб айтган сўзларимиз қани?

УЧИНЧИ СЎЗ

Қозоқларнинг бир-бирига нисбатан ҳасадгўйлигининг, бирининг сўзини иккинчиси қувватламаслигининг, рост сўзи кам бўлишининг, мансабпараст, ялқов бўлишининг сабаби нимада?

Жаҳонга машҳур донишмандалар айтганидек: ҳар қандай ялқов киши – қўрқоқ, ғайратсиз бўлади, ҳар қандай ғайратсиз киши – қўрқоқ ва мақтанчоқ бўлади; ҳар қандай мақтанчоқ – қўрқоқ, ақлсиз ва нодон бўлади; ҳар бир ақлсиз – нодон ва уятсиз бўлади; ҳар бир уятсиз – иштиёқсиз, кимсага дўстлиги йўқ, субутсиз бўлади.

Буларнинг ҳаммаси тўрт оёқли молни кўпайтиришдан бошқа фикр йўқлигидан пайдо бўлади, аксинча экин экиш, савдо билан шуғулланиш, касб-хунар эгаллаб, илму фан ўрганишга ихлос қўйилса, нур устига аъло нур бўлар эди.

Ҳар бир ота-она ўз молини кўпайтириб, болаларининг уни янада кўпайтиришлари ҳақида қайғуришади. Чунки моли кўпайса, қарол ёллаб, ўзлари гўштга тўйиб, қимиз ичиб, учкур арғумокни қозикқа боғлаб, гўзаллар оғушида хурсандчилик қилишни орзу қилади.

Мабодо уларнинг яйловлари, қишлоқлик мол кўралари торлик қилиб қолгудек бўлса, ўзларининг зўравонлигини намойиш этиб, ёки эгаллаб турган лавозимидан фойдаланиб, мумкин бўлган барча имкониятларини ишга солиб, қўшниларининг ерларини сотиб олади ёки тортиб олади. Яйлови, кўрасидан айрилган киши яна бошқасига тегажаклик қилади ё яйлови, еридан ажралиб, бошқа эларга кўчиб кетишга мажбур бўлади. Ҳар бир қозоқнинг фикри-хаёли шундан иборат.

Бу каби одамлар бир-бирлари билан дўст-иноқ бўла оладими? Қашшоқлар қанча кўп бўлса, даромади шунча кам бўлади, молидан айрилганлар қанча кўпайса, бўш кўра шунча кўпаяди, деган хаёл билан мен уни, у эса мени қашшоқлашишимизни истаб, ўзаро қасдлашамиз. Бора-бора бу қасдлик ошқора акс этади, ўзаро душманчилик қиламиз, тортишамиз, турли партияларга бўлинамиз. Душманларим олдида сўзим ўткир бўлсин деб, бийлик, бўлислик мансабларини эгаллашга ҳаракат қиламиз. Шундай бўлгач, ҳеч бир мўминнинг боласи бошқа ерларга бораёй, тер тўкиб, меҳнат қилиб, бойлик орттирай, экин-тикин қилай, савдосотиқ билан шуғулланай деб айтгиси келмайди. Бундай ишларга зарурат ҳам қолмайди. Шу ҳолда улар бугун бир партияга, эртага бошқа бир партияга сотилиб, гўё сафимизни кенгайтираамиз деган хом хаёлда туради.

Ўғриларга эса ҳамма вақт йўл очиқ, уларни тийиб оладиган киши йўқ. Юрт тинч бўлса, ўғриларни халқ ўз холига қўйиб-қўймас эди. Халқ икки томон бўлгач, ким қасам ичиб, ўғриларга ён босса, улар шу томонга оғиб, ўғирликларини илгаригисидан ҳам бешбадтар ошира бошлайди.

Юртдаги барча яхшилар устидан: «босқинчилик қилди, бор-йўғимни талади» деб ёлғон тухмат билан шикоят қилиб,

жиной иш кўтаради. Уни дарҳол терговга чақиради. Кўрмаганини кўрдим деювчи муттаҳам гувоҳлар ҳам илгаридан тайёрлаб қўйилади, ҳалиги киши сайловга ўз номзодини қўйолмайди. Агар бу одам ўз номини қораламаслик учун ёмонларга ёлворса, унинг ҳам одамгарчиликдан чикқани, борди-ю ёлвормаса, тергов қилинган, судланган одам ҳисобланиб, ҳеч бир лавозимга ярамай, доим бош эгиб юришга мажбур бўлиб қолади.

Бўлис лавозимини эгаллаганлар муғомбирлик, харом йўл билан шу мансабга эришганларидан сўнг, содда кишиларни назар-писанд қилмайди, ўзи каби нопок, муғомбир, илоннинг ёғини ялаганларни менга дўст бўлса, бирон ёрдами тегиб қолар, агар фикри бузуқ бўлса, зарар кўрсатиши мумкин деган хаёлга бориб, сохталик билан уларни қадрлай бошлайди.

Бугунги кунимизда қозоқлар орасида «Ишини билмаган, кишини билар» деган мақол пайдо бўлиб қолди. Бунинг маъноси: «ишни қандай юритиш кераклигини билмасанг, бошқаларнинг мансабпарастлигидан фойдалана бил» деган сўз.

Одатда бўлислар уч йилга сайланади. Дастлабки йил «Сени биз сайлаганмиз», – деган киноялар билан ўтади. Иккинчи йили бўлажак номзодлар ўртасида олишувлар билан ўтади. Учинчи йили эса сайлов яқинлашган сари, яна бўлис бўлиб сайланишга имкон туғилиб қолармикин деган умид билан кечади. Яна нима қолди?

Қозоқларнинг бу каби бузғунчиликларга бош эгиб, йилдан-йилга тубанлашиб бораётганини кўрганимдан сўнг, шундай фикр хаёлимга келди: Халқ бўлисликка сайламоқчи бўлган одам бир қадар русча маълумотга эга бўлиши керак. Мабодо ораларида бундай одам топилмаса, ёки бор бўлса ҳам сайланолмади қолса, уезд бошлиғи ва губернаторларнинг кўрсатмаси билан тайинланса, халқ учун ниҳоятда фойдали бўларди. Бунинг сабаби: биринчидан, мансабпараст қозоқ болаларига маълумот бериш учун, иккинчидан, тайинланган бўлислар халққа эмас, балки лавозимли бошлиқларга тобе бўлур эди.

Биз ҳар бир бўлисликда бий ва ҳокимлар сайловининг бефойда эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Адолат билан ҳукм чиқариш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун Қосимхоннинг «аниқ йўли», Эсимхоннинг «эски йўли»ни, донишманд Тавкехоннинг Култепа бошида бир неча

кун йиғилиш ўтказиб, қабуллаган «Етти низом»ларини билиши даркор. Айни пайтда, айрим эскирган низом ва қонунларни ҳозирги замон руҳига мувофиқлаштириб, янги қонунлар яратадиган киши бўлиши тақозо этилади. Бундайлар эса бизда жуда оз ёки умуман йўқ. Қозоқлар турмуш-тарзидан яхши хабардор бўлган кишилар: «Бий иккита бўлса, дов-жанжал тўртта бўлади» деган экан. Бунинг маъноси бийлар қанча кўп бўлса, тортишув, келишмовчилик шунча кўп бўлади, деган сўзга бориб тақалади. Бийлар сонини кўпайтиришдан кимга наф тегади? Бийлар сонини кўпайтириш ўрнига ҳар бир бўлисликдан саводли уч кишини муддатини кўрсатмасдан сайлаш керак, борди-ю, улар бийликдан озод этиладиган бўлса, камчилиги ошкор бўлгандан сўнг, лавозимидан олиниши керак, йўқса лавозимида ишлайвериши керак. Даъволашаётган одамлар бу бийлардан иккитасини танлаб, ўртага воситачи қўйиб, ишини битириши керак, агар бунда ҳам уларни мурасага келтиролмаса, уч бийдан биттасини танлаб ёки қуръа ташлаш йўли билан танлаб олсагина даъволашув узоққа чўзилмай бир мурасага келишар эди.

ТҶРТИНЧИ СЎЗ

Ҳар қандай фахм-фаросатли киши ахмоқона кулгининг мастлик билан бир хил эканини билса керак. Ҳар қандай маст киши бу дунёдан ғофил бўлиб ўтади, унинг сўзлаган сўзлари киши бошини оғритишдан бошқага ярамайди. Бемаъни кулгига берилган киши ишдан қолади, виждонини, уятини йўқотади, тузатиб бўлмас хатоликларга йўл қўяди ва ундай киши бугун бўлмаса, охиратда афсусланмай қолмайди.

Ғам-қайғуни тушунадиган ҳар бир одам дунё ташвишларини ҳам, охират ташвишларини ҳам бошқалардан яхшироқ билади.

Ўз фикрини жамлаб олишнинг оқибати муваффақиятлар гарови бўла олади. Шундай бўлгач, доим ғам-ташвиш чекиб юришимиз керакми? Доимий ғам-аламга инсон жисми бардош бера олармикин? Бир умр кулмасдан юриш мумкинми? Бунга чидаш бера оламизми? Йўқ, мен ҳар доим қайғу-ҳасрат билан юр демоқчи эмасман. Қайғу-ҳасратсизлигинг учун ташвишлан-да, ундан қутулиш чораларини

изла, ҳар қандай ўринли чоранинг ўзи қайғу-ҳасратни чекинтиради, уни ўринсиз кулги билан эмас, ўринли чоратадбир билан камайтир!

Чиқар эшигини тополмай, ғам-аламга ўралишиб қолишнинг ўзи ҳам бир ҳасрат, яъни бирон ёмон киши устидан кулсанг, ундан роҳатланиб кулма, изза бўлиб, ачиниб кул, аламли кулгининг ўзи ҳам – қайғу. Бундай кулгига ўзинг ҳам йўл қўймасан, ҳар қандай яхши кишининг яхшилик кўрганига хурсанд бўлиб кулсанг, унинг яхшиликни яхшиликдан топганига қувониб кул ва ундан ибрат ол. Ибрат олишнинг ўзи ҳам манманликка чек қўйдириб, ёмон йўллардан сени тияди.

Кўп кулгининг ҳаммасини мақтаганим йўқ, чунки кулгининг ҳаммаси ҳам мақтовга сазовор бўлавермайди. Кулгилар ичида шундай бир кулги бўладики, парвардигори олам яратган кўнгилдан эмас, балки ўзини яқин кўрсатиш, тилёғламалик қилиш учун қилинадиган сохта кулги.

Инсон боласи онадан йиғлаб туғилади, кетар чоғи ҳаммани ғамга ботириб кетади. Икки ораликда эса бу дунёнинг роҳатини тополмай, бир-бирига душманчилик қилиб, мақтанишиб, қимматли умрини беҳуда, бачкана қилиқлар билан хор-зор қилиб ўтказади-да, умри тугар кезде, бир кунлик умрни бор мол-мулкини сотиб ҳам тополмай қолади.

Муғамбирлик билан, кўз сузиб, тиланиб, алдамчилик билан умр суриш – қўлидан ҳеч вақо келмайдиган хунарсиз итнинг ишидир. Аввало худога ишониб, қолаверса ўз куч-қувватингга суяниб меҳнат қил. Меҳнат қилсанг, бу сахий ер сени боқади, қурук қўймайди.

БЕШИНЧИ СЎЗ

Юракни босган ғам-алам одамнинг ўзига сездирмай, жисмини емиради, кўзидан ёш бўлиб оқади ёки тилидан сўз бўлиб ёғилади.

Қозоқларнинг: «Эй, худо, ёш боладай қайғусиз қила қолсанг-чи!» деб нола қилиб, ёлворганларини ўз кўзим билан кўриб, ўз қулоғим билан эшитганман. Ёш бола бўлиб қолса, гўё ғам-ташвиш, бахтсизликдан қутулиб қолгандай, гўё шу тилаклари билан ўзлари болалардан ақллироқ бўлиб қолгандай. Бу ғам-ташвишлар нимада экани қуйидаги мақолларда яққол акс этади: «Ярим кунлик умринг қолса, бир

кунлик озиқ ғамла», «Ўзингда бўлмаса, отанг ҳам бегона», «Мол-дунё – одамнинг жон-жигари», «Моли кўпнинг юзи ёруғ, молсизнинг юзи шувут», «Эр озиғи билан, бўри озиғи йўлда», «Йигит моли элида, истаганда қўлида», «Бировдан мол олиш уятсизлик», «Олган қўлим – қайтарар», «Мол топган йигитнинг ёмонлиги бўлмас», «Бойдан умид қилмаган – худодан умид қилмас», «Оч қолсанг, таъзия бўлган уйга чоп», «Туби йўқ кўлдан қоч, хайри йўқ элдан қоч» каби сўзлари беҳисоб.

Бу мақолларнинг мазмунидан қандай маъно чиқади? Демак, қозоқлар тинчлик, илм, билим, адолат деб ғам чекмас экан, аммо мол-дунё тўплаш учун жон талашар экан, у мол-дунёни қандай йўл билан топишни билмайди, билгани фақатгина моли борларни алдаб, уларни мақтаб молига эғалик қилишдан иборат экан, бермаса у билан сан-манга бориб қолади, ўз отаси билан ёвлашишдан ҳам номус қилмайди. Хуллас, ўғирлик, қувлик-шумлик, айёрлик, фирибгарлик, тиланчилик каби иллатларнинг бирортаси воситасида мол-дунё орттирса, биз уларнинг бу ишини айб деб санамаймиз.

Бундай одамларнинг ақлини ёш боладан ортиқ деб бўладими? Шундай дейишга деймиз-у, ёш болалар ловиллаб ёниб турган ўчоқдан қўрқар эди, булар эса дўзах ўтидан ҳам қўрқмайди. Ёш бола бўлса, ер чизиб турарди, булар бўлса ҳеч нарсадан уялмайди. Уларнинг ёш боладан ортиқлиги шундами? Боримизни улашиб, уларга талатмасак, биз ҳам улар каби бўлмасак, биздан юз ўгиришар экан. Шуми биз мақтаган юрт?

ОЛТИНЧИ СЎЗ

Қозоқларнинг бир мақолида: «Хунар тотувликда, бахтли ҳаёт меҳнатда» дейилади. Тотувлик қандай халқ орасида бўлади, нима қилса тотувлик бўлади – булардан хабари йўқ. Қозоқлар: тотувлик деганни умумий; еб-ичиш умумий, кийим-кечак умумий, бойлик ҳам умумий бўлса экан деб билади. Шундай бўлгач, бу бойликнинг фойдаси нимада-ю, камбағалликнинг зарари нима? У ҳолда ошна-оғайнисиз мол-дунё топишнинг нима кераги бор? Йўқ, тотувлик мол-дунё билан эмас, ақл билан бўлиши керак. Мол-дунёнинг кўлига ушлатиб қўйсанг, отаси бошқа, дини бошқа, қони бошқалар ҳам сен билан тотув бўлади? Тотувлик мол-дунё

билан ўлчанса, қасам уришнинг боши – шу. Ака-ука, яқинлар бир-бирига тама қилмай, ўз ақл-заковатига таяниб, ҳар ким ўз тақдирига тан бериб, аҳил бўлиб яшашлари керак. Акс ҳолда улар ўз худоларини ҳам унутиб ялқовлашиб, ўзаро душманчилик йўлларини излай бошлайди. Бир-бирларини ранжитади, балчиққа белади. Иғво, гийбат билан тотувликка эришиб бўлармиди?

«Бахтли ҳаёт меҳнатда» дейди, бу қандай ҳаёт? Бу жоннинг жисмдан чиқмаганими? Ундай бўлса, бундай ҳаётни ит ҳам кечирмоқда. Йўқ, бундай тирикликни афзал билиб, адашган киши ўлим олдида талвасага тушиб, охиратига ҳам душман бўлади. Ўз жонини азиз билиб, душманларидан қочиб, қўрқоқ деган иснодга қолиб, меҳнат қилишдан, хизматдан қочиб, ёмон ном чиқариш ҳам дунёдаги мавжуд ҳаётнинг душмани ҳисобланади. Бу санаб ўтганларимиз ҳаёт эмас. Қалби, кўнгли тирик, пок бўлсагина ҳаёт дейиш мумкин. Ўзинг ҳаёт бўлсанг-у, кўнглинг ўлик бўлса, ақл олишга ҳам арзигилик сўз уқиб ололмайсан. Ақлинг кучи билан эринмасдан мол-дунё топишга гайратинг етмайди.

Дангаса, ялқов, ишёкмас,
Тайёрга айёр – одаммас,
Сирти – пишиқ, ичи – нас,
Охирин ўйлаб уялмас.

деганлари каби ҳаёт кечирсанг, зинҳор бу дунёда борман, тирикман дема, ундан кўра худо юборган ҳалол ўлимнинг ортиқ.

ЕТТИНЧИ СЎЗ

Гўдак онадан икки хил хулқ билан туғилади: Биринчиси – ичсам, есам, ухласам дейди. Булар жисмнинг хоҳиш-истаги, уларсиз тана жон учун ором беролмайди, ривожланмайди, қувват ололмайди. Иккинчиси, бирор нарсани билсам, ўргансам дейди. Бола нимага кўзи тушса, ўшанга талпинади, ялтироқ нарсаларга қизиқиб, оғзига солиб, мазасини татиб, юзига босиб кўради, карнай-сурнай овози эшитилса, шунга интилиб, улғайган сайин ит урса ҳам, мол маъраса ҳам, биров кулса ҳам, йиғласа ҳам югуриб бориб «Бу нима?», «У нима?», «У нега ундай қилди?», «Бу нега бундай қилди?» деб кўзи кўрган, қулоғи эшитган нарсаларнинг

барчасини сўраб, тинчлик бермайди. Буларнинг ҳаммаси – жоннинг кўрсам, ўргансам деган табиий истагидир.

Оламнинг кўзга кўринувчи ва кўринмовчи сирларини тўлик, ҳеч қурмаса ўз танасида синаб ҳис этмаса, у одам етук инсон эмас. Буни билмагач, бундай тирик одамнинг инсонийлиги қолмай, ҳайвонсифат бўлиб қолади. Аслида худо таоло ҳайвоннинг жонидан одам жонини афзал қилиб, буни ўзига сездириб яратган. Нима сабабдан ёшимиз улғайиб, ақлга тўлганимизда болалигимизда қизиқ туюлган нарсаларни сўраб ўрганадиган вақтларимизда, овқат, уйқуни ҳам унуттириб юборадиган хоҳиш-истакларимизни энди суриштирмаймиз, тушунтириб берадиган одамни топиб сўрамаймиз, нега уларни илм сўқмоқларидан юрмаймиз?

Жонимизнинг озуқаси бўлган бу интилишимизни олға бошловчи, излаб топган хазинамизни кўпайтиришимиз лозим. Тандан жон ортик, танимиз учун керак бўлган заруриятлардан ахлоқий заруриятларни юқори эканлигини англашимиз лозим эди. Қалб амрига қулоқ тутишимиз керак эди. Йўқ, биз бу йўлдан бормадик. Бузоқдай маъраб, қарғайдай қақиллаб, овулдаги турли миш-мишлардан узоқлаша олмадик. Жонимиз бизни фақат болалигимизда тўғри йўлга солмоқчи бўлган экан. Улғайиб, кучга тўлгач, унга бўйсунмадик. Аксинча, жонимизни танамизга тобе қилдик, ҳеч нарсага чин дил билан ихлос қилмадик, кўзни бундай каттароқ очиб ҳам қарамадик, кўнглимиз истаб турса-да ишонмадик. Кўзга кўринган нарсанинг сиртинигина кўриб, қувондик, Бунинг қандай сир-асрори бор деб кўнгилга ҳам олмадик, шу нарсани билмасак нимамиз камайиб қолди дедик. Биров ўргатса ҳам уқмадик, кимдир ақл ўргатмоқчи бўлса: «Ўз билганинг ўзингга, ўз билганим ўзимга», «Бировнинг ақли билан бой бўлгунча, ўз ақлинг билан гадоё бўл» деб жавоб бердик. Бундан бошқасини билмаймиз, тушунтирса, тушунмаймиз.

Қалбимизда шуъла, дилимизда ишонч йўқ. Сўниқ кўз билан кўрадиган бизнинг ҳайвондан нимамиз ортиқ? Қайтанга болалик чоғларимизда яхши эканмиз. Билсак-да, билмасакда билишга ҳаракат қилган инсон боласи эканмиз. Ҳозир эса ҳайвондан ҳам бешбадтармиз. Ҳайвон билмайди, биламан деб ҳаракат ҳам қилмайди. Биз ҳеч нимани билмаймиз, биз ҳали ҳам биламиз деб нодонлигимизни ошқор қилмай, баҳслашганимизда, бўғилиб, кўзимиз қонга тўлиб кетади.

САККИЗИНЧИ СЎЗ

Бу насихатларимни ўрганиб, тинглайдиган, одам топи-лармикин?

Бири – бўлис, иккинчиси бий. Уларда ақл ўрганаман, насихат тинглайман деган фикр бўлганида, бу лавозига сайланиб ўтирмасди. Улар ўзларини энг етук одамлармиз, ўзимиз бировларга насихат айтиб, ибрат бўла оламиз, ақл ўргатамиз деган хаёл билан сайланган. Улар ўзларини «ақли расомиз, эндиги ишимиз халқни тарбиялаш ва унга ақл бериш» деб ҳисоблашади. Улар ақл ва насихатларни қандай ва қайси вақтда тингласин. Тинглаш учун қўллари бўшармиди? Бошида ташвиши етарли: катталар олдида уятли бўлиб қоламизми, элдаги бузғунчиликлар янада кучайиб кетмасмикин, халқни йўлдан тойдириб оламизми, ўзимиз чиқим қилиб, чикимимиз ўрнини тўлдира олмай қоламизми? – деб, бировга ёрдамлашворай, бировни қутқарай деган фикрнинг ҳаммаси уларнинг бошида ташвиш, шундай экан қўллари бўшамайди.

Бойлар-чи? Уларда ташвиш йўқми? Бир кун бўлса ҳам, ўзларини бойман, бадавлатман деб гўё дунёнинг ярим бойлигига эга бўлгандай ҳисоблаб, етишмаган нарсасини бойлиги орқали сотиб олади. Кўнгиллари кўкда, кўзлари осмонда, адолат, ёвуз фикр, илм-урфон – ҳеч нарсани молдан азиз санамайди.

Мол бўлса бас, худо таолони ҳам пора билан сотиб олса бўлади деб ўйлайди. Уларнинг дини, худоси, халқи, юрти, билими, виждони, ор-номуси қариндош-уруғи – барчаси – мол-дунё. Айтган насихатларингни қандай уқсин, ўқий деса-да, қўли бўшармиди? У молини суғориши, тўйдириши, савдо қилиши, бировга боқтириши, ўғри-бўри, қиш, совуқ-салқиндан эҳтиёт қилиши, эҳтиёт қиладиган одам топиши керак. Буларнинг ҳаммасини бир изга тушириб бўлгунча қанча замон ўтади, қандай қўли тегсин?

Улар тингламагач, ўғри, қаллоб, товламачилар қулоқ солармиди?

Қўйдек ювош бечоралар эса кунларини зўрға кўриб юрибди. Илм-билим бойларга керак бўлмаганда, камбағалга

унинг нима хожати бор? «Бизларга эмас, биздан кўра яхшироқ тушунадиганларга айт» дейди. Уларнинг ўзга билан иши йўқ. Бошқаларда бор бўлган нарса уларда ҳам бор бўлса бас, қайғу-аламни ҳам унутади.

ТЎҒҚИЗИНЧИ СЎЗ

Мен ўзим қозоқман. Қозоқларни яхши кўраманми, ёмон кўраманми – бунини ўзим ҳам англаб етолмайман. Агар яхши кўрсам уларнинг хатти-харакатларини қўллаб-қувватлашим ва ахлоқ-одобидаги яхши хислатларини мадҳ этувчи кўнгилга ўтирадиган бирон нарса айтишим керак эди. Шунда ҳам умидсизликка тушмай, униси бўлмаса, буниси бор-ку, деб умидвор бўлмоғим керак эди. Ундай қилолмадим. Мабодо ёмон кўрсам, улар билан гаплашмаслигим, фикрлашмаслигим, сирлашмаслигим маслақдош бўлмаслигим керак эди, уларга қўшилмай, «Нима қилди?», «Нима бўлди?» демасдан юраверишим керак эди. Агар бунинг ҳам имкони бўлмаса, ораларидан кўчиб кетишим зарур эди. Уларни тўғри йўлга соламан, ўргатаман деган фикрдан узоқдаман. Айтганларимнинг ҳеч қайсисини бажаролмадим. Буниси қалай бўлди? Икки йўлнинг бирортасини тутишим керак эди.

Тирик бўлсам-да, ўзимни тирик ҳисобламайман. Шунчаки шуларнинг аламиданми, ўзимча алам чекканимданми ёки бошқа сабаб биланми нима учун бундай эканини таърифлашдан ожизман. Жисмим тирик бўлганига қарамай, кўнглим ўлик. Жаҳлим чиқса, аламимдан чиқолмайман. Кулсам қувонолмайман, сўзлаган сўзим, кулган кулгиларим гўё ўзимники эмас, ҳаммаси бегона кишиникидай.

Ёшлигимда ўз юртим, ўз халқимни ташлаб бошқа элларга кетиб қолиш хаёлимга келмаган, чунки ўз халқимни жон-дилимдан севар, уларга чин кўнгилдан ишонар эдим. Одамларнинг хатти-харакатлари, ахлоқ-одобларини билиб, тушунган чоғимда ишончларим йўққа совурилганда эса чўлу биёбонларга кетиб қолиш учун ёшлигимдаги кучгайратим қолмади. Шунинг учун ҳам ўзимни қуруқ гавда деб биламан. Баъзан шунисига ҳам шукр, ўлар чоғда «аттанг, шундай хурсандчиликларни кўролмайдиган бўлдим» деб умидворлик бағишловчи тилак бўлмагач, афсусланмай ўласан.

ЎНИНЧИ СЎЗ

Баъзилар худодан фарзанд тилайди. Фарзанд нима учун керак? Ўлсам, оркамда қолсин, руҳимга бағишлаб қуръон ўқисин, кексалигимда оғиримга ярасин деб ўйлайди. Бундан бошқа яна қандай нияти бўлиши мумкин?

Фарзандим оркамда қолсин деганни қандай тушунмоқ керак? Йиғиб-терган мол-дунёнг эгасиз қолади дейсанми? Кетингда қолган дунёнгнинг ғамини емоқчимисан? Ўлиб бораётганингда уларни бошқалардан қизганиб айтган сўзингми? Бировларга кўзинг қиймайдиган сенинг қандай афзаллигинг бор эди? Фарзанднинг яхшиси – аъло, ёмони бошга бало, сен болангни қандай бўлишини хоҳлаган эдинг? Дунёда кўрган хўрликларинг озмиди? Ўзинг қилган ёмонликлар оз бўлдими? Энди фарзанд кўриб, уни ҳам ёмон отли қилиб, унга ҳам ситамларингни ўтказишга нега шунчалик ҳумор бўлмасанг?

Ўлганимдан кейин болам оркамдан қуръон ўқисин десанг, тириклигингда сендан яхшилик кўрган кишилар кўп бўлса, ким қуръон ўқимайди? Ёмонликларинг кўп бўлса, фақат фарзандингнинг ўқиган қуръони нима ҳам бўларди? Тириклигингда қилмаган ишингни ўлганингдан кейин боланг амалга оширармиди?

Охиратингни деб фарзанд тилаганинг – болам ёшлиги-даёқ жувонмарг бўлиб кетсин деганинг бўлади. Агар ўсиб, улғайсин десанг, ўзи эр етиб, ота-онасини азобдан қутқарсин. Бундай қобил фарзанд қозоқ боласидан чиқармикин? Бундай ақлли фарзандни сен каби ота, сенинг халқинг каби халқ тарбиялай олармикин?

Кексайган чоғимда жонимга оро қиради деганинг ҳам бекор. Аввало ўзинг бировнинг қўлига қарам бўлар кексалик даражасига ета оласанми, йўқми? Иккинчидан, боланг меҳрибон, сени парваришлайдиган бўлиб тарбияланадими, йўқми? Учинчидан, агар молинг бўлса, уни кимлар боқмайди дейсан? Молинг бўлмаса, уни боқишнинг нима зарурати бор? Фарзандингнинг топарман бўлиши ёки сочарман бўлиши ҳам дарғумон.

Маили, худо таоло фарзанд ато қилди ҳам дейлик, уни тўғри тарбиялай оласанми? Билмайсан, аввалги гуноҳ-

ларингни елкалаганинг етмаганидек фарзандингни ҳам ўз гуноҳларингга шерик қиласан. Дастлаб болангни ўзинг «уни олиб бераман, буни олиб бераман» деб алдайсан. Ўз фарзандингни алдаганингга хурсанд бўласан. Боланг ёлғончи бўлиб тарбияланса, кимни айбдор ҳисоблайсан? «Уни сўк, буни ҳақоратла!» деб бировларни ҳақоратлатиб, «бу қайсардан хафа бўлманглар» деб, унинг тарафини олиб, обдон ёмонликка ўргатволиб, мактабга берганда муаллимнинг энг арзонини излаб, хат билса етар деб, айёр, шум бўл деб, «фалончининг боласи сени сотиб кетди» деб, одам боласига бўлган ишончини йўқотиб, ёмон хулқларни ўргатиб, тарбиялайсан. Шуми сенинг берган таълим-тарбиянг? Бундай фарзанддан нима кутасан? Бойлик дейсан. Уни сенга нима кераги бор? Худодан сўрайсанми? Сўрайсан. Худо беради. Берганини олмайсан. Худо таоло сенга меҳнат қилиб, бойлик орттиришдек куч-қувват ато этди. Бу куч-қувватни ҳалол меҳнат билан шуғулланишга сарфлайсанми? Йўқ, сарфламайсан. У куч-қувватни ақл-идрок билан ишлатсин деб илм берди, ўқиб ўрганмайсан. Илм ўргансин деб ақл-заковат ато этди, ундан фойдаланмайсан. Эринмай меҳнат қилса, тинимсиз изланса, ўрнини топиб ишласа кимлар боймайди? Буларни сенга зарурати йўқ. Сен бировларни кўркитиб, ёлвориб, алдаб бойлигини тортиб олсанг бас – изланганинг шу.

Бу ўз обрўсини, номусини сотиб эришилган тиланчилик, худодан сўраниш эмас. Майли, шу йўл билан бойликка эришдик ҳам дея қолайлик. Бу бойликни сарфлаб, лоақал ўзинг учун бўлмаса, фарзандларинг учун илм ўрганишинг керак эди. Маърифатсиз имон ҳам бўлмайди, эзгулик ҳам бўлмайди. Билимсиз ўқиган намозинг, тутган рўзанг, бажарган ҳаж сафаринг, ҳеч бир ибодатинг ўз мақсадига йўналмайди. Бойликни эгрилик билан топиб, тўғрилиқка сарфлаган бирорта қозоқни учратмадим. Натижада азоб, алам, ғурбат – шу учисидан бошқа ҳеч қандай бойлик қолмайди.

Борида бойман деб, йўқида «менда ҳам бундай бойлик бўлган эди» деб мақтанасан, қашшоқлашгач, яна тиланчиликка ўтасан.

ЎН БИРИНЧИ СЎЗ

Бу элнинг доимий қилиб юрган иши нимадан иборат? Менимча икки нарса. Биринчиси ўғирлик, ўғри ўғирлик билан бойлық орттирдим деб хурсанд. Бойлар орттириб-орттириб янада бойисам деб ўйлаб юришибди. Катталар ўғрини топиб бераман деб, даъво қилувчини шилиб, қутқариб оламан, деб ўғрини шилиб юрибди. Содда халқ эса ўғрини ўғирлигини фош қилиб, мол оламан, ўғрига отимни сотиб фойда кўраман, нимани сотиб олмасин арзонга оламан деган хаёл билан банд. Иккинчиси – бузуқлар ҳеч кимнинг ўйига келмайдиган бузуқи фикрларни хаёлига солиб, ундай қилсанг бек бўласан, бундай қилсанг кўп бўласан, шундай қилсанг ўч оласан, зўр деган ном оласан, кўпроқ берсин деб ўзига тўқларни йўлдан уриш пайида юрибди. Кимдир йўлдан озса, унинг қўлтиғига кириб, бирор нарса ишлаб олай деган хаёл билан машғул.

Катталар эса балли, яшавор сен топган бу тадбиринг яхши экан, мен сени мана бундай қўллаймак, деб ундан пора олиб, сени бундай қувватлайман, деб бунисидан пора олиш билан овора. Оддий халқ бўлса сайловда бойлар тарафини олиб, ўғриларга молини олдириб, бир партиядан иккинчисига ўтиб, ким кўпроқ берса, шунини ёқлаб, хотини, бола-чақасини сотиб кун кечирмоқда.

Ўғри, товламачилар йўқолса, халқ бошқачароқ йўл тутган бўлар эди. Ўз ҳалол меҳнатидан хурсанд бўлиб, эзгулик ишларга қўл чўзарди. Бойлар борига шукр қилиб, камбағаллар йўғини излаб, умид билан осойишта умр сураб эди. Ҳозир эса элнинг ҳаммаси шу икки ғавғога шерик, буни ким олдини олади? Бу нима? Қасам, шарт, адолат, орномуснинг бир йўла йўқолганими? Ўғрини тийиш мумкин, аммо бу товламачиларнинг айтганига эргашадиган бойларни ким ҳам тияди?

ЎН ИККИНЧИ СЎЗ

Кимда-ким яхшидир-ёмондир ибодат қилиб юрса, унинг ибодатини ёмонлашга оғзимиз бормади, хуллас яхшилик учун қилган ниятининг ёмонлиги йўқ деб ҳисоблаймиз. Лекин баъзиларнинг тўла ибодат қилишлари учун илмлари

етарли эмас. Улар билмаганларини ўрганиб, ибодат қилишлари керак. Бироқ ибодат қилиш учун икки шарт мавжудки, ибодат қилувчилар албатта бунга амал қилишлари зарур.

Биринчиси, имоннинг эътиқодини мустаҳкамламоқ зарур, иккинчиси, ўрганиб олгунча шуниси ҳам етади демасдан, тинимсиз ўрганмоқ лозим. Кимда-ким ўрганишни давом эттирмай қўйса, уни худо ёрлақамайди, қилган ибодатлари инобатга ўтмайди. Аммо баъзилар имон нечта нарса воситасида камолотга етишини ҳамда нечта ҳолатда бузилишини билмаса, бошига салла ўраб, рўза тутиб, намоз ўқиб юришидан кимга наф? Назоратсиз, қатъийликсиз, қийинчиликсиз имон юзага келмайди, ихлос билан ўз-ўзини ишонтириб, динни чин эътироф этиб, жон фидо қилмаса, бундай кишини ишончли имонга эга деб айтиш қийин.

ЎН УЧИНЧИ СЎЗ

Имон дегани – оллоҳ таборак ва таолонинг ягоналигини тан олмасдан, ғойибона биргалигига, мавжудлигига ва ҳар бир нарса бизга пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам орқали юборилган оятларига итоат этиб инонмоқликдир.

Ниҳоят бу имонга эътиқод қилиш учун икки нарса зарур. Биринчида нимага имон келтирса, унинг ҳақиқат эканлигига ақл билан ишончли далил исбот қилишга чамаси келса, бу яқини имон дейилади. Иккинчиси, китобдан ўқиб ёки мулалардан ўрганиб, имон келтирса, шу имон келтирган нарсага астойдил ишониши керак. Биров ўлдираман деб қўрқитса ҳам, минг турли одам минг турли йўл кўрсатса ҳам уларга эътибор бермасдан, кўнглида аниқ ишончи бўлиши зарур. Бу тақлиди имон дейилади.

Бундай имонга эга бўлиш учун қўрқмас юрак, айнимас кўнгил, қудратли ирода керак. Яқини имонли десанг, илми йўқ, тақлиди имонли дей десанг, мустаҳкам иродаси йўқ, алдаганга ҳам, йўлдан оздирганга ҳам қўшилиб кетаверадиган ёки бирон фойдасига қараб оқни қора, қорани оқ деб, ёлғонни чин деб қасамхўрлик қиладиган одамни имонли дейиш мумкинми? Бундайлардан худонинг ўзи асрасин. Ҳар ҳолда юқорида айтилганлардан бошқа имон бўлмаслигини билиб қўйган яхши. Имонга қарши ҳаракат қилган ҳар бир

банда худо таоло раҳмдил, ўзи кечиради деб ўйламасин, бу нарса учун худо таолонинг афв этишига ёки пайгамбаримизнинг шафқатига эришиб бўлмайди ва мумкин ҳам эмас. «Эгилган бошни қилич кесмас» деган мақолни ўз манфаат йўлида қўллайдиган банданинг бети қурсин.

ЎН ТЎРТИНЧИ СЎЗ

Одамзоднинг юрагидан бошқа азизроқ нарсаси борми? Бизнинг қозоқларда «юраги бор» деган сўзни – ботир, қўрқмас, довьорак деб тушунади. Юракнинг бундан бошқа хосиятларини назар-писанд қилмайди. Раҳмдиллик, меҳрибонлик қўрсатса ва ҳар хил шароитда инсон фарзандини ўз жигарим деб, ўзига эп қўрганини унга ҳам раво кўрса, демак, булар – юракнинг амри, Ошиқ бўлмоқ ҳам юракнинг амри. Тил юрак амрига бўйсунса, одам ёлғон сўз айтишдан орланади. Шайтоннинг гапига учса, юрак амрини инкор этади. Биз қозоқларнинг «юраклисини» мақташга сўз ожизлик қилади. Айтганингни тингловчи, ваъдасида турувчи, ёмонликлардан ўзини қайтарувчи, ҳар кўч кетидан итчасига эргашавермайдиган, адашганларни йўлга солиб ола биладиган, мушқул бўлсада адолатни ақл билан эътироф этадиган, агар у аҳмақона қарор бўлса эътироз этадиган кишини довьорак деса бўлади. Қозоқларнинг довьорак деб юргани – шунчаки юракли эмас, бўри юракли деган сўз.

Қозоқ ҳам инсон фарзанди-ку, улар ақлсизлигидан адашмайди, аксинча ақл билан айтилган сўзни уқиб олар юрагида ғайрат, шижоат уйғунлиги йўқлигидан адашади. Билмасдан шундай қилиб қўйдим деган сўзга ишонмайман. Билим ўрганса ҳам, уятсиз, ғайратсизлигидан эслаб қололмайди ва шунинг учун унга амал қилмайди. Ёмон йўлга бир кириб олгач, ўзини йиғиштириб олиб, ундан чиқиб кетишга куч топувчилар бизда жуда кам. Бу кишиларнинг кўпчилиги мақтаб юрган кучли йигит, мард йигит, пишиқ йигит деб ном бериб юрганларинг ҳаммаси – бир-бирини бирор каср-касофатга, ёмонликка қайрайди, бир-бирини қизди-қизди қилади. Кетини ўйламайди. Йўқса худога хуш келмайдиган, на ор, на уятни билмай, ўзини тўхтатиб ололмаган киши, доим ёмонликка, мақтовга учиб, ўзига-ўзи бирор марта ҳисоб бермайдиган кишини яхши йигит деса бўладими? Умуман, ундайларни одам дейишга бўладими?

ЎН БЕШИНЧИ СЎЗ

Менинг билишимча, ақлли киши билан ақлсиз кишининг бир-биридан фарқлайдиган бир нарса бор.

Одам дунёга келдими – у ҳеч нарсага қизиқмай яшай-олмайди. Худди ўша қизиқни қўмсаган пайтлари унинг энг қизиқарли даври бўлиб хотирасида қолади. Шу пайтларда ақлли киши жўяли ишга қизиқиб, унга иштиёқ билан қараб, янада кучлироқ изланар, бировдан эшитса қулоғи, ўйласа кўнгли қувонар экан. У ўтган умрига ҳеч бир ачинмай яшар экан.

Енгилтак одам бир тўхтамга келолмай, нима бўлса, шу ноаниқ нарсага қизиқиб, унга муккасидан кетиб, умрининг энг қизиқ даврени ит азобида ўтказиб юборар экан. Кейин минг пушаймон қилса-да, фойдаси бўлмас экан. Ёшликда у нарсага бир, бу нарсага бир қизиқиб юрадиганлар, ёстиғи тўзмай, бўғинлари бўшамасдан бурун, бирор хунарни эгаллаб бўлгунча иккинчи хунарга ярамай қолар экан.

Учинчиси – ҳар нарсага қизиқавериш. Бунинг ўзи одам жисмида ҳавас пайдо қиладиган нарса ҳисобланар экан, Ҳар бир ҳавас ўзига хос бир дард экан, ҳавас қилган нарсаларингга эришгач ёки нари-бери, етар-етмас шароитга тушганингда, мастлик пайдо қилар экан.

Ҳар қандай мастлик ақлдан оздириб, атрофдаги одамларнинг гап-сўзларига, уларнинг кулгусига қолдирар экан. Бундай ҳолларда ақлли кишилар ўзини йўқотмай, ақлини пешлаб, уятга қолмай изланишда бўлар экан. Енгилтак кишилар эса эгар-тўқимини йўқотиб, дўпписини тушириб, этаги билан отининг қуйруғини ёпиб, икки кўзи осмонда, жиннисимоқ бўлиб, дуч келган томонга бош ураверар экан, мана мен шуларга гувоҳ бўлдим.

Мабодо ақлли кишилар қаторида бўлишни истасанг, ҳар куни бир бор, йўқса ҳафтада бир марта, ҳеч бўлмаганда ойда бир марта ўз-ўзингга ҳисоб бериб тур! Аввалги ҳисоб берганингдан буёнги ҳаётингни қандай ўтказдинг, на билимга, на охиратга, на ҳаётга арзигулик, ўзинг ўкинмайдиган иш билан ўтказибсанми? Ёки қандай ўтказганингни ўзинг ҳам билмай қолибсанми?

ЎН ОЛТИНЧИ СЎЗ

Қозоқ таодат-ибодатим худога хуш келса экан деб асло ғам чекмайди. Фақат элу-юрт нима қилса, биз ҳам шуни қилиб, ётиб-юмалаб юрсак бўлгани деб ўйлайди. Савдогар қарзини сўраб келганда, «борим шу, ҳеч нимама қолмади, сенга йўқ ердан ундириб берайми?» деб кўзини лўқ қилиб туриб олишади. Худо таолони ҳам худди шу савдогар каби алдайман дейди. Тилини машқ қилдириб, динини тозалаб, ўйланиб, ўрганиб сарсон бўлиб юрмайди. «Билганим шу, энди кексайганда қандай ўрганай» деб важ қилади. «Намоз ўқимадинг демаса бўлди-да, тилимнинг келмагани билан нима иши бор» дейди. Унинг тили бошқа халқлардан бошқача яратилибдими?

ЎН ЕТТИНЧИ СЎЗ

Ғайрат, ақл, юрак учови ўз маҳоратларини айтишиб, баҳслашиб, илмнинг олдига келибди. Ғайрат дебди: Эй, илм, ўзинг яхши биласан, дунёда ҳеч бир нарса йўқки, менсиз камол топсин, дастлаб ўзлигингни англашинг учун эринмай ўрганишинг керак, бу менинг ҳунарим. Худога хуш ёқадиган тарзда эринмай ибодат қилишга ундаш ҳам менинг ҳунарим. Сенга аёнки, дунёда ҳар бир киши ўзига яраша ҳунарга эга бўлиши, бойлик орттириб, лавозимларни захмат чекмай эгаллаб бўлмайди. Ўринсиз, кераксиз нарсаларга ҳавас қилдирмай, жисмни соф сақлайдиган гуноҳкорлик, қизикқон енгилтақликдан, шайтоний нафсдан қутқарадиган, адашганда йўл кўрсатадиган мен эмасми? Шундай бўлгач, бу иккиси мен билан қандай баҳшлашади? – дебди.

Шунда ақл айтибди: Дунё, охират учун нима фойдалию, нима зарар эканини дастлаб сезадиган мен бўламан, сенинг сўзларингни уқадиган – мен, хуллас менсиз фойдани билмас экан, зарардан қоча олмас экан, илм ўргана олмас экан, бу иккиси мен билан қандай баҳшлашади? Мен бўлмасам улар ҳеч нимага арзимайди-ку! – дебди.

Шундан сўнг юрак: Мен одам жисмининг подшоҳи бўламан, чунки қон мендан таралади, жон менда макон сақлайди, менсиз ҳаёт йўқ. Юмшоқ тўшақда, иссиққина уйда

қорни тўқ ётган кишига тўшаксиз бечоранинг, дийдираб юрган қийимсизнинг, овқати йўқ очнинг хол-ахволи қандай экан деб ўйлаб, жонини ачитиб, уйқусини очиб, ётган тўшагида тўлғангирадиган мен бўламан. Ёши катталардан уялиб, уларни ҳурматлайдиган, кичикларга раҳмдил қиладиган ҳам мендан бошқа ҳеч ким эмас, аммо улар мени соф сақлай олмайди ва натижада ўзлари хор-зор бўлади. Мен тоза бўлсам, одамзоднинг ҳаммаси учун бирдекман: яхшилиққа етакловчи ҳам – мен, ёмонликдан жиркантирувчи ҳам мен. Адолат, инсоф, ор-номус раҳм-шафқат, меҳрибонлик деган нарсаларнинг ҳаммаси мендан чиқади, менсиз булар қандай яшайди? Бу иккиси мен билан тортишишга ҳақиқорми? – дебди.

Илм ҳар учаласининг гапларини диққат билан тинглаб:

– Эй, ғайрат! Сени айтганларинг ҳаммаси тўғри. Ўзинг айтган ҳунарларингдан бошқа кўплаган фойдали хусусиятларинг борлиги ҳам ҳақиқат. Бу нарсаларга сенсиз эришолмаслигимиз ҳам рост. Аммо баъзан қаттиққўллигинг ҳам йўқ эмас, фойда билан бир қаторда зарар ҳам келтириб турасан, баъзан яхшилиқни маҳкам тутсанг, баъзан ёмонликни ҳам маҳкам ушлаб оласан, шу хусусиятинг яхши эмас, – дебди.

– Эй, ақл! Сен айтганларингнинг ҳам барчаси рост. Сенсиз ҳеч нимага эришиш мумкин эмаслиги ҳам равшан. Яратган тангрини ҳам сен танитасан, яралган икки оламнинг ҳам иссиқ-совуғи сенга аён. Аммо билганларингни қатъий ушламайсан. Чора-тадбир ҳам, муғамбирлик ҳам сендан келади. Яхшининг ҳам, ёмоннинг ҳам ишонгани, суянгани – сен; иккаласининг ҳам хоҳишини бажарасан, шу қилигинг ёмон, – дебди. Сен учингнинг бошини бириктириш менинг ишим, – дебди. Аммо бу ерда йўл-йўриқ кўрсатувчи юрак бўлгани афзал. Ақл, сенинг хислатларинг зиёда, юрак бу хислатларингга эргашмайди. Яхшилиқ қилсанг, жон-дили яйраб кетади. Эргашиб бу ёққа турсин, қувониб кетади. Ёмонлик қилганингда ранжийди, норози бўлибгина қолмай, ҳатто уйдан қувиб чиқади.

Ғайрат, сенинг ҳам воситанг кўп, кучинг сероб, юрак сенинг ҳам амрингга бўйсунмайди. Тўғри ишга кучингни тўла сарфлайди. Ўринсиз ишга тўсқинлик қилади. Учаланг бошингни бирлаштир, юрак амрига итоат эт, – деб уқтирганнинг номи илм экан. – Учаланг менинг айтганимдек бирлаш-

санглар, оёғини чанггини кўзга суришга арзигулик хислатли одам бўласиз. Сизларнинг баҳсингизда мен юракни ёқладим. Ҳақиқат шунда, қалбингни тоза сақла, худо таоло ҳар доим қалбингга назар солади деб китобларда ёзилган, – дебди.

ЎН САККИЗИНЧИ СЎЗ

Инсон боласи кийимини йиртмасдан, кир қилмай, озода-тоза кийиб юргани яхши. Лекин ўз топиш-туришидан ортиқ кийинмоқлик, қимматбаҳо кийим-кечакка ҳавас қўйиб, ортиқча сарф-харажатга йўл қўймоқлик олифталик бўлади.

Олифтагарчилик икки хил кўринишда намоён бўлади: биринчиси юзи-кўзини, соқол мўйлабини, юриш-туришини, қош-қовоғини сунъий равишда пардозлаб, унга оро бериш билан банд бўлмоқлик. Иккинчиси отини, уст-бошини бозорга солгудек мақтаб, шу туфайли ўзини сипо, суйқумли йигит қилиб кўрсатишга, ўздан бадавлатроқлар орасида керилиб юришга, ўз тенгқурларининг ҳасадини келтириб, ўздан ночорроқларга «эх, шуларнинг отидай от миниб, кийимидай кийим кийсам армоним қолмас эди!» деб ҳавасини келтириш билан овора бўлмоқлик.

Бунинг ҳаммаси – шармандалик, аҳмоқлик. Бундай ишга одам боласи бир қўл урмасин, агар бир қўл урса, тамом қайта қайтиб одам бўлиши амримаҳол. Олифта дегани шунақа манман бўладики, бундайларни кўрсам, олифтанинг манманидан сақласин деган сўз ёдимга тушади. Аслида инсон боласи ақл, илм, ор-номус, хулқ-атвор хусусиятлари билан бошқалардан илгари ўтиши лозим. Бундан бўлак нарсалар билан ҳаммадан илгарилаб кетдим демоқликнинг ҳаммаси – ғирт аҳмоқлик.

ЎН ТЎҚКИЗИНЧИ СЎЗ

Инсон боласи онадан ақлли бўлиб туғилмайди: қулоғи билан эшитиб, кўзи билан кўриб, қўли билан ушлаб, тили билан мазасини татиб, аста-секин ақлли бўла бошлайди. Дунёдаги яхши-ёмонни танийди ҳамда улардан ўргангани, билгани воситасида билим тўплайди. Донишмандларнинг айтганларига амал қилган кишининг ўзи ҳам ақлли ва билимдон бўлади. Ҳар қандай билимдон киши ёлғиз ўзи бирор ишни уддалай олмайди. Донолардан эшитиб, ўрганган яхши нарсалардан оқилона фойдаланса, ёмонликдан нари

қочса, шунда унинг иши юришади ва бундай одамни одам деса арзийди. Бу каби гапларни тумшайиб, аччиқланиб ёки шалвираб тингласа, эшитганларини қайта такрорлаб уқиб олай демаса ёки эшитганларининг ростлигини англаса-да, кейинчалик яна эски қолипга тушиб оладиган бўлса, эшитаверишдан нима фойда? Бундай насихат олмайдиган халққа бирор нарса дегунча, ўзлигини англайдиган чўчка боққан афзал деб бир машойих айтган экан, шунга ўхшаш гап бўлди шекилли.

ЙИГИРМАНЧИ СЎЗ

Тақдирнинг ўзгармаслиги ҳаммага аён. Одамзодда зерикиш, кўнгил қолиш деган хислат бўлади. Одам уни кашф қилган эмас, зотан у нарса одам билан бирга яратилади. Одам бу хислатга бир ўрганса, ундан қутулиши мушкул бўлади. Зўр бериб, бутун вужудинг билан ундан қочсанг ҳам, орқангдан яна етиб келаверади. Ақли расо, фикри теран инсон боласи ўйлаб кўрадиган бўлса, одамни зериктирмайдиган, уни жонига тегмайдиган нарса бормикин? Овқат ҳам, ўйин-кулги ҳам, мақтанчоқлик ҳам, олифтагарчилик ҳам, тўй-тамоша ҳам, аёллар ҳам кўпми-озми одам кўнглига тегади. Унга буларнинг ҳаммаси мазмунсиз туюла бошлайди, аста-секин кўнгли совий бошлайди. Ҳаёт ҳар доим ҳам бир қолипда туравермаганидек одамнинг умри, куч-қуввати ҳам бир қолипда турмайди. Худо таоло ҳар бир мавжудодни шу хилда яратган. Шундай экан кўнгил нима учун бир қолипда туриши керак?

Аммо бу зерикиш деган нарса ҳар нарсага қизиқаверадиган, кўпни кўрган, таъмини, баҳосини билиб, кўнгли совиган, фикрли одамларда кўпроқ бўлади. Бундай ҳаётнинг мазмунсизлиги, ҳар бир кўрганнинг охири қисқалигини кўриб билганлар ҳаётнинг ўзидан ҳам зерикади. Хуллас, аҳмоқлик ҳам, беғамлик ҳам фойдали эканми деб ўйлаб қоласан киши.

ЙИГИРМА БИРИНЧИ СЎЗ

Одамзоднинг озми-кўпми мақтанчоқликдан холи бўлиши анча мушкул иш. Мақтанчоқлик деган нарсанинг мен икки хил бўлишини сездим ва биринчисини мағрурлик деб, иккинчисини эса том маънодаги мақтанчоқлик деб тушундим.

Мағрурлик – одам ўзини ички туйғу билан кадр-қимматим баланд деб ҳисобламоқлик. Яъни аҳмоқ, енгилтак, мақтанчоқ, одобсиз, уятсиз, беқарор, бебурт, тиланчи, ғийбатчи, ёлғончи, алдамчи касалманд каби хислатлардан сақланиб, бундай фазилатларни ўзига ор билиб, ўзини шундайлардан ортиқ деб ҳисобламоқликдир. Бундай фазилат ақлли, ор-номуси борларга хос. Бундайлар мени яхши деб мақтамаса ҳам, ёмон отлиқ қилмаса бас деб куйиб-пишади. Иккинчиси, мақтанчоқлар мен ҳақимда гапирмасин деб эмас, гапирсин дейди. Бой десин, ботир десин, айёр десин, пишиқ десин, нима деса-да, хуллас «десин» деб, «демасинни» мутлақо унутиб қўйишади. Нафақат унутади, бу сўз хаёлларига ҳам келмайди. Бу каби мақтанчоқлар уч турли бўлади. Баъзилари бегоналар орасида мақталишини иштайди. У – нодон, лекин нодон бўлса-да инсон. Иккинчиси, ўз халқи орасида мақталишни хоҳлайди. Бундайларнинг нодонлиги беҳисоб, одамийлиги эса ундан ҳам паст. Учинчиси, ўз хонадонида ёки овулидагина мақталмаса, бошқалар хушламайдиган мақтовни излайди. Булар – нодоннинг нодони, ўзи эса мутлақо одам эмас.

Бегоналарга мақталсам деганлар элим мақтаса экан дейди. Элимда мақталсам деганлар ошна-оғайниларим мақтаса экан дейди. Ошна оғайнилар орасида мақтов излаган киши ўзимни ўзи мақтаб муродимга етаман дейди.

ЙИГИРМА ИККИНЧИ СЎЗ

Шу бугунги кун қозоқлар орасида кимни яхши кўриб, кимга иззат-икром кўрсатсам экан деб ўйлаб қолдим.

Бойларга иззат-хурмат кўрсатай десанг, бунга сазовор бойнинг ўзи йўқ. Агар ҳақиқий бой бўлса, ўз боши, ўз молининг эрки ўзида бўлмасмиди? Ҳеч бир бойнинг ўз молининг эрки ўзида эмас. Баъзилари бировлар билан куч талашаман деб, юз одамга ўз тарафини олиши учун ёлвориб, мол-жонини улашиб юрибди. Аҳмоқларга ялинтириб бердим деб ўйлайди. Аксинча, ўзи ялиниб улашмоқда. Хайр-садақа ҳам эмас, мардлик ҳам эмас, ўз халқи, ўз ери билан сан-манга бориб, аҳмоқларга қучоқ очиб, молини сочиб юрибди. Баъзи бадавлат бойлар, ўзиги тўқлар мурсага кела олмагач, муттаҳамлар кўпайиб, ким эркисиз бўлса қўрқитиб, шуларни талаб юрибди.

Мардларни қадрлай десанг, бугунги кунда деярли марднинг ўзи йўқ, мол улашувчи мард эса итдан ҳам кўп. Бировни ўз манфаатимга фойдаланаман деган хаёл билан мардлик қилиб юрибди. Баъзилари гўёки бир жойига туз шимдирилган кигиз босгандай эси оғиб, мард бўлиб, ихтиёрсиз равишда ким бўлса шуни эмизиб юрибди.

Бўлис билан бийни ҳурмат-иззат қилай десанг, худо берган бўлислик билан бийлик элда йўқ ҳисоби. Ҳаммалари сотиб, бош уриб эгаллаган бўлислик билан бийликнинг ҳеч қандай хосияти бўлмайди.

Кучлини ҳурматлай десанг, ёмонликка келганда халқнинг ҳаммаси ҳам кучли бўлиб кетади, яхшиликка куч кўрсатиш халқда йўқ.

Бирон ақлли кишини топиб ҳурматлай десанг, адолат, уят, инсофли киши бу элда топилмайди. Муттаҳамлик, шумлик, Еҳаром-харишлик, мансабга нисбатан халқнинг барчаси ақлли.

Ғариб-бечораларни ҳурмат қилай десанг, ётган туяга эплаб минолмаса-да, уни мўмин деб айтиш қийин. Бордию миниб олса борми, бирор нарсани илиб кетишдан ҳам тоймайди.

Айёр билан шумдан бошқа яна ким қолди, улар ўзлари бир-бирини янчиб ташламаса, бошқаси бизнинг қўлимиздан келмайди, осойишталигимиз ҳам бўлмайди.

Хўш, энди кимни севамиз, кимнинг тилагига шерик бўламиз? Қуртлаб сочилган бўлис-бийлар тура турсин. Албатта, чора йўқ, мўминлиги учун «Бахти юришган даъво қилмас» деган мақолга амал қиламан деб худо берганини йиға олмай, ярмини улашиб, ярмини тинчгина боқа олмай, ўғри, золим, муттаҳамларга емиш қилиб юрган ҳақиқий мўмин бойларга раҳм қилмасак-да, уларнинг тилагини тиламасак бўлмас. Бундан бошқасини тополмадим.

ЙИГИРМА УЧИНЧИ СЎЗ •

Бизнинг қозоқларни хароб қилиб келаётган бир қувонч ва бир юпанч деган нарсалар бор.

Уларнинг қувончи – халқ орасидан бир ёмон киши топиб ёки ўзлари қилмаган ёмон ишни бировлар қилаётганини билишса, қувонади. «Худо фалончидан сақласин, у ҳам одамман деб юрибди-я, унинг олдида биз фаришта эканмиз, унга қараганда мен покиза киши эканман», – дейишади.


Нима, унга худо таоло, фалончидан яхши бўлсанг бас, деб айтибдими? Ёки бировлар, хуллас ўзингдан нодонроқ ёки ёмонроқ киши бор бўлса, сен ёмонлар қаторига қўшилмайсан, дебдими? Ёмонга тенглашиш яхшиликка етаклайдими? Яхшидан ўрнак олиб яхши бўлади-да ахир. Юз от пайгада иштирок этса, кимдир пойгада ютиб чиқса-ю, ундан олдингда нечта от бор эди деб сўрашади, орқангда нечта от бор эди деб сўрашнинг нимаси қизиқ? Мен беш отдан, ўн отдан илгари эдим дейишнинг нимаси қувонч?

Ўз-ўзини юпатувчилар – фақат бизмидик, халқнинг ҳаммаси шу кўйда юрибди-ку, кўпга келган катта тўй, кўплар қатори бўлсак бас, деб ўзини юпатади. Унга худо таоло, кўпдан қолмасанг бўлди, кўпчиликка қаҳр қилмайман, кўпчиликни тизгинлаб ололмайман, дебдими? Илм ҳам кўпчиликникими ё бир кишидан тарқаганми? Ҳикмат кўпчиликдан чиқадими ё бир кишиданми? Кўпчиликка озор етмайдими? Бир хонадон аъзоларининг ҳаммаси касал бўлса, осон бўладими? Жойни билмайдиган кўпчилик адашиб қолса, шу жойни биладиган битта одамнинг кераги йўқми? Кўп кишилик йўловчиларнинг ҳаммасининг отлари касал бўлгани яхшими, ярмини ки касал бўлгани яхшими? Ют келса, халқнинг ҳаммасини тўлиқ ютгани дурустми ёки ярим-ёртиси омон қолгани яхшими? Кўп аҳмоқдан кўра бир аҳмоқ бўлишининг нимаси юпанч? Уруғ-аймоғимиз билан оғзимиз сассиқ деган ёмон куёв қалин молдан ютибдими? Шу сўзи кўнгилни рози қила оладими? Йўқса, сен ҳам шу кўпчиликдан қолмай, оғзингни саситиб юравер, дебдими?

ЙИГИРМА ТҮРТИНЧИ СЎЗ

Дунёда икки минг миллиондан ортиқ одам бор, шу жумладан икки миллионини қозоқлар ташкил этади¹. Биз қозоқларнинг дўстлигимиз ҳам, душманлигимиз ҳам, мақтанишимизу кучимиз ҳам, бойлик орттиришу хунар эгаллашимиз, жаҳонгашталигимиз ҳеч бир халқникига

¹Бу ерда икки миллиард демоқчи. Абай келтирилган далилни тахминан олган. У 1897 йил ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кўра Россия империясининг ҳудуди ва ташқарида яшовчи қозоқлар сони 4 млн. 84 минг ҳисобланган (Я. Е. Володарский. 400 йил ичида Россия аҳолиси. Энциклопедиялар. М., 1973, с. 111)



ўхшамайди. Бир-биримизни қовлаштириб, душманчилик қилиб, ўғирлаб, бемалол кипирик қоқмай юраверамиз. Дунёда уч миллиондан ортиқ аҳолиси бўлган бир шаҳар бор, у ерда жаҳонни у чеккасидан-бу чеккасигача айланиб чиққан одамлар сон мингта. Биз шу ҳолда дунёдаги халқларнинг энг бечораси бўлиб, бир-биримизга бахиллик қилиб ўтишимиз керакми? Йўқ, қозоқлар орасида ҳам ўғирлик, ёлғон, қасдлик қабиларга чек қўйиб, касб-хунарли, ҳалол бойлик орттириб, тўғри йўлдан юрадиган кун келармикин? Ҳа, майли!.. Юзта молга икки юз киши термулиб юрибди-ку, улар бир-бирини қуритмагунча ё ўзлари қуримагунча осойишталик бўлармиди?

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ СЎЗ

Болаларни ўқитиш керак, бироқ, ўқигандан сўнг астойдил ўқиб, диний таълим ҳамда туркийни яхши ўрганиши шарт. Шундай қилай десанг, афсуски бу ер дорул хароб, яъни ислом дини муқим топмаган жой. Дастлаб бундай жойда бойлик орттириб, шундан сўнг араб, форс тилларини ўргатиш лозим. Оч-юпун одамнинг жисмида ақл, ор-номус, илм ўрганишга иштиёқ қаердан келсин? Еб-ичишга овқат топилмаслигига ҳам, ака-укаларнинг ўзаро аразлашишига ҳам, турли-туман бало-офатларга; ўғирлик, зўравонлик, макқорлик, фирибгарлик қабиларга аралашиб қолишга сабаб бўладиган – шу етишмовчилик. Бойлик орттирса, қорни тўқ бўлади. Шундагина илм, касб-хунар эгаллашга истак пайдо бўлади. Хунаримни болаларга ўргатай деган яхши фикр хаёлига келади. Русча ўқиб-ўрганиш керак, ҳикмат ҳам, илм ҳам – ҳаммаси шуларда жамланган. Зараридан овлок, фойдали томонларига шерик бўлиш учун тилини, илмини билиш зарур. Чунки улар дунёдаги тилларни ўрганиб шу даражага етди. Кимда-ким уларнинг тилини билса, кўзи очилади. Бирор халқнинг тилини, маданиятини билган киши улар билан тенг баҳслаша олади, уларга ёлвориб юрмайди. Динни ҳам яхши билиш керак. Хушомадгўйлик билан кўнглини олсам деган нодон ота-онасини, дўсту биродарларини, халқини, динини, одамгарчилигини елкасига бир қоқиб қўйган одамга сотиб кетаверади. Рус майорининг бир кулиб бокқанига хурсанд

бўлиб, орқаси очилиб қолса ҳам ғам чекмайди. Русларнинг илм-хунари – дунёнинг калити, уни ўрганган киши оламни кенг тасаввур эта олади. Лекин шу кунларда рус илмига фарзандарини ўргатаётган кишилар унинг эгаллаган билими, касб-хунари орқали қозоқларни алдасам деб фикрлайди. Йўқ, бундай қилиш мутлақо ярамайди. Қандай қилиб ҳалол йўл билан мол-дунё орттиришни ўргатайлик, зора улардан ибрат олувчилар кўпайса. Русларнинг халққа бирдек қонунлари бўлмаса, уларнинг қонунсиз азобларига кўнмаган бўлар эдик. Қозоққа таянч бўлай деб, биз ҳам халқ бўлиб, ҳаммага аён нарсаларни ўрганиб, тараққиётга эришган халқлар қаторига кўшилишнинг ғамини емок керак деган ниятда ўрганиш лозим. Ҳозирча русча ўқиётган болалар орасидан ҳам яхшилари топилмай турибди. Чунки ота-онаси, қариндош-уруғлари уларни йўлдан оздирмоқда. Шунга қарамай, ўқимишли болалар ўқимаган қозоқ болаларга қараганда анча тетик ва илғор. Қандай қилиб бўлса-да уларга гап уқтириш мумкин. Кўпчилик бой-бадавлат кишилар фарзандларини ўқитгани йўқ, аксинча камбағалларнинг фарзандларини зўрлаб, русларнинг қўлига топширишди. Бундан бошқа нима ҳам қўлидан келарди? Баъзи бирлари ўзаро сан-манга бориб қолишганида: «Сенинг бу азобларингга бардош бергунча, боламни солдатликка бериб, бошимга соч, лабимга мурт қўйиб кетганим афзал!» – дейди. Худодан ҳам, бандасидан ҳам кўрмай шундай ёмон сўзни айта олган қозоқларнинг фарзанди ўқиганда ким бўларди? Бошқа қозоқ болаларига қараганда кўпроқ ўргангани нима бўларди, қанчалик кўп ўргана оларди? Ўқиганда ҳам шунчаки, кирди, чиқди, илди, қайтди, астойдил ўқиган боланинг ўзи йўқ. Отаси эса халқнинг пулига аранг ўқитади, ўз бойлигини сарфлашга қандай кўзи қийсин? Баъзан ўйлаиб қоласан киши, боланиги уйлантирма, улушини берма, борингни сотсанг ҳам русларнинг илмини ўргат! Мана мен кўрсатмоқчи бўлган йўл, бу бойликни қизғанадиган йўл эмас. Худодан кўрк, бандасидан уял, боланг одам бўлсин десанг – ўқит, мол-дунёнгни аяма! Акс ҳолда бир ит қозоқ бўлиб қолгач, сенга ҳам, ўзига ҳам, халққа ҳам фойдаси тегмайди.

ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ СЎЗ

Биз қозоқларнинг пойгага ишгирик этган отимиз биринчи келса, даврага қўшган қурашчи полвонимиз ютса, овчи қушимиз ов тутса, итимиз бошқалардан илгари бориб овни ушласа, теримизга сиғмай хурсанд бўламиз. Билмадим, бундан ҳам бошқа қувончлари бормикин? Йўқ бўлса керак, хойнаҳой! Бу қувончларнинг барчаси ўзларининг орасида, бир хайвон хунарининг ортиқлигидан, бир бегона кишининг йиқитганидан мақтангани нимаси? Биринчи бўлиб келган, ов тутган, қурашда йиқитган ўзи, ҳеч қурмаса боласи эмас. Буларнинг ҳаммаси – қозоқнинг қозоқдан бошқа душмани йўқ, битдек майда нарсани катта жасорат кўрсатиб қўйган кишидай қувониб, бошқаларни изза қилсам демоқчи бўлади. Бировларни изза қилиш – шариатда ҳаром, рўзғорга зарар, ақлга тескари иш. Шунчаки бировни изза қилишнинг нимасини бойлик деб қувонишаркин? Ҳеч бўлмаганда, изза бўлувчи кимса нимасига шу қадар ерга кириб кетгудек бўлиб уялади экан?

Чоққир от – баъзан у юртда, баъзан бу юртда бўлиб турадиган нарса, учқур ит баъзан унинг қўлига, баъзан бунинг қўлига тушадиган нарса. Кучли йигит ҳам фақат бир юртдан чиқаверадими? Баъзан у элда, баъзан бу элда учраб туради. Буларнинг ҳаммасини инсон ўз хунари орқали яратган эмас. Бир марта йиқитган, бир марта илгари келган ҳар доим ғолиб чиқавермайди. Шуларни ҳаммасини тушунган ҳолда, ерга кирудек бўлиб, бирор ножўя қилиғи, ёмонлиғи ошқор бўлиб қолган одамдай нимасига уялиб, азобланади экан?

Демак, бу гаплардан келиб чиқадиган хулоса: нодон халқ қувонадиган нарсага қувонади ва қувонган чоғида нима деб, нима қўйганини, нима қилганини ўз сезмай, эси оғиб, ўзича мағрурликка берилиб кетади. Устига-устак уялмайдиган нарсадан уялиб, уяладиган нарсадан уялмайди. Буларнинг ҳаммаси нодонликнинг оқибати, аҳмоқликнинг таъсири. Шундай десак баъзилар «тўғри, тўғри» деб гапингга тушунгандай бўлади. Бундайларга ишонмаслик керак, эртасига у ҳам ҳалиги нодонларнинг бири бўлиб қолаверади. Кўнгли сезиб, кўзи етиб турса-да, хайвон каби бурунги

одатидан бўйин буролмайди, тайинсиз бўлиб қолаверади, унга ҳеч ким гап уқтириб, бу ишидан тўхтатолмайди. Қандай ёмонлик бўлмасин, бир марта одат қилиб олса, қозоқ бу одатини ихтиёрсиз кўрққанида ёки ўлганида қўймаса, асло қўйолмайди. Ақл пешлаб, бу ишим терис экан деб, ўйланиб ўзини ўзи тийиб олган одамни учратолмайсан.

ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ СЎЗ

(Сукрот ҳаким насихати)

Кунлардан бир кун Сукрот ҳакамнинг шогирди Арас-туга оллох тобарак ва таолога сиғинмоқлик ҳақида айтган сўзи. У ўзи худога сиғинганлар устидан кулиб юрар эди.

– Эй, Арасту, ўз касб-ҳунари билан таҳсинга сазовор бўла оладиган одам борми, сен уни биласанми? – деди.

У жавоб қайтарди:

– Ҳазратим, бундайлар тўлиб-топиб ётибди.

– Шулардан биттасининг исмини айт-чи? – деди.

– Гомернинг шоирлигига, Софоклнинг фожеавий асарларига, Зевксиснинг рассомлигига офаринлар айтаман, – деб, яна шу каби ўнлаган бошқа санъат асарлари билан машҳур кишилар исмини айтди.

– Шундай экан, ким кўпроқ таҳсинга лойиқ: жони йўқ, ақли йўқ қуруқ савлат ясайдиган рассомми? Ёки жони бор, ақлли одамни яратувчими? – деди.

– Мен кейингисини таҳсинга лойиқ деб биламан, – деди, – бироқ у яратувчи тасодифий истеъдод билан эмас, балки идрок кучи билан яратса дейман.

– Ҳа, дунёда фойдали нарсалар кўп, ҳамма нарсанинг фойдаси кўриниб, сезилиб туради. Баъзиларининг фойдаси аниқ сезилмайди. Сен қайси бирини ҳикматли деб ўйлайсан? – деди.

– Албатта, фойдали ҳисобланган ҳикматни – деди Арасту.

– Яхши, шундай экан, олло таоло Момо Ҳавони яратиб, унга бешта ташқи сезги ато этганида, ҳамма нарсани инобатга олиб, нимага эҳтиёж сезишини олдиндан билиб ато этганлиги равшан бўлиб турибди-ку. Дастлаб кўрсин деб кўз ато этди, борди-ю кўз бўлмаса, дунёдаги гўзалликлардан қандай қилиб баҳра олар эдик? У кўз ниҳоятда нозик бўлгани учун керак нарсаларни керак пайтида очилиб, керак эмас нарсалар учун ёпилиб турсин деб қовокни

яратди. Шамолдан, чангдан сақласин деб киприк берди. Кўздан пешона терини ҳимоя қилиш учун зарур бўлганлиги ва яна бошқа нарсаларга яраб қолади деб қош ато этди. Қулоқ бўлмаса, на шовқинни, на майин товушни эшитмас эдик, яхши овоз, куй, қўшиқларнинг ҳеч биридан лаззат топмаган бўлар эдик. Бурун ҳид сезмаса, дунёдаги муаттар хиддан баҳра олмоқ, ёмон хиддан жирканмоқлик қўлимиздан келмас эди. Тамоқ, тил таъм сезмаса, дунёдаги ширин, аччиқ нарсаларнинг қайси биридан роҳатланар эдик? Шуларнинг ҳаммаси бизнинг фойдамиз эмасми?

Оғзимизга олган таомимизнинг софлигини кўриб, ҳидини сезиб, ичиб-есин деб кўз билан бурунни оғизга яқин қилиб яратди. Биз учун зарур бўлса-да, жирканарли хусусиятга эга бўлган жойларимизни бошимиздаги азиз билимли жойимиздан узоққа жойлаштирди, буларнинг ҳаммаси хикмат билан оқилона бажарилганига далил эмасми? – деди.

Шунда Арасту чуқур ўйлаб, мулоҳаза қилиб кўриб, одамни яратувчисида хикмат кўп эканлигига, уни муҳаббат билан яратганлигига шубҳаси қолмади.

Шундай экан, сен менга айт-чи, нима учун яратилганнинг барчаси, ҳамма тирик жон ўз болаларига нисбатан нозик муҳаббат туйғусига эга, жониворларнинг ҳаммаси ўлимни ёмон кўриб, кўпроқ умр кўриш, авлод қолдириш ҳақида қайғуради? Чунки улар узоқ умр кўриш учун яратилган. Худо таоло уларни ҳаётни севувчи, кашф этувчи қилиб яратишининг ўзи унинг одамларга нисбатан муҳаббати эмасми?

– Эй, Арасту, – деб сўзини давом эттирди Суқрот, – сен ўзингдан бошқа, ҳеч кимда ақл йўқ деб ўйлашга қандай ҳадинг сиғди? Ахир одам танаси ўз босиб юрган ернинг бир парчаси эканини сезмадингми? Танангдаги тер ердаги сувнинг бир томчиси эмасми? Сен ақлни қаердан олдинг? Албатта, қаердан келган бўлмасин, жон деган нарса келди-да, шундан сўнг сен унга эгалик қила бошладинг. Бу оламни кўрдинг, ўлчамига ақлинг етмайди, яратилганда ҳам ўзига хос қонуниятлар билан шундай уйғунлаштириб яратдики, уни ўзгартириш асло мумкин эмаслигига ишонасан. Буларнинг ҳаммасини гўзал деб санайсан-у ақлинг етмайди. Буларнинг ҳаммаси тасодифий яралганми ёки буларнинг яратувчиси буюк ақл эгасими? Агар ақл билан яратилмаганда эди, ўлчамига ақл бовар қилмайдиган олам турли-

туман эҳтиёжларни инобатга олиб ва ўзаро бирор сабаб билан боғланиб, фаннинг ўрганиш доираси учун имкон бермайдиган кучли, ажойиб қонуниятга асосланиб яратилмаган бўлар эди, – деди.

Арасту айтди:

– Тўғри, бу гапларнинг ҳаммаси тўғри, яратувчи чексиз ақл эгаси эканлиги маълум бўлди. Оллохнинг қудратли эканини инкор этолмайман. Бироқ шундай қудрат эгаси бўлган худо менинг тавба-тазаррумга нима учун мухтож бўлади?

– Эй, Арасту! Янглишасан. Мухтож бўлмаганда ҳам кимдир сен учун қайғурса, сен унинг олдида қарздор эканлигини англашинг учун ҳам устоз керакми?

Арасту деди:

У мен учун қайғурганлигини қаёқдан биламан?

– Яхши, шундай деб ўйласанг барча жониворларга қара, ўзингга ҳам назар сол, ҳаммамизга жон ато этилган. Лекин жоннинг аълосини ҳаммамизга бирдек фойдаланадиган қилиб берганми? Одам келаси, ўтган ва бугунги кунларининг ҳар учаласини мулоҳаза қилади. Ҳайвонлар эса ўтган кун билан ҳам, шу бугун билан ҳам қизиқмайди, келажаги хақида мутлақо ўйланмайди. Одам билан ҳайвоннинг ташқи қиёфасини таққослаб кўр. Одам атрофини кузатиш учун икки оёқлаб тик юради. У ҳар қандай ҳайвонни ўз ихтиёрига бўйсундира олади. Жониворлар ҳам ўз оёғи ва ўз қанотига ишонади. Улар ўзгаларни ўз ихтиёрига бўйсундиролмайди. Одам ўзига ўзи ишонмаса, одамни ҳам ҳайвон каби яратганда эди, у ҳеч нарсага ярамаган бўларди. Ҳайвонга одамга ато этилган ақл берилса, бундай маҳорат, бундай эҳтиёж, бир-бирига илм ўргатишдек нотиклик кабиларга у жисм лойиқ бўлмас эди. Қайси бир ҳўкиз шаҳар қуриб, қурол ясаб, турли-туман асбоб-ускуналар яратиб, маҳоратини намойиш қилган? Аммо инсон бўлмаса, бундай ажойиб ақлни шундай гўзаллик билан яратилган танага жойлаб, тенгсиз солоҳият эгаси сифатида, барча жониворларнинг ҳукмрони этиб яратганининг ўзи бунинг ёрқин исботи эмасми? Бу далилнинг ўзи олло таоло инсонни барчадан афзал билиб, ғамини аввалдан ўйлаб қўйганлигининг исботи эмасми? Энди сенга инсон худога сиғиниш учун унинг олдида қарздор эканлиги маълум бўлгандир – деди.

ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ СЎЗ

Эй, мусулмонлар! Агар сиздан кимдир, нега биров бой, биров камбағал, биров касал, биров соғ, биров ақлли, биров ақлсиз, бировларнинг кўнгли яхшиликка, бировларнинг кўнгли ёмонликка мойил бўлади, деб сўраса, худо таолонинг тақдири азали ёки амри билан яратилган деб жавоб беринглар. Агар шундай бўлса, биз худо таолони айбсиз, нуқсонсиз, адолатли деб имон келтирган эдик-ку. Шундай экан, нима учун худо таоло қандайдир лаънатга учраганларга текин давлат ато этади экан? Фақат худо деб, халол меҳнат қилиб, бойлик топтоқчи бўлган кишининг меҳнати инобатга олмай, бола-чақасини тузук асрашига ҳам ризқ-насиба бермай, камбағал қилиб яратди экан? Ҳеч кимга зарари тегмайдиган бир мўмин бандани ногирон қилиб, хору зор қилди экан? Қаланғи-қасанғи бир ўғри, золимларнинг тани-бошини соғ қилиб яратди экан? Бир ота-онанинг икки боласини бирини ақлли, иккинчисини ақлсиз қилиб яратди экан? Олло таоло одамларга эгри бўлма, тўғри бўл деб ёрлик юбориб, тўғри йўлни кўрсатган эмасмиди? Тўғрини беҳиштга, эгрини дўзахга соламан дея туриб, нима учун бандасининг баъзисини яхшиликка мойил қилиб, бошқасини ёмонликка мойил қилиб, ўзининг беқиёс қудрати билан бировини яхшиликка йўналтириб, иккинчисини ёмонликка йўналтириб туради экан? Буларнинг ҳаммаси худо таолонинг айбсиз, бенуқсон, кечирувчи, меҳрибон, адолатли деганларга лойиқ келармикин? Халқ ҳам, мулк ҳам – ҳаммаси худонинг ўзиники. Бундай қилганига қандай қараймиз? Ўз мулкини ўзи нима қилса қила олади. Бу нарсани айбга санамаймиз деб айтай десанг, бу сўзинг худо таолонинг айби, нуқсонсиз эмас, айблари кўп, бироқ айтишга ботинолмаймиз деганимиз бўлмайдими? Ҳамма ишни қандай бўлишини олло таоло ўзи бошқарар экан, бандаси ўз ҳолича ҳаракат қилгани билан нимага эришади? Одамдан одам хафа бўлишига асос йўқ. Демак, ким яхшилик, ким ёмонлик қилса ҳам худодан келган амрни адо этиб юрибди дейишимиз керакми?

Худо таоло ҳар бир ақли расо кимсага имон фарз, имонли киши учун ибодат фарз деган. Яъни ҳар қандай тўғри фаолият ақлнинг маҳсулидир. Ақлимизни ўз эркимиз билан

бошқаролмасак, худо таолонинг ақлли кишига имон фарз дегани қаёққа кетди? «Мени таниган ақл билан танийди» дегани қаёқда қолди? Динимизда яширин бўлган сир бўлмагач, ақлли кишига бу ҳақида ўйлама деб таъқиқлаб бўладими? Ақл бўлмаса, диннинг ўзи нимага асосланган бўлар эди? Дастлаб имонимизни мустаҳкамламай туриб, қилган ибодатларимиз нима бўлади? Йўқ, сен яхшилик ва ёмонликни яратган – худо, аммо ундай бўл деган худо эмас, касалликни яратган ҳам худо, лекин касал қилган худо эмас, бой-камбағални яратган ҳам худо, бироқ бой қилиб, камбағал қилиб яратган худо эмас деб тушунсанг бас, шуни ўзи етарли.

ЙИГИРМА ТҶҶҚЗИНЧИ СЎЗ

Қозоқ мақолларининг аҳамиятлилиги ҳам бор, нафақат аҳамиятли, хатто худога ҳам, бандасига ҳам тўғри келмайдиганлари ҳам бор.

Масалан, «Камбағал бўлсанг, уятсиз бўл» дейди. Ор-номусни йўқотиб юргандан кўра ўлган афзал-ку. Агар бу ёлланиб, жонингни қийнаб, меҳнат қилиб нон топ деган сўз бўлса, бу уятни йўқотадиган иш эмас. Осойишта умр суриб, бировнинг кўлига термулмай, тиланмай, жонини қойитиб, ҳалол меҳнат билан нон топмоқлик – ор-номуси бор одамга хос.

«Қаловини топсанг, қор ёнади», «Яхшилаб сўрасанг, одам боласининг бермайдигани йўқ» деган сўзи – энг худо урган мақоли. Яхшилаб сўрайман, қаловини топаман деб хорзорлик билан яшагунча, бойликни ё ердан сўраш керак, ё пешонангдан оққан тердан сўраш керак.

«Ном қолдирай десанг, шаҳарга ўт қўй» дейди яна бир мақолда. Шаҳарни ўртаб ном қолдиришдан қандай манфаат? «Юз кун атан¹ бўлгунча, бир кун бура² туя бўл» дейди. Тангрисининг қаҳрини келтириб, хориб-чарчаб девонасифат буралик билан ўтказган бир куннинг нимаси қизиқ?

«Олтин кўрса, фаришта ҳам йўлдан озади» деган мақоли бор. Садағанг кетгур фаришталар-эй! Фаришталар олтинни нима қилади, ўз шум ниятларини ҳаспўшламоқчи бўлганидан топган сўзлари-ку!

¹атан-ахта туя

²эркак

«Ота-онадан мол азиз, олтин уйдан жон азиз» дейди. Ота-онасидан мол-мулкни азиз кўрган қарғиш текканларнинг азиз деб айтадиган ширин жонлари бор эканми? Ота-онасини молга алмаштирмоқлик дунёдаги энг пасткашлик эмасми? Ота-она бир иложини қилиб, заҳмат чекиб, бойлик орттирса, мол-мулк орттирса, болаларига бўлсин, дейди. Ота-онани молга сотиш – худога қаршилик эмасми? Бундай калта ўйлаб айтилган сўзлардан эҳтиёт бўлиш керак.

ЎТТИЗИНЧИ СЎЗ

Қирқтасини минсанг, қирдан ошолмайдиган «вайсақи мақтончоқлик» деган бир мақтанчоқлик бор, шу нарса нима учун керак, қандай фойдаси бор ўзи? У нарса уят нима, ақл нима, номус нима – билмайди, унда теран фикр, чуқур мулоҳаза йўқ, на куч-қудратга, на ботирликка, на одамгарчилика, на фаросатга эга эмас. Кекирдагини чўзиб: «Эй, тангрим-эй, қўйчи шуни, бировдан биров ортиқ эканми, кимнинг боши кимнинг тўқимида юрган экан, у менинг қозонимга гўшт солибдими, мен ундан совун сўрабманми?», – деб мақтанади, ёки: «Мен шунга қараб қолибманми», – дейди. Онасини эмсин, унга ялингандан кўра ўлиб кетмайманми? Зўр бўлса отилиб, ёки шу учун ҳайдаб юборса ҳам розиман! Хуллас, бир ўлим ҳақ эмасми?» – деб манманликка борадиган кишилар ҳам кўп-ку.

Ўзингизга ҳавола, юқорида айтган сўзларга лойиқ келадиган қозоқни учратдингизми? Фақат кекирдагини чўзиб: «Мен ундай қилиб юбораман» демаса, ўлимга бардош бера оладиган қозоқни мен учратганим йўқ. Агар шу сўзга лойиқ келадиган киши бор бўлса, аҳмоқ бўлса-да, ўз хатти-ҳаракати билан бизга ўрнак бўла олар эди! Агар чин тўст-тўполонни кўрганда, кирарга жой тополмайдиган аҳмоқ, халқни шу сўзим билан кўрқитиб оламан, «бу кофирдан одам чўчир экан» дейишларини ўйлаб юрган қуруқ савлат тўкиб, бекорга бўй кўрсатиб юрса, бундайларни ким деймиз? Э, худойим-эй! Ҳотамлик қиладиган марднинг аҳволи – унинг ичган қасами, бойликка хотамлик қилиши, бойлигини аямаслиги, дунёни тийинга олмайдиган сахийлиги каби турли-туман хислатларига қараб саналмасмиди? «Уялмас бетга толмас жағ беради» деганларидек кўп вайсаган номуссиз, андишасизлардан худо ўзи асрасин.

ЎТТИЗ БИРИНЧИ СЎЗ

Эшитганларингни унутмасликнинг тўртта сабаби мавжуд: биринчиси – чин дилдан кўнгил қўйиб ўрганмоқ керак; иккинчиси – бирор нарсани эшитганингда ёки кўрганингда ундан ўрناق олишга иштиёқманд бўлиш, кўнгил билан, қунт қилиб, айтилган сўзларнинг маъносини англаб, тушуниб, ҳавас билан уқиб олмоқ лозим; учинчиси – эшитган, кўрганларингни мулоҳаза билан бир неча бор ўзингча такрорлаб, ёдингда мустаҳкамлаб олишинг зарур; тўртинчиси – фикрни чалғитувчи нарсалардан, хатто улар олдида лол қолсанг ҳам, қочмоқ керак. Агар бирон қор-қол содир бўлганда ҳам уларга берилмаслик керак, Хаёлпарсалликнинг ёмон иллатлари: бепарволик, беғамлик, ўйинкулгига берилиш ёки бирор нарсага ҳаддан ортиқ ишқибозлик кабилардир. Бу тўрт нарса – ақл билан илмни емиради.

ЎТТИЗ ИККИНЧИ СЎЗ

Илм-фан ўрганмоқликка ихтиёр қилган кишилар дастлаб қуйидагиларни билиб олишлари зарур. Ихтиёр этишнинг ўзи бир қатор шартларга асосланади. Уларни билмай туриб, излаганингни тополмайсан.

Биринчи шарт – илмни бошқа бирор шахсий манфаат йўлида бир кун келиб қор-қолимга яраб қолар деган мақсадда ўрганмаслик керак, балки илм-фаннинг ўзига иштиёқ қўйиб, унга интиқ бўлиб, ўрганиш керак. Фақатгина билганларингни ўзини катта давлат деб англасанг ҳам, ҳар қандай билмаганингни ўрганган пайтда кўнглинг ором олиб, ҳузур қиласан. Ана шу топган роҳатланишингни мустаҳкам ушлаганда, билмаганимни янада ўргансам экан деган умидбахш хуморлик, илмга муҳаббат пайдо бўлади. Шундагина ҳар бир эшитганинг, кўрганингни дилинг яхши уқиб, ўз аслидек ичига жойлаб олади. Агар кўнглинг бошқа нарсаларда бўлса-ю, илмни шулар учунгина ўрганмоқчи бўлсанг, бундай ҳолда илмга нисбатан бўлган меҳринг, ўғай онанинг меҳри каби бўлиб қолади. Одамнинг кўнглида чин меҳр бўлса, у ҳолда илмнинг ўзи ҳам меҳрибонлашади, тезроқ қўлга киради. Чала меҳр чала ўрганади.

Иккинчи – илм ўрганганда, чин мақсад билан билиш учун ўрганмоқ керак. Бахшлашмоқ учун ўрганмаслик керак, Бахшлашиш учун ўрганма, озроқ бахшлашиш кўнгилни мустаҳкамлаш учун зарар эмас, катта бахс одамни беэамайди, балки бузади. Бунинг сабаби ҳар қандай бахшлашувчи киши ҳақиқатни англаш учунгина бахшлашмайди, ютиб чиқиш учун ҳам бахшлашадиганлар ҳам бор. Бундай бахс хусуматни кучайтирса кучайтирадики, инсонийликни кучайтирмайди, балки камайтиради. Унинг мақсади илм ўрганиш эмас, одамларни чалғитиб, ёлғон сўзга ишонтирмоқликдир. Бундай фикр фақат бузуқ одамларда бўлади. Тўғри йўлдаги юз кишини чалғитган кишидан кўра, эгри йўлдаги бир кишига тўғри йўл кўрсатган афзал. Бахс – илм ўрганишнинг бир йўли, бироқ унга ортиқча берилиб кетиш ярамайди. Агар унга бир берилса, сўзамол мағрурлик, мактанчоқлик, хусуматга бўйин эгса, бундай киши бировга азоб келтирадиган ёлғондан ҳам, иғводан ҳам, уришиш-тепалашидан ҳам узоқ бўлолмайди.

Учинчи – кўзинг етса, ҳар бир ҳақиқатни тиришқоқлик билан ўрган, ўлсанг ҳам ундан айрила кўрма. Агар билиминг ўзингни қаноатлантирмайдиган бўлса, шуни яхши билгинки, кимга фойданг тегади? Ўзинг қадрига етмаган нарсага бегоналардан қандай қилиб иззат-икром кутасан?

Тўртинчи – одамда ўз билимини орттиришига бўлган икки хил қараш бўлади: биринчиси – мулоҳаза қилмоқ, иккинчиси – мустаҳкам муҳофаза қилмоқлик. Бу икки хусусиятни кучайтириш пайида бўлиш керак. Булар кучли бўлмай туриб, илм кучли бўлолмайди.

Бешинчи – шу насихат сўзларнинг ўн тўққизинчи бобида¹ ёзилган хаёлпарастликнинг ёмон иллатлари деган тўрт нарса мавжуд. Шундан овлоқ бўлиш керак. Унинг ичида ташвишсиз беғамлик деган бир нарса борки, азизларим, зинҳор-базинҳор ундан эҳтиёт бўлинг, айниқса у биринчи – худонинг, иккинчи – халқнинг, учинчи – давлатнинг, тўртинчи – ибратнинг, бешинчи – ақлнинг, орномуснинг – хаммасининг душмани. Беғамлик, бепарволик бор жойда худо, халқ, давлат, ибрат, ақл, ор-номус бўлмайди.

Олтинчи – илмни, ақлни эҳтиётлаб сақлаб турадиган хулқ деган ғилофи бўлади. Шу хулқ бузилмасин! Кўрган

¹Абайнинг саноқ тартиби бўйича ўттиз биринчи сўз

нарсаса мулоҳазасиз қизиқиш, энгилтаклик қилиш ёки бировнинг аҳмақона сўзига учиш ёки дуч келган нарсаларга қизиқиб кетаверсанг хулқнинг мустаҳкамлигига путур етади. Хулқингдан айрилгач, ўқиб-ўрганишнинг ҳеч бир фойдаси қолмайди. Қалбингда улар учун жой бўлмагандан сўнг, қаерингда асрайсан? Бажараман деган ишингни бажарарлик, тураман деганда турадиган хулқидан ажралмайдиган ақлингни, ор-номусни мустаҳкам сақлай оладиган мушоҳадали, ғайратли бўл! Бундай мустаҳкамлик эса ақл ва ор-номус учун зарур.

ЎТТИЗ УЧИНЧИ СЎЗ

Агар бойлик орттирмоқчи бўлсанг, хунар ўрганмоқ даркор. Бойлик, мол-дунё тугайди, хунар тугамайди. Бировни алдамасдан, ҳалол меҳнатинг билан мол-мулк орттирсанг – қозоқнинг авлиёси дегани шу. Аммо худо таоло қўлига оз-моз хунар берган баъзи қозоқлар иллатлардан ҳоли бўлмайди.

Биринчи – бу ишимни у иш билан мустаҳкамлайман деб, бир қанча ишларга қўл уриб, бирмунча тадбиркорлик қилиб, хунаримни янада пишиқлай деган мақсадда яхшироқ хунар изламайди. Ўзи билган арзимас хунаридан маст бўлиб, мағрурланиб, шуниси ҳам етади деб ўйлайди, натижада қозоқнинг ялқовлиги тутиб ётиб олади.

Иккинчи – ишлагандан сўнг эринмай ишлаш керак. Бир-икки мол-мулк топса, оғилхонаси молга тўлиб кетган киши сингари «менинг мол-мулким йўқ эканми?» дегандай ялқовлиги тутиб, босар-тусарини билмай қолади.

Учинчи – ундан кимдир илтимос қилиб: «Моҳир уста экасан, хунарни обдон эгаллабсан» ёки «Шу нарсамни ишлаб бервор, ниманг кетди, оғажон» деса, менга ҳам бировлар ёлвориб, иши тушадиган даражага етибман, деб мағрурланиб, бефойда алдовга, айёр тилга учиб, қимматли вақтини беҳуда сарфлайди. Яъни, халиги кишига дунёнинг қизиғи, бировни алдай олиш деган хаёл солиб, ўзича кўнглида мағрурлантиради.

Тўртинчи – ошна-оғайничил бўлади. Халиги алдамчи, шайтон ошна бўлдиқ, деб бирор арзимас нарсани бериб, кетидан ундай қиламан, бундай қиламан, фарқ қиламан деганига хурсанд бўлиб, дўстим, биродарим деса, мен ҳам

бировга керак бўлар эканман-ку, деб ёшлигидан уйдан чиқмай меҳнат қилиб, бор-йўғига қарамай, алданаётганини сезмай, бировнинг етишмаётган нарсасини етказаман деб, хатто ўз ёнидан қўшиб, сўраганини ҳаммасини мухайё қилиб, кунини беҳуда ўтказиб, қимматли вақтини бекорга ўтказиб, «тўрга ўтинг» деганларига оғзи қулоғига етиб, овқат, кийим, бурч деганларни тамом унутиб, улар тазйиқ ўтказганда ўзгадан қарз кўтаради. Уни ясаб берай, буни етказиб берай деб, топгани ўзига етмай, қарзи кўпайиб, жанжалга айланиб, одамийликдан чиқиб, хор-зор бўлиб қолади. Қозоқнинг боласи ўзи алдамчи бўлган ҳолда бировларга алданганини қандай тушуниш керак?

ЎТТИЗ ТЎРТИНЧИ СЎЗ

Ўлимдан қочиб бўлмаслигини, унинг ҳақ эканлигини ва ўлим фақат қариликдагина келмаслиги, домига олганини қайтармаслигини ҳамма билади. Қозоқлар бу ҳақиқатга чуқур мушоҳада билан эмас, балки ихтиёрсиз, бошқа чора қолмагач ишонади. Чунончи, ҳаммасини яратган худо бор, у охиратда сўроқ қилади, ёмонларни жазолаб, яхшиларни тақдирлайди, унинг жазоси ҳам, тақдирлаши ҳам бандасига номаълум, беҳисоб азоблари ҳам, меҳр-шафқати ҳам бор, бунинг ҳаммасига ишонамиз дейди.

Йўқ, мен уларнинг ишончига шубҳа билан қарайман. Улар ишондим, дегани билан аниқ ҳақиқатга кўзлари етиб, вужуди билан ишонмайди. Бунга аниқ ишонган киши ваҳима қилишга берилармиди? Яхшилик ва ёмонликка лойиқ келадиган ишларни худосиз, ўзлари ҳам бажара олишлари мумкинку. Бу икки ҳақиқатга шубҳа билан қараган чоғда, уларни нимага ҳам ишонтира олар эдик? Буни қандай тузата олардик? Қандай қилиб уларни мусулмон, имони соғлом деб атай оламиз?

Кимда-ким охират кунда ҳам, бу дунёда ҳам хор-зор бўлмайин деса, қуйидагиларни билиб олиши керак: ҳеч бир одамнинг кўнглида бир вақтнинг ўзида икки қувонч бўлмайди, икки хоҳиш бир пайтда юзага келмайди, икки қўрқинч, икки қайғу ҳам бир пайтнинг ўзида пайдо бўлмайди. Бундай бўлиши мумкин ҳам эмас. Шундай бўлгач, кимнинг кўнглида бу дунё ташвиши, қувончи охират ташвишидан, охират қувончидан ортиқ бўлса, у

киши мусулмон эмас. Энди фикр юритиб кўрайлик. Бизнинг қозоқлар ҳам мусулмон! Агар икки нарса дуч келиб қолса, бири охиратда керакли, иккинчиси шу дунёда керакли бўлса, бирини олсанг, иккинчисига тегмаслик лозим бўлса, шуни кимдир охиратда керак бўладиганини олмай, йўқ, агар яна учрамайдиган бўлса, худонинг марҳамати кенг, ўзи кенгчилиги билан кечиради, ҳозир пайти келиб турганда буни кўлдан чиқариб бўлмайди деб, бу дунёда керак бўладиганини олса-ю, вақти келиб бу одам жон таслим қилганда, охиратни бу дунёга алмашганим йўқ, деб жонини ютиб турса, унга ишониш мумкинми?

Одам одамга – дўст. Нима учун десангиз, бутун ҳаётинг – туғилишинг, улғайишинг, тўйишинг, оч қолишинг, ғам-аламинг, тана тузилишинг, дунёга келган жойинг, борар еринг – ҳаммаси бир хил. Охиратинг, ўлиминг, гўрга киришинг, чиришинг, маҳшарда жавоб беришинг бир хил. Икки дунёнинг ташвиши ҳам, қувончи-ю роҳати ҳам бир хил. Беш кунлик умринг борми-йўқми... Бу дунёда бир-биримизга меҳмон эканмиз, ўзинг ҳам меҳмон экасан, бировнинг боғига, молига шериклик қилиш, кўз олайтириш инсофданми? Насибангни худодан сўрамасдан, бандасидан сўраб, қилаётган ишимнинг баракасани бер демай, фалончиникини олиб бер дейиш худодан тилайдиган тилакми? Худо бировнинг роҳат-фароғатини деб бировга жабр кўрсатадими? Икки сўзни бошини бир-бирига қўшолмайдиган, на ақли, на илми бўлмаган, фақат ўзимнинг айтганим тўғри деб, қуруқ «Эй, худойим» дейишдан нарига ўтмаса, унинг нимаси одам?

ЎТТИЗ БЕШИНЧИ СЎЗ

Машҳарда худо таоло ҳожи, мулла, сўфи, сахий кишилар ва шаҳид бўлганларни сафга қаторлаштириб сўроқ қилар экан. Дунёда иззат-ҳурматга сазовор бўлиш учун ҳожи бўлганни, мулла бўлганни, сўфи бўлганни, сахийлик кўрсатганни, шаҳид ўлганларни алоҳида бир томонга қўяр экан. Охиратни ўйлаб, фақат худо таолонинг розилигини олмоқ учун хизмат қилганларни бир томонга сафлар экан.

У дунё ўз обрўси, шон-шухрати учун умр кечирганларга: «Сизлар у дунёда ҳожи ака, мулла ака, сўфи ака, хотам ака, ботир ака деган шухратга эришмоқ учун хизмат қилган

эдинглар, энди у дунёда, бу ерда йўк. Сизнинг у ўйин-кулиги тўла дунёнгиз тугади, шу билан биргаликда қилган айш-ишратларингиз ҳам, орттирган шон-шавкатларингиз ҳам тугади. Энди бу ерда ҳурматга сазовор бўлишни орзу қилгандан кўра, сўроқ беришга хозирлик кўринглар! Мен сизларга мол-мулк бердим, ҳаёт бахш этдим, сизлар эса шу бойликни, ҳаётни ўз манфаатингиз йўлида сарфладингиз, охиратингизни унутдингиз, одамларни алдадингиз», – дер экан.

Чин кўнгилдан худо таолонинг розилиги учун хизмат қилганларга: «Сиз фақат менинг розилигим учун бойликларингизни, ҳаётингизни сарф қилдингиз, мен розиман. Сизларга муносиб иззат-икромимни тайёрлаб қўйганман, марҳамат қиринглар! Машҳарда сизлардан бошқа мени рози қилганлар ҳам бор. Улар – сиз қилган яхшиликларда иштирок этган ёки мақсадларингизни қўллаб-қувватлаганлар. Фароғатда яшанглар!» – дер экан.

ЎТТИЗ ОЛТИНЧИ СЎЗ

Пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи ва саллам ўз ҳадиси шарифида «Мин ла ҳаёун ва ла имонун лахв» деб айтган, яъни кимнинг уяти бўлмаса, унинг имони ҳам бўлмайди дегани. Бизнинг қозоқларда ҳам шу мазмундаги «Қимда уят бўлса, имон ҳам шунда» деган ўз мақоли бор. Бу ҳикматли сўзлардан маълум бўладики, уят деган ҳиссиёт имоннинг бир аъзоси экан. Шундай экан, уятнинг ўзи қандай туйғу эканлигини билиш керак бўлади. Бир турли уят бўладики, – бу нодонликдан юзага келадиган уят, ёш бола катта одам олдида сўзлашга уялгани каби, бегона одамлар олдида шунчаки ёмонликсиз бориб, учрашишдан уялади. Шариатга ҳам тўғри келмайдиган, ақлга ҳам сиғмайдиган, ёмонлиги бўлмаса-да, нодонликка бўйин эгиб, ҳал бўлмайди деб ўйлаб, уялмайдиган нарсадан ҳам уялмоқлик – аҳмоқлик, ёмонлик.

Ҳақиқий уят шундай бўлади: шариатга тўғри келмайдиган ёки ақлга сиғмайдиган ё виждонни азобга соладиган бирор сабаб билан юзага келади. Бундай уятнинг ўзи икки хил бўлади. Биринчиси – бунақа қилиқни ўзинг қилмасанг ҳам, бошқа бировларнинг қилиғини кўриб, сен уяласан. Бунинг сабаби, уятли қилиқ қилган кишига ачинганликдан пайдо бўлади. «Эй, худойим-эй, бу бечорага нима бўлган, энди бу одам қандай бош кўтариб юради?» деган каби бор вужуди билан раҳми келиб, ўзидан-ўзи кизариб кетади.

Иккинчиси шундай уятки, шариатга тескари, на ақлга, на обрўга, на одамгарчиликка тўғри келади. Бу уят хатоликдан ёки нафс балосига учишдан, ғофилликдан юзага келади. Бундай уят иш қилган киши бегона кишилар сезмаса-да, ўз-ўзидан уялиб, азоб чекади. Қирарга тешиқ тополмай, аллақандай тушкунликка тушиб юради. Бундай номуси кучли одамларнинг уйқудан, овқатдан юз ўгириш ҳоллари ҳам учраб туради, ҳатто ўз жонига ўзи қасд қиладиганлари ҳам топилади. Уят деган нарса одам жисмидаги инсонийлиги, ўзи содир қилган «ит»лигини ўз тан олиб, ўз-ўзини азоблаш демакдир. Бундай пайтда на тилингга сўз келади, на миянгга фикр келади. Кўзингнинг ёшени, бурнингнинг сувини ҳам артиб олишга мадоринг қолмайди. Кўзинг бировнинг бетига қараши бу ёқда турсин, ҳеч нарса кўрмайдиган бўлиб қолади. Бундай қилиқ билан уялган одамга ачиниш ўрнига баъзи бировлар уни янада кўпроқ уялтириб, қалбини ўрташга тайёр туради. Бундай одамларни ноинсоф, одамгарчиликни билмайдиганлар деб аташ мумкин.

Айни замонда мен кўриб юрган кишилар уялмоқ эмас, ҳатто кизармайди ҳам. «Бу ишдан мен ҳам уялдим, дедимку, яна нима керак?» ёки «Айбимга иқрор бўлдимку», «Фалончи ҳам, тугунчи ҳам туп-тузук юрибди-ку, фалондай қилган, тугундай қилган эмасми, меники уларнинг олдида ҳолва эмасми?» дейди. Уялтираман десанг, аста-секин сендан устун кела бошлайди. Бундайларни уяти бор киши деб қандай аташ мумкин? Бундайларни имони бор деймизми ёки имонсиз деймизми?

ЎТТИЗ ЕТТИНЧИ СЎЗ

1. Одамнинг инсонийлиги ишни қандай яқунлаганидан эмас, қандай бошлаганидан маълум бўлади.

2. Кўнглингдаги гўзал фикрларинг оғзингдан чиққач, ўз тароватини йўқотади.

3. Нодон кишига ибратли сўз билан насиҳат қилсанг, кўнглинг ҳам қувонч топади ҳам ўқинч топади.

4. Одамларнинг ақл-идрокига қараб хайрхохлик қил; нодонга кўрсатган хайрхохлигинг бошингга тўқмоқ бўлиб тушади.

5. Ота фарзанди – одамнинг душмани. Инсон фарзанди – жигарбандинг.

6. Мард кўп нарса талаб қилса-да, озига ҳам рози бўлади. Пасткаш оз сўрайди, кўп берсанг ҳам рози бўлмайди.

7. Фақат ўзинг учун меҳнат қилсанг, ўз қорни учун ўтлаган молдан фарқинг қолмайди; одамларга фойда келтириш учун меҳнат қилсанг, олло таолонинг севган қули бўласан.

8. Сукротни заҳарлаган, Иоанна Аркни ўртаган, Ғайсани дорга осган, пайғамбаримизни ўлган туя хоклари остига кўмган ким? Бу – оломон. Оломон эса ақл билан иш тутмайди. Шундай экан тадбир топиб, уни йўлга сол.

9. Инсон фарзандини замон тарбиялайди, кимдир ёмон бўлса, замондошларининг ҳаммаси айбдордир.

10. Агар менинг қўлимда қонун чиқариш ваколати бўлса эди, инсон хулқини тузатиб бўлмайди деган кишининг тилини кесар эдим.

11. Ҳаётда ёлғиз яшагандан кўра одамнинг ўлгани афзал, чунки мавжуд хафагарчиликларнинг барчаси унинг гарданида бўлади. Қандай ёмонлик бўлмасин, кўпчиликдан келади, яхшилик ҳам, эрмак ҳам кўпчиликдан тарқалади. Қани биринчисига ким бардош бера олади? Иккинчисидан ким юз ўгира олади?

12. Орамизда ёмонликка дуч келмаган одам борми? Тушқунликка тушувчилар нажотини йўқотиб, умидсизликка тушади. Дунёда ўзгармай қоладиган нарса бўлмаслиги аён-ку, демак, ёмонлик ҳам мангу эмас. Ахир қаҳратон қишдан кейин оламни гулларга буркаб баҳор келади-ку.

13. Баджаҳл киши камгап бўлса, алами ичида бўлади. Борди-ю заҳар сочиб гапирса, ё мақтанчоқ, ё қўрқоқ.

14. Қувонч билан бахт – мағрурликнинг энг каттаси, мингдан бир кишигина орқа этагини бошига илмай, ақл билан ундан сақлана олади.

15. Агар ишим юришсин десанг, саранжом бўл.

16. Юқори мансаб – баланд қоя, эринмаган илон ҳам судралиб чиқолади, баландпарвоз бургут ҳам етолади; Ёмонлик раво кўрувчилар чўққига ҳали етолмаганларни олқишлайди, энгил табиатлилар бунга ишониб, мақтовлардан оғзининг таноби қочади.

17. Дунё – катта кўл,
Замон – эсган ел.
Олдинги тўлқин – акалар,
Кейинги тўлқин – укалар.
Навбат билан ўтарлар,
Аввалгидай кўринар,

18. Бахти кулган подшодан.
Ақли бутун гадо яхши,
Соқолин сотган қаридан
Меҳнатин сотган гўдак яхши.

19. Ўзига тўқ тиланчи – одамнинг шайтони,
Харакатсиз сўфи – мўлтони.

20. Ёмон дўст – кўланка:
Бошингни қуёш куйдирганда,
Қочиб қутулолмайсан,
Бошинг узра булут тўпланса,
Излаб ҳам тополмайсан.

21. Дўсти йўқ билан сирлаш,
Дўсти кўп билан сийлаш,
Қайғусиздан йироқ бўл,
Қайғулига яқин бўл.

22. Кучсиз жаҳл – фойдасиз,
Ишончсиз муҳаббат – самарасиз,
Шогирдсиз олим – мевасиз.

23. Бахтли кунларга эришгунигча ўзинг-ўзингга бахт
тилайсан, бошқалар ҳам сенга тилакдош бўлади, бахтга
эришгач, фақат ўзинггина тилайсан холос.

ЎТТИЗ САККИЗИНЧИ СЎЗ

Эй, юрагимнинг қуввати бўлган, фарзандларим! Сизлар
учун инсон етуклигининг тартиб-қоидалари, хулқ-атвори
ҳақида озгина сўз қоралаб, ёдгорлик қолдирайин. Ихлос
билан ўқиб ўқиб олинг, қалбингиз покланиб, муҳаббатга
тўлади. Аввалом бор одамнинг инсонийлиги, ақл, илм
билан ўлчанади. Муҳаббатнинг пайдо бўлишига сабаб эса
ҳаваси солим ва саломатликдир. Бу нарсалар туғма пайдо
бўлади, бошқалари эса яхши ота-она, яхши тенгдошлар,

яхши устоздан ўтади. Истак, тушунча муҳаббатдан пайдо бўлади. Илм-фанга нисбатан бўлган муҳаббат юқорида келтирилган учта нарсадан юзага келади. Илм-фанни бола дастлаб ўзи излаб топмайди. Дастлаб зўрлик билан ёки алдаб одатлантириш керак, токи кейинчалик ўзи ҳавас билан ўрганадиган бўлсин. Қачонки бола илм-фанни муҳаббат билан, қизиқиш билан ўрганса, изласа, шундагина у инсон деган номга лойиқ бўлади. Шундан сўнг олло таолони, ўзини, теварак-атрофдагиларни танийдиган, ўз-ўзини англаб, дунёни танимоқлик, инсонийлигига путур етказмай фойда келтириш, зарарнинг ўрнини тўлдириш кабиларни фарқлаш илмларни ўрганса, уятга қолдирмайдиган фарзанд бўла олади деб умид қилса арзийди. Йўқса, ундан умид қилишга арзймайди, олган билими чала бўлади. Афсуски, баъзи ота-оналар фарзандларига яхши тарбия беролмай, айрим ҳолларда хиёнатга ўргатиб, сўнг мулланинг қўлига топширади ёки болаларнинг ўзлари мулла олдига боради. Бундан ҳеч қандай натижа чиқмайди.

Бундай ёмон фазилатларга ўрганиб қолган болаларнинг илмга ҳам, устозга ҳам, ҳатто имон-эътиқодга ҳам муносабати хиёнаткорона бўлади. Бундай хиёнаткорлар – ярим одам, ярим мулла, ярим мусулмон. Уларнинг инсон бўлиб камолотга эришиши жуда мушкул. Чунки олло таолонинг ўзи – ҳақиқат ва тўғрилиқнинг раҳнамоси. Хиёнат – ҳақиқат ва тўғрилиқнинг душмани. Душман орқали таклиф қилсанг, дўстинг келадими? Кўнгилда ўзга муҳаббат турганда, ҳақликни изламайди. Одамнинг илми, билими ҳақиқатга, тўғрилиқка иштиёқ бўлиб, ҳар бир нарсанинг замирини, мазмунини билишга тиришиш орқали пайдо бўлади. Бу – оллодан келган илм эмас, ҳамма билиши керак бўлган илмга ҳавас, бундай одам бошқаларга ҳам ўзиники каби билим бера олади. Бу нарса унинг учун оллога бўлган муҳаббатдир. Аввало оллонини севмоқлик даркор. Илм оллонинг яратган каромати бўлиб, у – ҳақиқат, унга нисбатан муҳаббатнинг ўзи ҳақлик ва инсонийликдир.

Акс ҳолда бойлик орттирмоқлик, шуҳрат қозонмоқлик, иззат-ҳурматга сазовор бўлмоқлик каби нарсаларнинг муҳаббати билан илм-фаннинг ҳақиқати очилмайди.

Бойлик, шуҳрат, иззат-ҳурматнинг ўзи одамни излаб топсагина, инсонийлиги ортади ва бошқаларга намуна бўла олади. Агар одамнинг ўзи уларга қарам бўлиб, мойиллик

билдирса, илмли бўлса-да, бўлмаса-да, инсонийлиги йўқолади. Шундай экан, ҳақиқатни севиб, ростгўй бўлиш истагинг бор экан, инсонийликка лойиқ ихлосмандликларни қулоғингга кўйиб ол. Аввало ислом дини йўлидаги бандаларни имоннинг ҳақиқати нима эканлигини билсин. Имон – бу фақат аҳилликнинг ўзигина эмас, сен олло таолонинг танҳолигига, қуръоннинг унинг сўзи эканлигига ва пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллалоҳу алайҳи ва саллом унинг томонидан юборилган элчи эканлигига ишонч. Қани, нимани тушундинг? Сен олло таолога олло таоло учун имон келтирасанми ёки ўзинг учун имон келтирасанми? Сен имон келтирмасанг ҳам олло таолонинг ҳеч бир нуқсони йўқ эди. Ўзинг учун имон келтирсанг, ишонганингми? Бундай ишончини қуруққина ишонч билан адо этсанг, сенга фойдаси бўлмайди. Чунки сен ўз ишончингдан тўғри фойдалана олмадинг; фойдаланаман десанг имкон берилади, имон комил бўлади. Бунинг учун қандай фойдаланишни билмоқ керак.

Сиз «Омангу биллоҳи камаи ва би исмаи ва сифати»¹ дедингиз. Бу исм олло таолонинг фиғил азимларининг номлари, уларнинг маъноларини бил ва саккизта хусусиятини нима эканлигини ишонч билан ўрган. Ўзингни унинг қули билиб, ўзингни муслим деб ата, ишончингиз чин бўлсин. Ўз феъл-атворингизни бевосита унга ўхшаши бўлишини шарт деб бил. Олло таолога ўхшай олармидим деб, нодонлик билан ёмон хаёлларга борма, ўхшашлик – худди шундай бўлиш керак дегани эмас, балки унга эргашмоқликдир. Бунинг учун олло таолонинг хусусиятлари: Ҳаёт, Илм, Қудрат, Басар², Самиг³, Ирода, Қалом, Такин⁴, кабиларни билиш керак. Бу саккизта хусусиятдан олло таолонинг камолат-азамати⁵ муваффақият каби хусусиятга эга бўлмаса-да, бандасининг ҳар бирини ўзига хос қилиб яратди. Хўш, биз ўз жисмимиздаги саккизта заррага ўхшаш хусусиятларимизни олло таолонинг саккизта муқаддас хусусиятларига тенглаб, бошқа йўлга

¹Мен оллоҳга, шунингдек унинг исмлари ва қудратли хусусиятларига ишонаман

²Идрок

³Танувчи

⁴Яратмоқ

⁵Муқаддас

кирсак, бизнинг номимиз мусулмон бўла оладими? Мусулмон бўлмайди. Хўш, энди бу саккизта хусусиятга эга бўлганимизни ва шу хусусиятлари билан танилган фиғил худога, феъллимизни қандай йўл билан яхши кўрсатишимизни, нима қилишимиз кераклигини билиб олишимиз даркор. Бу олло таолога хос бўлган нарса, ҳеч қандай ортиқча сифатга мухтож эмас, аксинча бизнинг вужудимиз унга мухтож, юқорида келтирилган хусусиятлар билан таърифлаш уни танимоқ учун керак. Мабодо бундай хусусиятлар орқали таърифламасак, биз учун олло таолони таниш мушкул бўлади. Биз олло таолони ўзи билганича биламиз холос, уни тўлиқ билишнинг имкони йўқ. Келиб чиқиши у ёқда турсин, кароматларига ҳақ бир ҳақимнинг ақли етган эмас. Олло толонинг ақли чексиз, бизнинг ақлимиз эса чегараланган. Чексизлик билан чегараланганликни қандай эканини билиш мумкин эмас. Биз олло таоло «танҳо» деймиз, «мавжуд» деймиз, у «танҳо» деганимиз ҳам – вужудимизни енгиллаштириш учун айтилган сўз. Аксинча, уни «танҳо» деб аташ ҳам олло таолога лойиқ сўз эмас. Унинг танҳолик имконияти замирида бирор нарсанинг вужуди бор бўлса, у танҳоликдан холи бўлолмайди. Ҳар бир ҳадисда айтилган эски гапларга таъриф берилмайди. Бу «танҳо» деган сўз олам ичида, олам олло таолонинг ичида, худо тобарақа ва таоло китобларида саккиз муқим хусусиятлар ва тўксон тўқкизта муносиб исмлар келтирилган. Буларнинг ҳаммаси олло таолонинг ўз аниқ сифатларидир. Бу ўринда мен сизларга тўртта сифати устида тўхталаман. Уларнинг иккитаси – илм ва қудрат. Саккизта сифатидан номлари – уларга берилган изох. Шу оллитасидан биттаси – ҳаёт, яни тириклик.

Оллони бор дедик, танҳо дедик, илм, қудрат сифати билан таърифладик. Бу танҳолик, борлик илмли, қудратли бўлиш кучли нарсаларми? Албатта, илм қудрати бор нарса: яъни ҳаёт – маълум, танҳолик – ирода, яъни истак. Илм бор бўлса, истак ҳам бўлади. У ҳеч бир нарсага ҳаракат бермайди. Ҳаракатлантирувчи яратганнинг ўзи. У ирода илмининг бир сифати қалом, яъни сўз дегани, сўз эса ҳарфсиз, товушсиз содир бўла олармиди? Оллонинг сўзи эса ҳарфсиз, товушсиздир. Демак, шундай экан, айтганидек қилиб ўргатадиган қудратли ва басар, самиф, яъни кўрувчи, эшитувчи каби қобилиятлари мавжуд деб билмоқ керак.

Олло таолонинг кўриш, эшитиш қобилиятлари биз каби кўз билан кўриш, қулоқ билан эшитиш эмас, балки худди кўргандек, эшитгандек сезадиган каромати бўлган сифатга эгалигидир. Кейингиси – таквин, яъни яратувчи деган маънони англатади. Агар унинг яратувчилиги ўзига хос бир каромати бўлса, олло таолонинг бу каромати ўзи каби кўхна, азалий ва абадийдир ва ҳамisha яратувчиликдан холи бўлмайди, демак, бир каромати иккинчи кароматидан кўп ёки кам бўлмайди. Шундай экан, илм, қудратлилик кароматлари каби ҳар доим яратиб борса эди, бирон ихтиёрсизлик келиб чиққан бўлар эди. Бу ихтиёрсизлик олло таоло учун муносиб эмас. Унинг яратувчанлик қудратига берилган изоҳгина холос. Бу илмида ва қудратида ҳеч қандай чекланганлик, илмда ғафлат, қудратда уқувсизлик, ночорлик йўқ. Буни яхшилик қилиш суннати-дан билиб оласиз. Бу кўзга кўринган, кўнгил билан сезилган илмни қандай каромат билан яратиб, қандай қудрат билан жойлаштирганига одамнинг ақли етмайди. Бироқ бандаси учун ақл-идрок, ҳаракат, куч-қувват хизмат қилади. Ўйлаб қарасанг: олло толонинг сифатлари шундай бўлиши кераклигига амин бўласан. Аммо юкорида айтганимиздек: илм, қудрат – бизнинг тушунчамизда бу икки нарса мавжуд экан, бу илмий қудрат бўлиши керак. Акс ҳолда бу сифатлар ўзаро бири табиғ¹, иккинчиси раббига² бўлиб қоларди. Бу эса олло таолога таъриф бериш учун тўғри келмайди. Саккизта сифатга эга бўлиб ҳамда бу сифатлар «Лаъайру ва ла ху»³ ҳам, ўзи ҳам эмас бўлиб, яъни улардан жамоат ва жамият ўз ҳолича ажралиб чиқади. Бундай бўлиши эса ўринсиз. Агар бу сифатларни ҳар бирини алоҳида десак, кўп нарсалардан йиғилиб, бирлашган худо бўлар эди. Бундай дейиш хато бўлади.

Одамнинг қудрати унинг ақли ва билими билан ўлчанади. Олло таолонинг илмида раҳмдиллик ҳам ўз ифодасини топган. Раҳмдиллик саккизта сифат орасида баён этилмасанда, у фикран мавжудлиги Раҳмон, Раҳим, Ғафур, Вадуд, Ҳафиз, Саттор, Раззоқ, Нафиг, Вакил, Латиф деган номларидан англашилиб туради. олло таолога нисбатан

¹эрувчи

²эритувчи

³бошқа

берилган бу номлар менинг фикрларимни тўла тасдиқлайди. Менинг фикрий далилим худо таоло бу оламни ақл бовар қилмас даражада, бири иккинчисидан фойдаланадиган қилиб яратган. Жонсиз жисмлардан фойдалансин деб, хайвонларни яратди, жонли хайвонлардан фойдалансин деган мақсадда ақлли инсонни яратди.

Ҳайвонларни озиклантирадиган жонсиз нарсалар жисмини оғримайдиган, жони бор бўлган хайвонларни ақл эгаси бўлган одам учун озуқа қилиб, ҳамда уларни машҳарда жавоб бермайдиган қилиб, одамни эса буларнинг ҳаммасидан фойдалана олувчи ақл-идрокли қилиб яратди.

Одамни машҳарда жавоб берадиган қилиб яратилишида ҳам адолат, ҳам муҳаббат мавжуд. Одамни қурт-қумурска, қушлар ва бошқа хайвонлардан бўлакча яратиб, унга гўзал қиёфа бериб, икки оёққа тургазиб, бошини танасининг юқорисига жойлаб, дунёга боқувчан қилиб, ўзга хайвонлар каби овқатини ўз боши билан эмас, икки қўлини боши учун хизмат этадиган қилиб, қўли оғзига овқат келтирганида нима ичиб, нима еганини билмай қолмасин деб, ҳидини сезиб лаззат топадиган қилиб, оғзининг тепасига бурунни жойлаб, унинг устига тозалигини кўрсин учун икки кўз бериб, бу кўзларни ёмондан сақлаб турсин деб қовоқ бериб, бу қовоқларни очиб-ёпиб турганда бир-бирига ишқаланмасин учун киприк ясаб, пешона тери кўзига оқиб тушмасин деб, қош бериб, унинг чехрасини гўзал қилиб, ёлғиз кишининг қўлидан келмайдиган ишни кўплашиб бажармоқ учун, ўз фикрини иккинчи бир кишига етказмоқ учун, тилига сўз бериб яратганлиги унинг муҳаббати эмасми? Ким сенга иззат-ҳурмат кўрсатса, сен ҳам иззат-ҳурмат билан жавоб қайтаришинг фарз эмасми?

Ақл кўзи билан назар сол: қуёш сувни қиздириб, денгиздан булут ҳосил қилади ва бу булутлардан ёмғир ёғиб ер юзидаги турли экинларни ривожлантиради. Озиқ-овқат етиштириб, кўзга ҳам, қўнғилга ҳам роҳат бахш этувчи гулларни, дов-дарахтларни, шакарқамишни ундириб, турли-туман наботатларни етиштиради. Ҳайвонларни асраб, булоқларни окизиб, дарё ҳосил қилиб, хайвонлар ва паррандаларга сувсин, балиқларга макон қилиб яратган. Одамни ерда етиштирилган нонни, пахтаси, каноци, меваси, ер ости бойликлари билан таъминласа, гуллаган чўлни, қушлар патини, гўштини, тухумини; хайвонлар гўштини,

сутини, кучини, кўркини, терисини; сув балиғини, балиқлар увилдиригини, хатто ари асали билан муми, курт ипагини одамнинг фойдаси учун яратди. Булар орасида мен яратганман деб даъво қиладиган нарса йўқ, ҳаммаси – одам учун тугалмас озиқ.

Миллионлаган ҳикмат билан ясалган машина, фабрикалар одамнинг роҳати, фойдаси учун яратилган бўлса, бу кашфиёт одамга нисбатан зўр муҳаббатнинг далолати эмасми? Ким сени севса, сен ҳам уни севишинг керак эмасми? Одамзод ўз қаноатсизлиги билан ҳайвонлар наслини кириб, жабр қилмаслиги учун, уларни очкўзликдан муҳофаза қилиб, бирини кучли, бирини учқур қилиб, бирини осмонда парвоз қилувчи этиб, бирини баланд қояга жойлаштириб, яна бирини чуқур сув остига, бирини ўрмонга жойлаштириб, уларнинг эркин ривожланишини таъминлаб, одам уларни ўз мақсадларида истаганича истеъмол қилсин дебгина эмас, балки ғамхўрлик кўрсатсин, уларни туганмас наслига битмас озуқа бўлсин деб шафқат кўрсатди. Бу ҳикматларда марҳамат ва адолат зоҳир мавжудлиги кўриниб турибди.

Биз давраларда яхшилик ва адолат имони шарият талабларидан бири эканлиги ҳақида ўйлаб кўрмаймиз, бунинг учун муслим бўлганда, олло таолога итоат этиб, унинг йўлида бўлишимиз керак эди, қани шундай бўлганимиз? Биз олло таоло кўрсатган ҳақ йўлидаммизми? Ахир олло таолонинг қуёш билан ойни яратиб қўйганлиги бизга кўрсатган ғамхўрлиги эмасми? Олло таолонинг бу ишларидан хулоса чиқармаймиз, ўзгаларга ҳасад қиламиз, олло таоло йўлида эса хизмат қилолмаймиз. Бу гуноҳ эмасми? Ким ёмонликка йўл берса, унга қаршилиқ кўрсатмаса, у ўзини чин мусулмонман деб ҳисобламасин ёки у чала мусулмон. Олло табарака ва таолонинг бандалари учун кўрсатган одил йўли қайси? Уни кўпчилик билмайди. Мен пайғамбаримизнинг ҳадисида айтилган «Тафаккуру фиъал иллоҳи», «инна оллоҳу йухуббул муқситин» деган сўзларига ихлос билан, чин дилдан ишониб, мушоҳада қилган одамни учратганим йўқ. Қуръонда баён этилган «Ата муррин ан-наса би-л-бирри ва аҳсану. Инна оллоҳу йухаббу-л-муҳсинин», «ва аллазина аманту ва амилу с-салихати л-алайка с-хабул жаннатихум фиха халидун» деган оятлар, Қуръонда бир неча бор такрорланган «ғамалус-салих» деган сўзларнинг маънолари-

ни билмаймиз. «Ва ал-лазина аману ва ғамилу с-салихати ғайваффим вужурахум ва аллоху ла йухббуз-залимин» деган оятида «ғамалус-салих» яъни золимликка зид дейилган. Мабодо кимнингдир адолатга нисбатан интилиши йўқ экан, унинг ҳаёси бўлмайди, кимда ҳаё йўқ экан, унда имон бўлмайди дейилган пайғамбаримиз саллаллоху алайхи ва салломнинг хадиси шарифларида. Яна бу ерда «ман-ла хаёун лаху» дегани бунга далил бўлади. Демак, имон фақат ишончнинг ўзи билан юзага келмай, балки адолат воситасида ҳам қарор топар экан. Ғамалус-салих адолатли, марҳаматли бўлмоқ учун фақат жисмонан қилинган сиғинишнинг ҳеч бири адолат ва марҳаматни юзага келтирмайди. Бунга далил келтириш шарт эмас, чунки намоз ўқувчиларни, рўза тутувчиларни нима қилаётганини ҳар куни кўрамыз.

Адолат барча эзгуликларнинг онасидир. Инсоф, орномус кабилар адолатнинг меваси ҳисобланади. Шунинг учун адолатли кишининг кўнглида: «Нима учун мен бошқаларнинг эзгу ишларини қўллаб-қувватламайман, ўзим ҳам шулар орасида бўлмайман», – деган ҳаёл кечади. Ахир шунинг ўзи унинг адолатпарвар эканлигига далил эмасми? Шунинг ўзи адолатнинг бошланиши эмасми? Бундай фазилат эгаси бўлган, шундай ҳаёлга борган киши халлоқнинг шукрига нега эга бўлмасин?

Шукрликка интилиш оз нарсага қаноатланишдан туғилади. Шундай экан зинҳор-базинҳор адолатни унутманг, чунки адолат бўлмаган ерга ишонч ҳам, имон ҳам, одамийлик ҳам қадам босмайди. Сўфи Оллоёр айтганидек, битта иллат юзтасини етаклаб келади. Бизнинг аввал бошдаги таърифимизда худо таоло илмли, раҳмдил, адолатли, қудратли деган эдик. Бу белгилар уч хил сифатга эга. Сен ҳам бу илм, раҳмдиллик, адолат каби уч белги билан сифатландинг: ижтиҳодни шарт этдинг, мусулмон бўлдинг ва тўла инсонийликка эришдинг. Маълумки, кенг феъллик сийдик, қарам, ақллилик каби уч хил сифатларга эга бўлади. Адолатпарварлик ҳалолликни, раҳмдилликни юзага келтиради. Ақл эса биз билганимиздек илмнинг маҳсулидир. Ҳар бир одам оз бўлсада бу фазилатларга эга; унинг бурчи – бу фазилатларини такомиллаштирмоқлик, уларни эзгулик йўлига бошламоқлик ва эҳтиёт қилмоқликдан иборатдир. Буларга эришмоқ учун тинимсиз машаққат ва кучли ирода бўлмоғи даркор. Бундай хислатларга пайғамбар, сўнгра

азиз авлиёлар, уламолар ва чин мусулмонлар эга бўла олади. Бу хислатлар худо таолога итоат этмоқлик учун, уни севмоқ учун қабулланади деб пайғамбаримиз таъкидлаган. Бирок уларнинг бу муҳаббати охираатдагина фойда беради. Уламоларнинг муҳаббати шу даражага етадики, ҳатто дунёни, дунёдаги ҳаётни ҳам унутади, у билан ҳисоблашмайди.

Ҳақимлар бу дунёда тегадиган фойда ҳақида сўз юритади, ибрат кўзи билан қараганда, ҳар иккаласи бир-бирини инкор этмайди. Ҳар иккала томоннинг сўзи ва гапи бошқа-бошқа бўлса-да, олло таолонинг суннатига кўра фикр юритишни ҳар иккаласи эътироф этади. Фикрлаш – бу ибрат бўлса ажаб эмас. Бу ақл, илм – ҳар бири ўзини кучли деб билишни, золимликни, одам ўзи каби одамни алдашини ёқтирмайди. Бундай адолатлилиқ ҳар иккаласини ҳам марҳаматли, шафоатли бўлишини талаб қилади, бу раҳим бўлса керак. Аммо менинг фикримча, бу икки тоифа ҳар бири ўз нафсониятини фидо қилувчилар бўлиши керак, яъни инсонийликнинг камолоти авлиёликдан иборат бўлса, кўпчилик тарки дунё қилиб, хув деб тариқатга кирса, бу дунё остин-устун бўлар эди. Агар шудай бўлса, ким мол боқади, ёвни ким тўхтадади, ғаллани ким экади, дунёдаги оллонинг бандалари учун яратган хазиналарни ким излайди? Ҳаром билан макруҳ бу ёққа турсин, худо таолонинг қудрати билан, иждиҳод ақли билан топиб, роҳатини кўриш учун яратиб берган неъматларига, уларни кўриш хузур-ҳаловатига совуққонлик билан қараб, эътиборсиз ташлаб кетиш ақлга, одобга, инсофга хосми?

Соҳиби неъматга шукрлик бўлмаса, гуноҳ эмасми? Иккинчи – бу йўлга кирганлар хор бўлиб, дунёдан йўқолиб кетиш ҳам хавфи бор, ва кофирларга ем бўлиб кетиши ҳам, баъзи бесабрлари йўлдан адашиб, бир қарорда тураман дейдилар ҳам. Борди-ю бу йўл ярми-ёрти тушунчага эга бўлганларгагина айтилган бўлса, ярим-ёрти чин дунё бўлармиди? Чин бўлса, барчага бирдек чин бўлсин, олалаш чин бўлармиди ё адолат бўлармиди? Агар бундай бўлса, бу элда ҳаёт бўлар эди. Ҳаётнинг ўзи – ҳақиқат. Қаерда ҳаёт бўлмаса, у ерда камолот йўқ.

Аммо азиз авлиёларнинг ҳаммаси бир хил тарки дунё қилган эмас эди. Маълумки, пайғамбаримизнинг учта энг яқин туғишганлари ҳазрат Усмон, Абдурахмон бин Авф ва Саид бин Абдукаслар ҳам бой-бадавлат бўлган.

Уларнинг бундай йўл тутишларини ўз кучига ишонмасликлари билан, бойликка хирс қўйиши алданиб қолишлари орқали изоҳлаш мумкин ёки улар одамлар эътиборини чалғитиб, уларнинг бойликларини худо таолонинг иноми сифатида изоҳлашлари билан баён қилиш мумкин. Шундай экан, бир замонлари халққа кўрсатган ортиқ муҳаббати ҳисобга ўтадимми? Аммо бу йўл – жуда нозик йўл. Бу йўлда рнийёкорликсиз, енгил табиатсиз бир қарорда туриб излаган кишигина камолотга етишади. Бу замонда нодир, барча билимларнинг кучлилиги сиддиқ ғайратнинг ҳам кучлилиги, халлоққа бўлган кучли муҳаббатнинг мавжудлиги ва халқнинг оламга бўлган кучли муҳаббати мужассамланмоғи керак.

Буларнинг бир жойда тўпланиши қийин, балки бундай одамлар фитначига айланиб қолиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Ўзига зеб бермоқлик – одамни бузади. Ҳар бир нодоннинг бир тариқатга кирдик деб юргани биз бузилдик дегани билан баробар. Ҳақим, олим аслида бир сўз, бироқ билиш дегани бошқа нарса.

Дунёда илми-зохир деган нарса бор, у бизга авлоддан-авлодга ўтиб, етиб келади. У нақлия яъни анъанавий илм деганидир. Бу нақлияга эга бўлганлар олим деб аталади. Худо тоборақа ва таоло ҳеч бир нарсани сабабсиз яратмаган, балки унинг йўлида хизмат қилувчиларни олло таолонинг қудратли кучи сирини ўрганмоқчи бўлган ҳаракатларидир ёки уларнинг олло таолога нисбатан чексиз муҳаббатлари оқибатида тўпланган илмлардир. Тўғри тушунча, чексиз ишонч, мамнуниятли ҳисийёт ва олло таолонинг ҳақлигини тан олиш орқали туғилган муҳаббатгина олқишга сазовор бўла олади. Уларнигина худонинг чин ошиқлари деб атай оламиз. Ана шунда уламо деган юксақ унвонга ўзининг мушоҳадаси, ақлини бахшида этиб, ходиса ҳамда нарсаларнинг ҳаммаси худо таоло томонидан яратилганлигини эътироф этган одам сазовор бўлади. Улар ҳақиқатни, адолатни юзага чиқара оладилар, улар инсоният фаровонлиги йўлида жон фидо қила оладилар. Бундай одамлар учун худо йўлида хизмат қилишдан ҳам қизиқарлироқ, қувончлироқ захмат йўқ.

Улар каби донишмандлар бўлмаса, дунё остин-устин бўлар эди. Бу каби ҳақиқий донишмандлар бутун ер юзидаги одамзоднинг таянчи ҳисобланади.

Уларнинг фаолияти бу дунёдаги ҳаётни охират учун тайёрланиш дегани каби ердаги фаравонликка қаратилган.

Донишмандларнинг ҳаммаси – олим, олимларнинг ҳаммаси донишманд эмас. Олимларнинг нақли билан мусулмонлар имони тақлидни қабул қилган бўлса, донишманд ҳақимлар ҳикмати орқали имони яқинга эришди. Ҳақимларнинг мусулмончилик йўлига барча фикрларини бахш эта олганлари бунга эришади. Арзимас нарсалар билан машғул бўлган олимлар эса дин асосларини билмайди. Шундай бўлса-да, улар ҳақиқатга эришиб, олам ва инсониятнинг турмуш тарзи сир-асрорларини оча билади. Улар шариатнинг етти шартидан фақатгина олло таолони тан олади, олло таоло тарафдорлари, қолган олтитасига шубҳа билан қарайди. Улар бизнинг диний устозларимиз бўлмаса-да, дин раҳномоси, худонинг элчиси пайғамбаримизнинг ҳадиси шарифида, хайрун нас ман йанфагунас, яъни атрофимиздагиларга фойда келтирадиганлар одамларнинг яхшиси деб таъкидлаганидек мақтовга сазовор.

Бу каби ҳақимлар инсоният учун фойдали кашфиётлар яратиш йўлида чарчаш нималигини, уйқу, роҳат-фароғатни билмайди. Улар электрни ихтиро қилди, узок масофадан туриб алоқа ўрнатиш воситасини топди. Ўт ва сувни одам учун хизмат қилдирди. Улар одам ақлини ривожлантирмоқда, бизни яхши билан ёмоннинг фарқини англашимизга ўргатмоқдаки, сўзсиз биз улардан миннатдор бўлишимиз керак.

Ҳозирги замоннинг муллалари – олимларнинг душмани. Бу улардан билимсизлиги, жоҳиллигининг далилидир. Уларнинг шогирдларининг кўпчилиги сал-пал арабча, форсча тил билса, битта-яримта арзимас сўзни беҳос билиб олса, шунга хурсанд бўлиб, ўзига бино қўйиб, халққа фойдаси тегмоқлик у ёқда турсин, турли зиён-заҳматлар етказиб юрибди. Ўзларининг мақтанчоқлиги билан халқни йўлдан чалғитиб бўлди. Уларнинг кўпчилиги жоҳилгина эмас, балки бузуқилардир. Кеч эмас, бундайлар ҳали ҳам инсофга келиб, тўғри йўлга тушиб олишлари керак. Рост сўзга чоҳ қовлаб, тўр ясамоқ инсофданми? Бу ўзбошимчликдан бошқа нарса эмас. Ростнинг яна бир номи – ҳақ, ҳақнинг номи – оллох, бунга қарши туриб эмас, адолат билан тушунмоқ керак.

Бундай кишиларда куфрлик хавфи мавжуд бўлади. Яъни пайгамбаримиз саллаллоху алайҳи ва саллом «охир замонда бир йиллик бир кун бўлар» деганида саҳобаи карамлари «бундай йиллик кунда намоз қанча бўлади?» деб сўраганда унинг фатвосини шу замоннинг олимлари билади деган жавобидан ибрат олиб кўрадиган бўлсак, замон ўзгарса-да, қонун-қоидалар ўзгаришсиз қолиши маълум бўлади.

Бугунги кунда таҳсил бериш мадрасалар зиммасида бўлиб, уларнинг замон талабларига жавоб беришга қудратлари етмайди. Усмонияда янги замонавий мактаблар очилиб, диний билимлар билан бир қаторда ҳарбий ва бошқа дунёвий илмлар ҳам ўргатилмоқда. Бизнинг ёшларимиз мадрасаларда ўз умрини беҳуда ўтказиб, у ердан нодон бўлиб, ҳеч нимага ақли етмайдиган, меҳнат қилишга яроқсиз бўлиб чиқмоқда ва қолган умрини ёлғончилик, одамларни алдаш билан ўтказмоқда. Уларнинг қилган насихатларининг ҳам таъсири бўлмайди.

Дунёнинг гўзаллиги одам ақлига ақл қўшади. Етишмовчилик одамни ўз қиёфасидан жудо қилиб, ҳайвон сифат ҳолга тушириб қўйиши ҳам мумкин. Дунёвий илмларни ўрганишга иштиёқсизлик нодонлик аломатидир, бу фикр Қуръони каримда ҳам эътироф этилган.

Ҳукмронлик қилиш мақсадида орттирилган бойлик билан бева-бечораларга кўмак бериш ва бошқаларга боқиманда бўлмаслик учун орттирилган бойликнинг бир-бирдан фарқи катта.

Биз илмни сотиб кун кўришга ҳаракат қилмаймиз. Аксинча, бойликни фан йўлида янги билимлар ўрганиш мақсадида сарфлашимиз керак. Санъат – бойлик, уни ўрганмоқ энг олижаноб иш. Билим адолат учун ва худо таоло қонун талабларига жавоб бермоқ учун хизмат қилмоғи даркор. Одам ўзгаларнинг хайрхоҳлигидан ғурурланибгина қолмай, балки ўзи ҳам хайрхоҳлик кўрсатиши шарт.

Муллалар ҳақида гап юритишдан аввал сизларга уқтирадиган сўзим – бу замоннинг эшонларидан эҳтиёт бўлинглар. Улар бузук уламолар, улардан бузукчиликдан бошқа ҳеч нима умид қилиб бўлмайди. Ўзлари шариат қонун-қоидаларини тўлиқ билмайди, кўпчилиги нодон. Яна бунинг устига ўзини сўфилик йўлидаги киши ҳисоблаб, бировларга дуо қилади. Бу иш уларга тааллуқли эмас, шунинг учун ўқиган дуолари фойда бермайди. Улар одам-

ларни йўлдан чалғитувчилар, ҳатто динга ҳам зарарлидир. Улар нодонларга суянади, ёлғон сўзлаб, уларни алдайди.

Фарзандларим, яхшилаб билиб олинг, худо таолонинг йўли ниҳоясиздир. Унинг охирига ҳеч ким етолмаган. Ким бу йўлга юраман деб ният билан қадам босса, у асл мусулмон, етук инсон ҳисобланади. Яшашдан асл мақсаднинг ўз манфаатинг учун бўлса, ўзинг учун ният қилсанг бу йўл худонинг йўли эмас. Оламдан йиғилиб менга қуйилсин, ўтирган жойимга оқиб келаверсин демоқликда инсоф борми? Қандай бўлмасин, бойлик, адолат, шафқат билан бировларга яхшилик қилиш мақсаднинг бўлса, бу йўл худонинг йўлидир. У ниҳояси йўқ йўл, бу ниҳоясиз йўлга қадам ташлаган экансан, ниҳоясиз худога яқинлашиб, унинг қули бўлмоқлик умидинг бор экан, бошқа йўлни орзу қилишнинг нима зарурати бор?

Баъзиларнинг қобилияти ва мақсади ўзининг ташқи қиёфасини безантиришга қаратилган бўлиб, кийими, юриш-туришига алоҳида зеб бериб, буни ўзларининг катта ютуқлари деб мағрурланади. Бу ишлар фақатгина ўзини кўз-кўз қилиш, ўзини бозорга солиш, ақли кўзига жойлашган аҳмоқларни қойил қолдириб, уларнинг «баракалла» деган олқишига сазовор бўлишликдир. Баъзилар «Қани эди, биз ҳам шундай бўлсак» деб ҳавас қилса-ю, баъзилар «Биз нега шундай бўлолмаймиз» деб куйинса, бундан қандай фойда келади?

Атрофдагиларга яхши кўриниш учун қанча куч сарфланди! Одамнинг қадри унинг ташқи кўриниши билан ўлчанмайди, балки фикрининг теранлиги, худога сиғиниши билан ўлчанади. Бу каби ойнага сиғинадиганларнинг ақли нимага ҳам етар эди. Инсон ақли яхшиликка бўлган чексиз муҳаббати орқали ривожланади.

Худо таоло дунёни, одамлар яхши ҳаёт кечирсин деб, юксак маҳорат билан яратган. Дўстлар сонини кўпайтирмақ – бизнинг олий бурчимиз. Бу бизнинг дўстларимизни чин дилда қабул қилишимизга боғлиқ. Сен кимга дўстлик кўрсатсанг, у ҳам сенга шундай жавоб қайтаради. Бировга ёмонлик соғинмасликдан, ўзингга аро бераман деб, тилинг ёки ножўя ҳаракатинг билан ундан ўзингни яхшироқ кўрсатмоқлик фикридан узоқ бўл.

Ўзини яхши кўрсатмоқлик ҳам уч хил бўлади:

Биринчиси – ҳар қандай одамни йўлдан оздирадиган ёмонликлардан юз ўгирмоқлик, кишига нур бағишлайди.

Иккинчиси – ўзини ўзи кўз-кўз қилиб, бошқалардан ортиқ кўрсатмоқлик кишининг нуруни йўқотиб, гулини сўлдиради.

Учинчиси – бахиллик билан бировнинг обрўсини ерга урмоқлик ва камситмоқлик икки ўртада адоват уйғотади.

Шунингдек, ўз-ўзини кўз-кўз қилиш мақтанчоқлик ҳисобланади. Ҳар қандай мақтанчоқлик бировдан ортаман деган ҳасадни юзага келтиради-да, ҳасаддан ҳасад туғилади. Бу уч иллатдан ҳоли бўлган одам хотиржам бўлади. Кўнгил осойишталиги яхшилик сари етаклайди. Инсон боласини хор-зор қиладиган учта нарса мавжуд бўлиб, улардан доим огоҳ бўлмоқ керак. Биринчиси – нодонлик, иккинчиси – эринчоқлик, учинчиси – золимлик.

Нодонлик – саводсизликдан келиб чиқади. Илм-билим-сиз дунёда мавжуд нарсалар моҳиятини билиш мумкин эмас.

Саводсизлик, илмсизлик – ҳайвонийлик билан тенг туради.

Эринчоқлик – дунёда бор бўлган барча касб-корликнинг душмани. Истеъдодсизлик, журъатсизлик, камбағалликлар эринчоқликнинг маҳсулидир.

Золимлик – инсоният душмани. Одам одамга душман бўлса, одамийликни йўқотади ва йиртқич ҳайвон сифат бўлиб қолади.

Буларнинг давоси, халққа муҳаббат, уларга меҳрибонлик кўрсатишга тайёр бўлмоқ, адолатни англай олувчи билимга эга бўлмоқликдир. Бу илмни худо йўлида сарфлаш керак, чунки худо таоло яратган нарсаларнинг ҳаммаси фойдалидир. Сен ҳам ўз фаолиятингда фойда келтирадиган жиҳатларни ўйла, ундан ҳеч кимга зарар тегмасин.

Маълумки, худо таоло ҳеч бир нарсани сабабсиз, мақсадсиз яратмаган. Барчаси ўз сабаби ва ўз мақсадига эга. Илм-билимга меҳр қўйган киши ҳар бир фаолиятнинг мақсадга эга бўлишини билиши керак. Пайгамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадиси шарифларида «Инна йагмала – аъмал бин ният» дейилган.

Модомики таҳорат олмоққа, намоз ўқимоққа, рўза тутмоққа ният қилибсиз, бу ниятингиз аниқ экан, ибодат қилмай қўйсангиз нима бўлади? Сизнинг ботиний жиҳатингиз тоза бўлиши аввало имон бўлиши учун зоҳирий ибодатингиз имонли бўлганидан сўнггина фарз бўлади, зоҳирий ибодатингиз – ботиний имоннинг қўланкаси ва шу имоннинг нур сочиб туриши учун буюрилган. Шунинг учун уламолар имон иккита эмас, битта, бироқ яхшилик ва сабр билан

нурланади, тоқат бўлмаса, хиралашади, гоҳа сўниш хавфи ҳам бўлади деганлар. Агар нодонлар бу ибодатнинг ички сирларини инобатга олмаса, уларнинг имони сўнади деган.

Баъзилар ибодат қилиш шу экан, худонинг бизга буюргани шундай экан, биз шуни бажарсак бас, муслмончилигимиз комил бўлади деб хаёл қилади. У ибодатнинг назоратчиси эди. Демак, назорат қилувчи кузатган нарсанинг тўлақонлилигини эмас, фақат сергак туришинигина кузатса, бу қандай назорат бўлади? Мақсад кузатилган нарсанинг тозаллиги, чин ихлос билан адо этилишини назорат қилиш эмасми? Эй, худонинг ишоратидан хабарсизлар, қаранг! Бу ибодатларнинг асосийларидан бири – намоз, намоздан олдин таҳорат олмоқлик, ундан кейин намозга шуруғ¹ таҳортдан олдингиси истинжа¹ бўлади. Буни яхшилаб эслаб ол. Сўнг икки оёққа масих² қилиш. Сизнинг кетингизни ҳеч кимга кераги бўлмаса ҳам, истинжада у жойингизни ювасиз. Шу билан ҳиссиётни тозалликка мойиллаштирганингизни комил ихлосини кўрсатиб, ичимнинг софлигини охирида халқ кўрар, сиртимни ҳам пок этаман ва кўзга кўринмайдиган аъзоларимни ҳам пок этаман, бу поклик билан оллога дуо айтаман деб тайёрланасиз.

Шундан сўнг юзимизни қиблага, олло таолонинг фарз этган томонига буриб, таъзим қилган чоғимизда олло таолонинг умр боқий эканлигини, ер юзида унинг қабри бўлишга арзийдиган жойнинг ўзи йўқ эканлигини ўйлаб, ибодатимиз унинг қулоғига етиб боришини умид қиламиз.

Намоз ўқиш Фотиҳа сурасидан бошланади. Бу жуда узоқ ва сермазмун ибодат. Қўлни тиззага қўйиш ҳар бир муслмоннинг олло таоло фазилатлари олдидаги таъзимининг белгисидир.

Сажда қилиб, ерга бош қўймоқлик одамнинг ердан яратилганлиги ва яна ерга қайтишининг далолатидир. Бош кўтариш, қайта тирилиб, охирагда жавоб беришнинг белгисидир.

Ибодатни яна бир сажда қилиш билан, худо ва унинг ердаги вакили пайғамбаримизга ҳамду санолар келтириш орқали ҳамда ер юзидаги барча муслмонларга тинчлик, ҳамжихатлик тилаб яқунлайсиз.

Хўш, бу насихатлардан қандай хулоса чиқардингиз?

¹бошлаш

¹ювиниш, тозаланиш

²таҳоратдан сўнг махсининг устидан нам қўл билан суртиш

ЎТТИЗ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЎЗ

Тўғри, биздан аввал ўтган ота-боболаримизнинг hozirги замондагилардан билими, ўзини-ўзи парваришлаши, муомаласи, тозалиги паст бўлган, бироқ бу замондагилардан устун келадиган иккита фазилатга эга эди. Ҳозирги кунда биз ўз ота-боболаримизнинг яхши жиҳатларини аста-секин унутиб қўймоқдамиз, юқорида айтилган икки фазилатни эса тамомила йўқотганмиз. Бугунги кундаги одамлар бошқача хулққа кириб бораётган пайтда ота-боболаримиздан қолган икки фазилатни йўқолтмай, уни сақлаб қолсак, биз ҳам эл қаторига қўшилар эдик, яхши хулқнинг бўлмагач, қилган ишимизнинг натижаси ҳам бўлмайди, шайтон йўлига кириб борамиз. Қадриятларимизнинг йўқолиб боришига ҳам бирдан-бир сабаб шу.

Бу икки фазилатларни билмоқчи бўлсангиз буларнинг биринчиси – илгарилари эл боши, тўп боши деган кишилар бўлар эди. Улар бирор жанжал, даъволашувлар бўлса, уларни мурасага келтириб, ўз қарамоғидагиларга раҳбарлик қилар эди. Оддий халқ эса ўз юмушлари билан машғул бўлиб, хотиржам ҳаёт кечирарди. Эл боши, тўп боши нима деса, қандай буюрса, унинг гапини икки қилмоқлик деган нарса бўлмас эди. «Ошиғингни улоқтир, олчи тушса, хожатингга ярат», «Ҳар ким ўз бошига бий бўлса, баланд тоққа сиғмайсан, бошлиғинг бўлса, ёнган ўтда куймайсан» деганлари каби сенга икки тизгин, бир чилвир бериб қўйгандан сўнг, етмаганни етказаман деб, ёмонликни яшираман деб тиришар эди. Одамлар уни ҳурмат-эҳтиром қилар, бири ўз жигарбанди, бирининг бойлиги унинг ҳам бойлиги бўлгач, уларнинг ғамини емай нима ҳам қилар эди?

Иккинчиси – ор-номус. Кимда-ким ўтган авлодларини номини эслаб, қариндош уруғларидан ёрдам сўраса, ҳеч ким қараб ўтирмас эди. Ҳаммаси ҳамжиҳатлик билан қўлидан келгунича ёрдам беришга ошиқарди.

Бу икки фазилат энди йўқ. Булар ор-номус, меҳрибонлик оқибатлари эди. Биз бугун уларни йўқотдик.

Ҳозирги одамларнинг биродарлиги – меҳр эмас, душманлиги – душманлик эмас, бир-бирини кўролмаслик.

ҚИРҚИНЧИ СЎЗ

Сизлардан сўрамоқчи бўлиб юрган саволларим бор эди.

Бизнинг бу қозоқларни ўлган кишини ёмонлайдигани бўлмаслиги, тирикларни ёмонлашдан холи бўлмаслигини қандай тушунса бўлади?

Кучдан қолган чоллар билан ёшлар ўзаро мурасага келади, лекин улар кўпгина ўз тенгқурларидан ажраб бораётган бўлса ҳам, бир-бирлари билан келиша олмаслигини қандай тушуниш керак?

Бегона бир юртдан келган кишини ўз туғишганимиздек кўриб, ўзимизнинг одамимиз бошқа юртга бориб келса, уни ўзимиздан узоқлаштиришга ҳаракат қилишимизни қандай англамоқ керак?

Бошқа юртнинг бир яхши кишисини кўрса, унга сажда қилгудай бўлиб, уни кўкларга кўтарамиз. Ўз элимиздаги ундан ҳам афзалроқ кишини назар-писанд қилмаслигимизни қандай изоҳлаш мумкин?

Бир бир саёҳатчи ўзга юртга борганда, ёлғон сўзлаб ўз элини мақтайди, қайтиб келгач, яна ёлғон сўзлаб ўзга элни мақташини қандай англамоқ керак?

Қайси қозоққа қарама, фарзанди ёшлигида унинг бошида парвона бўлади, ёши улғайгач, ундан совий бошлашининг сабаби нимада?

Баъзилар тўй, ўлим, ташвишли кунларингда кўринмайди. Бирон улуш олиш имкониятини сезиб қолса, дарров хозир у нозир бўлишига нима дейиш мумкин?

Пойгага от солганингда, отингни тортишмайдиган дўст, отинг ютиб чиқса, совриндан улуш бермаганингда ўпка-хонлик қилиши нимаси?

Қадимда одамлар фалон ёшимда отим касалланиб қолганда, фалон ерга етказиб кўйган эди, деб ўла-ўлгунча айтиб юрар эди. Ҳозир эса бу йил берганингни кейинги йилда эсдан чиқиб кетишини нима дейиш мумкин?

Бой боласи камбағаллашиб қолса, ўғирлик қилишдан уялмайди, меҳнат қилишдан уялишини қандай тушунса бўлади?

Икки яхши бир элда дўст бўлиб яшай олмайди, икки ярамаснинг бир товоқдан овқат ичишини нима деса бўлади?

Дўстим деб бировга от совға қилсанг, душманинг унга той бергани учун гинахонлик қилишингни қандай изоҳлаш мумкин?

Ҳар доим сўзингни ерга ташламайдиган дўстингдан бир марта сўзингни маъқуллаган душманингга жонинг ачишини қандай тушуниш керак?

Кўплар дўстимнинг омади юришсин демайди, мабодо омади юришса, ундан ортиқ душмани бўлмаслигини қандай тушуниш керак?

Баъзилар ақл ўргатадиган одамни излаб тополмайди-ю, феълингни рўй-рост кўрсатган одамдан қочилишингни қандай изоҳлаш мумкин?

Биров бировниқига меҳмон бўлиб келганда, сўйиш учун молини яйловдан олиб келади, баъзиларнинг уйига меҳмон келса, молини яйловга ҳайдаб юборишига нима дейиш мумкин?

Тинчлик излаб юрган халқ тинчликка эришгач, ундан зерикиб қолишини қандай тушунса бўлади?

Халқни пишиқ кишилар бошқаради, пишиқларнинг ҳаммаси камбағал бўлишини қандай тушуниш керак?

Тўқол хотин мағрур бўлишини, касалнинг мард бўлишини, камбағалнинг димоғдорлигини қандай тушунса бўлади?

Нафсини тийиб, ўзини тўхтатган кишини ёмон деб, нафсини бўш қўйган, мақтанчоқ ярамасни яхшига йўйишимизни қандай тушунмоқ керак?

Қозоқнинг рост сўзга ишонмай, унга қулоқ солмай, тинглашга вақт ҳам тополмай, ёлғон сўз, ғийбат сўзга эриб, бор бойлиги сувга оқиб кетса ҳам, уни жон қулоғи билан эшитиб бўлгунча ўтиришини қандай тушунса бўлади?

ҚИРҚ БИРИНЧИ СЎЗ

Қозоқларни ўқитаман, унга ақл ўргатаман, уни тўғри йўлга соламан деган киши учун икки нарса зарур бўлади.

Биринчидан – у ҳукмдор бўлмоғи керак. Шунда у катталарни қўрқитиб, ёш болаларни ўз ихтиёрига қўймай, қўлидан етаклаб, мадрасаларга бериб, бирини у, бирини бу йўлга солиб, дунёда беҳисоб бўлган илм йўлларига, шу соҳадаги мадрасаларга бўлиб, бирига сен бу илмни, иккинчисига сен бу илмни ўрган деб, ота-оналари маблағ билан таъминлаб турса, ҳатто қизларни ҳам ҳеч бўлмаса

исломий илмга йўллаб, динни танийдиган қилиб ўргатса, бу ёшлар улғайиб, ота-оналарини ўрнини босиб, юртимиз тузалар эди.

Иккинчидан – бундай одамнинг бойлиги беҳисоб бўлиши керак. Шунда у ота-оналарига пул бериш йўли билан болаларни ўз ихтиёрига олиб, ўқишга юбориб, юқорида айтилган йўлга солиб борсагина юрт тузалар эди.

Афсуски, халқни қўрқитиб, уни ўз йўлига рози қиладиган кучга ҳеч ким эга эмас. Қозоқларнинг ҳаммасига пул бериб, рози қиладиган бойлик бир кишида мужассам бўлиши ҳам мумкин эмас.

Қозоқларни қўрқитмасдан, пора бермасдан ёки ақл билан, ўлдириб ёки алдаб рози қилиш мумкин эмас. Суягига синган, отадан меърос бўлиб қолган, сут билан кирган нодонлик аллақачон одамийликни йўқотган.

Ўзларининг хою ҳаваси, миш-миши, мақтанчоқлиги, мағрурлигидан бошқа ҳеч бир қизиқ нарсани ўйламайди, ўйласа ҳам тан олмайди, агар бирон сўз айтсанг, тўлик тинглаб туролмайди ё кўзи, ё кўнгли аланглаб туради.

Нима қилиш керак, келажакда ким бўлдиқ?

ҚИРҚ ИККИНЧИ СЎЗ

Қозоқларнинг ёмонликка мойил келишининг ягона сабаби – бирон машғулотининг йўқлиги. Агар экин-тикин қилса ёки савдо билан шуғулланса, балки ёмонлик қилиш учун қўли бўшамасмиди? Улар у овулдан бу овулга бировдан ялиниб олган отни миниб, томоқ йиртиб, иғвогарлик, шумлик, айёрлик билан одамларни йўлдан оздириб ёки йўлдан оздирувчиларнинг қўлтиғига кириб, бекордан-бекор дайдиб юришга хумор.

Ўзини ҳалол меҳнати билан қун кечирирадиган киши бундай ҳаётни итдай хор-зорлик деб билиши керак эмасми? Бирор касб билан шуғулланиш ўрнига қўчама-қўча санқиб юрармиди?

Қўлида озми-кўпми бойлиги борлар борига шукур қилмай, бор нарсасини эҳтиёт қилиб сақлаш ўрнига молларини подачи ёки болаларига ташлаб, уларни ўғри, бўриларга ем қилиб, хою ҳавасга берилиб кетади. Улар мол-жонини ўғирлатганига ачинмайди, аммо сирли миш-мишлар, фитна, ғийбат олдида ўзларини йўқотиб, барчасини

унутади. Бир овулдан иккинчи овулга бориб, шумлик билан, текин томоқ еб, таралло қилиб юришдан воз кечолмайди. Чунки кўпчиликнинг одати шундай, ўз ишига пишик, мол боқишга, бойлик орттиришга уддабурон бўлган кишига кўшилмайди, бирор фалокатни бошлашга уста бўлганларнинг сўзларни халқ орасида тарқатиб, бировнинг устидан мазах қилувчиларга эргашади.

Шу сабабдан қозоқларнинг бирон иш қўлимдан келади дегани ўзининг озгина молини бировга боқтириб, ўз бошини эркин қилиб, миш-миш тарқатиб, сўз пойлаб, текин овқат пойлаб, дайдиб юради.

Булар бойликдан ҳам, ақл, обрўдан ҳам ғурурланмайди, шикоят қила олиш, алдай олиш – ғурур. Бу икки нарса қўлидан келадиган киши эътиборли, камбағал бўлса-да, ўрни тўрда бўлиб, қўли отга, оғзи этга етади. Баъзи мақтанчоқ, лақма бойларни: «Сиз айтсангиз бас, ўтга ҳам сувга ҳам тушишга тайёрман» деб ҳовлиқтириб, ишини бажармай, молини боқмасданок, ундан уст-бош олиб, яхши отини миниб, эл орасида ҳурматли киши бўлиб юраверади.

Бой эса фойдасини ҳам, бекорга сарф-харажат қилганини ҳам сезмайди. Бирор одам билан суҳбатлашса «энди қандай қиламан» деб яна бир ярамасдан ақл сўрайди. У эса йўрға сигир каби ялтоқланиб, бирор илинжи ундириш ниятида ва маслаҳатчилар кўпайиб қолса менинг қадрим кетади деган ўй билан: «Эй, худойим-эй, шунга қандай билмайсизми? Униса бунақа айёрликку, буниси бунақа айёрликку, мана бунга қулоқ сол, ундан эҳтиёт бўл!» деб ярамас найрангларни ўргатиб, тадбирини топиб бердим деб, бойни одамларга ишончини йўқотади. Натижада бойнинг ўзига ҳам одамлар ишончини йўқотади. Бой шундай ҳолга тушгач, ҳалиги киши: «Унинг гаплари айёрлик деб айтмабмидим, мана кўрдингми?» – деб бойни иккинчи «миқ» этмайдиган қилиб олади. Ҳозиргиларнинг ақли ҳам, нияти ҳам, ҳаракати ҳам – шу.

ҚИРҚ УЧИНЧИ СЎЗ

Одам вужуди икки нарса: бири тан, иккинчиси жондан иборат. Уларнинг қайси бири одамда туғма пайдо бўлади, қайси бири меҳнат фаолиятида пайдо бўлишини билиш керак. Буларни биз ихтиёрсиз ва касбий эҳтиёжлар деб атаймиз.

Ичмоқлик, емоқлик ихтиёрсиз эҳтиёжлардир, уйқу ҳам ихтиёрсиз эҳтиёжга ўхшайди. Озми-кўпми билсам, ўргансам эди деган истак ҳам ихтиёрсиз содир бўладиган эҳтиёж. Кўз билан кўриб, қулоқ билан эшитиб, қўл билан ушлаб, бурун билан ҳидлаб ташқи дунёни сезамиз. Олган сезгимизнинг яхшиси ижобий кўринишда, ёмони салбий кўринишда, ҳар нечук ўз кифоаси билан кўнгилдан жой олади. Кўнгилдан жой олган сезгилар юқорида келтирилган беш нарса текширувидан ўтгандан сўнг улар кўнгилда мангу сақланиб қолади. Бу жоннинг ихтиёрсиз қувватидир. Кўпчиликнинг яхши нарсалардан ёқимли, ёмон нарсалардан ёқимсиз таассурот олиши одамнинг ихтиёрсиз эҳтиёжлари ҳисобланади. Бу эҳтиёжлар дастлаб кучсиз бўлади. Одам улғайган сари бу эҳтиёжлар кучайиб, ривожланиб боради. Агар бу эҳтиёжлар эътиборсиз қолса, улар ривожланмай, хиралашиб қолади, яъни сезиш қобилияти сусаяди ёки бутунлай йўқолади ва яроқсиз холга келади.

Кимда-ким ташқаридан эшитиб, кўриб билиш каби нарсаларни кўпайтирса, у – кўп нарсани мулоҳаза қилиб, текшириб кўради, ўринлисини ҳам ўринсизини ҳам фикрлаб ажрата олади. Бундайлар содир бўлган ҳодисалардан тўғри хулоса чиқариб, уларга ақл билан ёндошади.

«Худо таоло ўзи ақл бермаса нима қилай?», «Худо таоло сен билан мени бирдек яратибдими?» демоқлик худо таолога айб қўйиб, ўзини оқламоқликдир. Бу мулоҳазасиз, касб-корсиз, нодан одамнинг баҳонаси. Худо таоло унга ишлама, кўрма, эшитма, эшитган, кўрганларингни эслама, хотиранг-да сақлама деб айтибдими? Қайфу сафо, ичиб-ейиш, мақтанчоқлик билан шуғуллан-да, қизиқишларингни йўқотиб ҳайвон бўл дегани йўқ-ку.

Баъзилар «Ақл ихтиёрсиз эмас, хоҳиш-истак ихтиёрсиз», «Хоҳиши бўлган одам илм ўрганади, хоҳиши йўқ одам ўрганолмайди», – дейди. Бу ҳам бекор гап. Хоҳиш ёш болада ҳам бўлади, бунинг учун тортишиб ўтиришнинг хожати йўқ. Юқорида айтганимиз каби хоҳиш кучи дастлаб оз бўлади, эътиборсиз қолса, йўқолиб кетади. Агар эътибор берилиб, парваришлаб борилса, ривожланиб, жон қуввати орқали одамнинг ўрганган ҳунарлари ҳам такомиллашиб боради. Узоқ вақт шуғулланмай қолса, эгалланган малака йўқолиб кетганини ўзинг ҳам билмай қолсан, ўзинг ҳам илгаригидан ўзгариб қолгандай туюласан. Қайси йўқолаётган нарса:

«Мен йўколаётман», – деб йўколади? Кейин буларни қайта тиклаш илгаригисидан кийинроқ бўлади.

Жон қуввати деб аталмиш қувват – кўп нарсалардан иборат, уларнинг ҳаммасини бу ерда баён қилишга имконият йўқ. Жон қуввати учта хусусиятга эга бўлади. Инсон боласи зинхор-базинхор уни йўқотмаслиги керак. Агар йўқотиб олса, у хайвон қатори бўлиб, инсонийлигини йўқотади.

Буларнинг ҳаммаси русчалаб «подвижной элемент» деб аталади. Бу қандай нарса? Кўрганнингни, эшитганинингни, хуллас нимани ўрганганинингни дарров уқиб, укканинг билан қаноатланиб қолмай, унинг қандай пайдо бўлишини, қаердан келганини мулоҳаза қилиб кўриш керак. Акс ҳолда ҳар қанча ўқиб-ўрганма фойдаси бўлмайди. Ўз вақтида ўйламай, ўз вақтида бажармай, ўз вақтида айтмай, доим кечиқиб, «Эх, аттанг! Ундай қилсам бўларкан, бундай қилсам бўларкан», деб афсусланганинг бир умр ғофил бўлганинг.

Иккинчисини русчалаб «сила притягательная однородного» дейди. Бу – бирон нарсани эшитиб, кўриб ўрганиб, шунга ўхшаш нарсаларни бир-бирига таққослаб кўришинг. Улар ўзаро тўлиқ мувофиқ келадими ёки бир томонлама ўхшашликка эгами, хуллас бу ходисага тўғри келадиган нарсаларнинг ҳаммасини фикрлаб, билганларингни солиштириб, билмаганингни сўраб, ўқиб, ўрганиб бўлгунингча тинчимаслигинг.

Учинчисини русчалаб «впечатлительность сердца» дейди, яъни юракни мағрурлик, фойдахўрлик, енгилтаклик, хотиржамликка мойил қилмай, бу тўрт нарсадан тоза сақласа, у ҳолда ташқаридан кирган нарсанинг акси юрак ойнасига аниқ ва равшан бўлиб жойлашади. Бундай нарса бутун вужудингга сингиб, унутилмас бўлиб қолади. Мабодо бу тўрт нарса билан юрагингни ғубор боётирсанг, дил ойнаси хиралашади, қийшиқ-қинғир кўрсатади. Демак, сенга уларнинг нафи тегмайди.

Тана кучи билан топилган нарсаларнинг ҳаммаси жисмингдан ташқарида сақланади ва бу нарса бойлик деб аталади. Бу бойликларнинг хусусиятларини билмай туриб, фаолият кўрсатишнинг оқибати яхши бўлмайди. Маънавий бойликлар, яъни, илм-фандан баҳра олиш ҳам шу каби

машаққатдир. Ундан оқилона фойдаланмасанг зарар кўриб қолишинг, топган-тутганингдан ажраб қолишинг ҳам мумкин.

Дунёда барча нарсаларнинг ўз ўлчови, ўз меъёри бўлади. Шу жумладан, яхши нарсаларнинг ҳам. Меъёрни билмоқ – улуг иш. Фикр юритиш мақтовга сазовор, лекин баъзилар мулоҳазага чуқур берилиб, теран фикрлашни йўқотиб қўяди.

Ичиб-емоқлик, киймоқлик, кулмоқлик, кўнгиш кўтармоқлик, севмоқлик, бойлик тўпламоқлик, мансабдорлик, тадбирли бўлмоқ, алданиб қолмаслик – бу нарсаларнинг ҳаммасида меъёр бор. Агар меъёридан ошиб кетса, расво бўлади.

«Нимани ҳавас билан кўпроқ изласанг, шунинг жабрини бир марта тортасан» деган нақл бор. Юқорида айтиб ўтганимдек, уч қувват ичида «сила притягательная однородного» ва «подвижной элемент» – иккиси қўшилиб фаолият кўрсатади. Фойда ҳам, зарар ҳам шу икковидан юзага келади. Мансабпарастлик, мақтанчоқлик, жаҳлдорлик, ёлғончилик ва шу каби ҳар қандай иллатлардан тортиб, хумори тутиб, ақлдан оздирувчи нарсалар шу иккиси воситасида пайдо бўлади. Буларнинг яхши томонларини олиб қолиб, юқорида айтилган одамгарчиликдан воз кечдирадиган жиҳатларидан тезроқ бўйин тобламоқ зарур. Фойда, зарарни фарқлайдиган қувват ақл ҳисобланади. Фақат ақл кучи билан буларни йўқотиш мумкин эмас. Ақл ва ғайрат кучи билангина уни тўхтатиш мумкин. Агар бу икки кучга ким эга бўлса, ҳалиги икки қувватнинг бири бўлиб, бири бўлмаса, бу қувватлар – бир асов от каби дуч келган томонга олиб қочади, хуллас йўлингга учраган одамлар ҳол-аҳвол сўрашга ҳам улгурмай қолади. Чунки эркинг ўзингга эмас. Этагинг ёйилиб, икки кўзинг осмонда бўлиб, ўла-ўлгунча мулзам бўлиб қоласан.

ҚИРҚ ТўРТИНЧИ СўЗ

Одам боласининг энг ёмон хислати – ўз-ўзига талабчан эмаслиги. Талабчанлар ҳам, талабчанликнинг ўзи ҳам бир неча хил бўлади. Ўз-ўзига талабчанликнинг қайси бирини танламасин, улар учун биридан бири яхши кўринаверади.

Одам боласи ўз-ўзига талабчан ёки аксинча бўлсин, барибир кимнингдир «баракалла» деган мақтовини эшитишга мойил бўлади. Ўринлими, ўринсизми, хуллас «баракалла» дейдиган кишини кўнгли истаб туради. Одам боласи қайси жойда, қайси мухитда бўлса, шу мухитдаги кишилар билан сирдош бўлади. У бошқалардан «баракалла» деган сўзни кутмайди. Мени «баракалла» деб мақтаса, фақат шу ўзим билан сафдош, сирдошлар десин дейди.

Одам кўпинча ўз қадрни учун қадр излаб, шу умидда яшайди. Кимдир молини кўпайтиришни умид қилади, кимдир ҳасислик, ҳаром йўл билан бўлса-да, «Мол топган йигитнинг айби йўқ», «Моли борнинг юзи ёруғ» деган мақолларга суюниб, халқнинг аҳволига қараб, ит бўлса-да, молингни сўколмайди, бу мол ҳам фойда, ҳам менга хосият келтиради деб ўйлайди. Қозоқларнинг феъл-атворига нисбатан буниси рост. Аммо инсонийлик, ақлга нисбатан эса кўнглил айнатадиган иш. Шунга кўра баъзилар мард, баъзилар ҳожи, баъзилар мулла, баъзилар билимдон, баъзилар айер, шум аталаман деб, шу ҳаракатда юришибди. Ҳаммалари қозоқнинг номини булғаб, ўзича «Шу топганим бироз озиқ бўлар» деган умидда яшамоқда. Баъзилари бировнинг томирини ушлаб кўради-да, «бирон нарса олиб келса, шу кунларда мана бу нарса бироз пулга битади» деб, унинг юзидан сирини ўқиб, бирон нарсдан умид қилмаса, китоб ўқишни умид қилмайди. Китобдан олган билимингни амалга ошириш учун аввало қалбинг тоза бўлиши керак, сўнг ибодат қилса бўлади. Одамнинг юзига қараб билганларнинг билим эмас. Бировнинг юзига қараб биламан десанг, билганингдан қолма, қалбимни тозалайман дема, уни ким кўриб ўтирибди, ичингда билиминг таҳлам бўлмаса, қутбараканг бўлмайди. Демак, шуларга кўра, ўқиб-ўрганиб, унутилган нарса ўз-ўзига бўлган талабчанлик эканига амин бўларсан.

ҚИРҚ БЕШИНЧИ СЎЗ

Худо тобарака ва таолонинг мавжуд эканлигига аниқ далил – неча минг йилдан буён одамлар турли тилда сўзлашсалар-да, барчаси қудратли худо бор деб келганлиги,

неча минг турли диннинг ҳаммаси ҳам адолат, мухаббат худога лойиқ деб эътироф этишидир.

Биз яратувчи эмас, яратганнинг соясида ҳаёт кечирадиган бандалармиз. Шу олло таолонинг ҳикмати орқасида одамлар ўзаро ҳис этиш туйғусининг ортиқ-камлигига кўра фарқ қилдади.


Ишондим демоқлик ишонтираман дегани эмас.

Инсониликнинг боши – мухаббат ва адолат туйғуси. Уларнинг яроқсизлиги йўқ. Бу яратган тангрининг иши. Айғирнинг

бияга етишишида ҳам мухаббат мавжуд. Бу адолат, мухаббат туйғуси кимда кўпроқ бўлса, у киши – олим, у – донишманд. Биз вужудимиздан илм чиқара олмаймиз, яратиб қўйилган нарсаларни кўз билан кўриб, ақл билан мушоҳада қилибгина биламиз.



ДОСТОНЛАР



ИСКАНДАР

Искандарни ҳамма билармикин?
 Айтиб берсам ишонмай кулармикин?
 Филипп пошшо фарзанди, донғи кетган,
 Ҳеч баходир унга тенг келармикин?
 Ёши ҳам йиғирма бир расо бўлди;
 Филипп ўлди, ўрнига пошшо бўлди.
 Ўз давлати, ўз юрти кам кўриниб,
 Қўшни эллар бошига бало бўлди.

Искандар қўшин йиғиб йўлга тушди;
 Қанча мулк, қанча давлат қўлга тушди;
 Дарё-дарё оқди қон, ёнди боғлар,
 Искандарнинг босқини мўл тушди.
 Тиз чўкди талай хонлар қаршисида,
 Тиз чўкди не султонлар қаршисида.
 Асир тушиб қул бўлди саноксиз эл,
 Тиз чўкди не инсонлар қаршисида...

Шаҳаншоҳ, деб шуҳрати гап-сўз бўлди...
 Давлати ошган сайин – очкўз бўлди.
 Қўйни тўлди, кўзи ҳеч тўйгани йўқ,
 Ер юзини олмадим деб дилсўз бўлди.
 У, яна қўшин йиғиб йўлга тушди,
 Яна давлат, иқлимлар қўлга тушди;
 Ҳеч қайда тополмади кўниқ, ором,
 Дарё кечди, йўли бир чўлга тушди...

Олис чўлга дуч келди у ногаҳон,
 Қақраган ҳам яланғоч ҳар томон,
 Қанча тежаб ичса ҳам етмади сув,
 Чўл таптида қоврилар мол ва инсон,
 Бир қатра сув дардида қўшин сарсон,
 Бедармон, чала жинни, чала жон.

Қанчалар қолиб кетди бу сахрода,
Не иложки, ер – қаттиқ, йироқ – осмон...

Жаҳонгирнинг оти ҳам кулаб ўлди.
Дўст ёлин кучиб гамга ошно бўлди.
Ўрнidan туриб боқса, олисларда –
Бир шуъла барқ урмоқда... Ҳайрат тўлди.
Шаҳаншоҳ шуъла томон тўғри юрди.
Сахронинг қоқ белида нима кўрди?
Оқиб келиб қумларга сингмоқда сув,
Искандар от устидан сувга урди.

Тоза қониб дер эди: «Не ҳикмат бу?
Чўл аро қандай ширин ва салқин сув...
Сув бошида бадавлат эл бор ўхшар,
Ҳамманг ичиб дармон йиғ ва юзинг юв!
Дармон йиғиб, сув бўйлаб кетишим бор,
Сув бошида – қалъага етишим бор.
Бош эгмаса қиличим бошидадир,
Шаҳрин ҳам тош-талқон этишим бор».

Жар солиб, сув ёқалаб юриб кетди, –
Йўлда қўнмай, кўп кун от суриб кетди.
Қўшини совут кийган, ўнкай ботир,
Йўл-йўлакай базмини қуриб кетди.
Ҳайрон бўлинг Искандар бардошига,
Юра-юра етибди тоғ бошига,
Ғойиб бўлди шу ерда сув оқиши,
Разм солиб қаради ҳар тошига.

Қарасаки, ажойиб қалъа турар,
Искандар от бошини дарҳол бурар.
Тутқасин тортар олтин дарвозанинг,
Очолмай, қаҳри қистаб, ҳар ён юрар.
Ҳеч қачон бундай хўрлик кўрмаганди,
Ҳеч дарвоза олдида турмаганди;
Ғолиб бўлиб ўрганган асов кўнгил –
Хўрланарман, деб хаёл сурмаганди.

Қаҳри қистаб, қоқишга тушди ногоҳ,
– «Дарвозангни оч!» деди Искандар шох,
– Ижозат йўқ, бу – тангри эшигидир!»

Қоровулнинг жавоби солди садо...
 – «Билмайсанми, Искандар деган менман.
 Ер юзини урушда енгган менман.
 У – худо, мен – подшо, нима бўпти,
 Энг сўнгги қалъа учун келган менман!»

– «Мақтанишга ҳожат йўқ, зўравонсан,
 Ҳам зўравон, ҳам очкўз, тўймас жонсан.
 Миқти бўлсанг – нафсингга кучинг етсин,
 Бу дарвоза очилмас, бил, аён сан!»
 – «Кўп кездим, тўғри келди ранг-баранг ер,
 Қалъаларга чанг солдим мисоли шер;
 Қалъангни-ку очмайсан, ҳеч бўлмаса,
 Халқимга кўрсатайин, бир сийлов бер !»

Шу замон келиб тушди тугун – рўмол;
 Овоз келди: «Жаҳонгир! Сийловни ол! –
 Сен сўраган сийловнинг худди ўзи.
 Жўнаб қол, йўлда очиб назаринг сол!»
 Кўнгли тўлиб, тугунни қўлга олди;
 Тўхтамай қўшин томон чошиб қолди.
 Очсаки, рўмол тўла – қоқ суяклар...
 «Бу қандай масхара?» деб ақли толди.

Жаҳаннамдай тутоқиб кетди бирдан,
 Ҳеч маъни ололмади ушбу сирдан.
 Наъра чекди: «Менга шу равомиди, –
 Суяк деган топилар ҳамма ердан!»
 Ҳам тугунни ирғитди бетоқат қўл...
 Арасту яқин келди – ақли жиқ мўл:
 «Шоҳо, – деди, – бу тортиқ бежиз эмас,
 Хосиятлик суяк бу – хабардор бўл!»

Арасту сўзлар экан, тингламас ким?
 Искандар ҳам ноилож ўтирди жим.
 – «Кўрайлик, суякми ё олтин оғир.
 Тарозуни келтиринг!» – деди ҳақим.
 Тарозуни шу замон келтирдилар;
 Бир ёнга қумуш, зар тўлдирдилар;
 Бир ёнга суяк оғир босиб турди;
 Ҳаммаси ҳайрон қолиб ўлтирдилар.

Йиғилди қўшинда бор олтин буткул,
Босарди суяк ётган палла нукул.
«Хазинам етмади-ку! Суяк оғир...
Чорасини топ!» деди энг кейин ул.
Ҳаким олди ердан бир сиқим тупрок
Ва суякнинг устига сочди шу чоқ.
Бир дамда олтин оғир босиб тушди;
Искандар яна ҳайрон, хаёл тарқоқ.

Шаҳаншоҳнинг бағрин тирнар оғу,
Чидамайин ҳакимни чақирди у:
«Мўъжизани тушунолмай, қотди бошим,
Маъносини айтиб бер, эй Арасту!»
– «Кўз суяги – бу суяк! – деб бошлар сўз, –
Тирикликда ҳеч қачон тўймайди кўз,
Бир сиқим тупроққа ҳам тўяр – ўлса,
Ғазабланма, шаҳаншоҳ, бўлма дилсўз!»

Ўйланиб-ўйланиб подшоҳ бошин букди,
Кўзлари косасига ботиб – чўкди.
Йўл солди ўз юртига қўшин тортиб,
Ўлгунича ўзини-ўзи сўкди.
Сўз тамом, адоқ бўлди ҳангома ҳам,
Бехуда гап ўйлама буни ҳеч дам.
Ору номус сотма умр бозорида –
Очкўз бўлма, одаммас очкўз одам!

МАЪСУД

Ё олло ҳурматингга дўстинг Маҳмуд,
Тилга куч бер, билинсин тўғри мақсуд.
Хорун-Рашид халифа замонида
Боғдодда йигит бор эди оти Маъсуд.

Шаҳардан бир кун Маъсуд чиқди тишга,
Бордими тўғри келиб бирор ишга.
Бир ўғри ушлаб, тўнаб ётган ерда
Гез бўлди бир бечора чол бойқишга.

Чол бойқиш бақирарди фарёд солиб,
Айириб олар одам йўқ уни бориб.

«Ким хам бұлса бир эрлик қилайин» деб
Маъсуд учди ўғрига ғазабланиб.

Маъсудни ўғри чопди қилич билан,
Яхшиёқ жон сақлади бир иш билан.
Эсон-омон чол хам қутулибди,
Маъсуддан ёв қочганда уруш билан.

Маъсудга келди чол кўзин тиклаб,
Кўрса бошдан қон оқади мард энтикиб.
Чол ўйлапти қарзимни мен ўтайин,
Йигит экан баходир, довюррак деб.

Эй йигит, не қилсанг хам эр экансан,
Кўргайсан эрлигингнинг баракасин.
Ажалдан сабаб бўлиб, сен қутқардинг
Шу учун олло сенга умр берсин.

Бой эмасман, ботир ё хон эмасман,
Отоқли, ортиқ бўлган жон эмасман.
Сабаб бўлиб ажалдан қутқардинг сен,
Яхшилиқни мен билмас, чол эмасман.

Мен бир жонман, дунёда, жаҳон кезган,
Азон билан кетаман шахрингиздан.
Эртароқ фалон ерга келиб туриб,
Олиб қол бир мукофот ўғлим биздан.

Пул учун қизикмассан сен хам бир эр,
Сени менга учратди парвардигор.
Бир худонинг хаққи учун мен тилаймай.
Қабул қил, шартим учун қўлингни бер.

Ўғрига юбормадим мен номусни,
Ким пуллар бундай-бундай қилган ишни,
Олло хақи деган ҳеч амал хам йўқ,
«Борайин» деб ваъда этиб қўл олишди.

У ерга йигит туриб эрта борди,
Олдидан чол тез пайдо бўлақолди.

Қўлидан ушлаб олиб эргаштириб,
Бир четда турган уйга олиб борди.

У уйда бир гул турар сўлкиллаган,
Бошида уч мева бор билқиллаган,
Бири оқ, бири қизил, бири сарик,
Танлаб шундан бирини олгин, деган.

Оқин олсанг ақлинг жондан ошар,
Сариғин олсанг давлатинг сувдай тошар.
Агар қизил мевани олиб есанг,
Хотин-қизда жон бўлмас сендан қочар.

У йигит чол сўзига қулоқ солди,
Қўзини пастга тикиб оз ўйлади.
Оқи билан сариғини олмайман деб,
«Қизил мева ейман» – деб қўлга олди.

Мен бераман, тонмайман айта туриб,
Пушаймон бўлмай кейин юриб-юриб,
Оқ билан сариғини олмаганинг,
Маъносини менга айт яқин кўриб.

Мен бўлсам агар оқин емоқ дедим,
Ақлли бўлдим элдан бўлак дедим.
Мен ақлни эмас, у балки мени,
Йўлга солса, ўргатса керак дедим.

Ақллик жон топилмас менга сирдош,
Айниқса сўзга нодон бўйин бермас,
Адолатсиз, ақлсиз, орсизларни,
Кўра туриб кўнгилда тинчлик турмас.

Одам дардли бўлсами ғусса тортиб,
Ширин уйқу келмайди тунда ётиб,
Юрагимнинг дардига эм тополмай,
Ширин ош ичолмайман таъмин тотиб.

Сариғин еб, мен бўлсам бойнинг ўзи,
Оғзида халойиқнинг бўлдим сўзи.

Фалончидан бир нарса олсак-чи деб,
Тикилар жон битканнинг менга кўзи.

Юрт қарғар юртдан ортик бойлик учун,
Пуллайти биров кучин, биров тусин.
Не қилса ҳам нодонлар олмоқ истар
Моли қургир куйдириб юртнинг ичин.

Меҳнатсиз мол сўрамоқ хайрчилик,
Ақлли эрга ордир ундай қилиқ.
Уни ўйлар бу кунда одам борми?
Фойда ўйламай қилади ким тотувлик.

Берсанг қолар нимаси унда орнинг,
Бермасанг ўзинг ҳам ит бирга бўлдинг.
На ўзинг ит, бўлмаса бор элинг ит,
Даъвосиз бир балога мана қолдинг.

Қизилни есам мени аёл суяр,
Одамликка юрмаса не жон куяр.
Аёллар ҳам кўп жон-ку, дўстим бўлса,
Деб эдим бир фойдаси менга тегар.

Эркакнинг гар эркакда бўлса қасди,
Хотин, она, қизи йўқ кимнинг боши?
Хон қахр, оддий киши қасдлик қилса,
Шунда аёл бўлмасми ҳимоячи.

Шуни ўйлаб қизил мева мен танладим,
Берсангиз емоқ бўлиб бел боғладим.
Тўсатдан мен бу сўзни айтганим йўқ,
Бошидаёқ ўйлаб тагини авайладим.

Бу сўзга солиб турди чол қулоғин,
Жуда топиб айтдинг, е чироғим,
Ақл давлат, аввалдан сенда экан,
Умрингда очилсин бахтинг, жоним.

Бу чол бўлак чол эмас, Хизир эди,
Эпин топиб яхшиликка дуч келди.

Сўзига, ақлиги ва қилиғига,
Рози бўлиб ҳақиға дуо қилди.

Хизирдан Маъсуд дуо хўп олибди.
Ниҳоят Шамси-жаҳон аталибди.
Маъноси: «бу дунёнинг қуёши» деган,
Етишиб бизга ибрат сўз қилибди.

Шу замонда ҳам нодонлар шиллиққуртдай бузган,
Ёлғоннинг таъмин бузиб, хавф солган.
Ақл билан бойлик иккисин асрай олмай,
Ҳимоячи излаб хотин-қиздан.

Энди қандай сўроқ бу замонда?
Ақл-ўй, ор-номус йўқ ҳеч одамда.
Ўлган қабр, туғилган ер юбормайди,
Эпласам турмас эдим шу жойда.

Шу Маъсуд халифага вазир бўлибди,
Тарқатибди дастлаб қўнлаган гуруҳни.
Ҳалиги Хизир чол бир вақтда
Тушида аён бериб йўлиқибди.

– Эй, болам, фалон кунни ёгин ёғар,
Шу ёгиннинг сувида хосият бор:
Етти кун жинни бўлар сувин ичган,
Етти кун ўтгач қайта тузалар.

У сувдан тамом сувга сув қуйилар,
Сел бўлиб, сувнинг ҳаммаси касал бўлар.
Эртароқ тоза сув тўплаб ол,
Бу – хабарим, сақлансанг, жоним, ярар.

Бу сўз билан халифага Маъсуд боради,
Хабарин эшитиб хон ҳам тушунди.
Айтган вақти яқинлаб келган пайтда,
Эртароқ тоза сув ғамлаб олди.

Келгандан сўнг ваъдали кун ёгин ёғди,
Сувдан ичган жинни бўлиб ақладан озди,

Куну тун чувиллаб талашди.
Унутди овқат ейиш билан ухлашни.

Улар чувиллашиб бир кун келди ўрдага,
Хон билан вазир қарайди томошага.
Ҳаммалари эси оғиб, жинни бўлган,
Бекор чувиллаб юришар кичик ука, катта ака.

У халқнинг олдига яқин боради,
Сўз айтиб, ҳар хил ақл солади.
– Бир касалга, бойқушлар йўлиқибсан,
Уйингга бор, ухланглар! – деб чақиради.

Улар чиқди эшиқдан хондан хафа бўлиб,
Кўчада чувиллаб йиғлаган ундан кўп:
– Хон билан вазир ақлдан айрилибди,
Ўлдирайлик иккаласин, жинни экан, – деб.

Ўлдириш учун ўрдага қайта юрди,
Уларнинг сўзини эшитиб, хон ҳам кўрди:
– Илгаригисидан буниси қийин бўлди,
Қани бўл, вазир, ақл топ, нима қилдик? – деди.

– Қутулар ҳол бўлмади бу галадан,
Биз ҳам ичмасак бўлмайди жинни сувдан.
Ўлдиришар жиннилар бизни келиб,
Жинни, деб эси дуруст – бизни қувган.

Иккаласи жинни сувдан ичиб олди,
Қутуриб гала олдига етиб борди.
Ҳамма жинни, билмай айтибмиз деб,
Таъзим қилиб, уларга кўп ёлворди.

Шундан сўнг бир-бир тарқаб кетди,
Хуллас, тарқайдиган вақт етди.
Кўрдингми бир гала тентакнинг қилган ишини,
Эрксиз эсли иккисини ахмоқ этди.

Кўпнинг ҳаммаси шундай, мисол қилсанг,
Кўп айтади деб ваъда кутсанг.
Ғофил бўлиб кўп нарсадан бўш қолсанг,
Англамай бу сўзимни юриб қетсанг.

ШЕЪРЛАР



ЙИГИТ СЎЗИ

Салом бердим қалам қош,
Сенга қурбон мол ҳам бош.
Соғиниб сени ўйлаб,
Кўздан оқар қайноқ ёш.

Сендан ортиқ жон туғмас,
Туғса туғар – ортилмас,
Бир ўзингдан бошқага,
Ошиқлигим айтилмас.

Асл одам айнимас,
Ишқ ўтидан қайрилмас.
Кўрмасам ҳам, кўрсам ҳам,
Кўнглим сендан айрилмас.

Кўзим ётга қарамас,
Ёт ҳам менга ярамас.
Тор тўшакда тўшингни
Искармидим яланғоч!

Ийиғимда сунбул соч,
Қучоқлашсак биз бир паст.
Лаззат олсак бўлмасми?
Кўзи юмилган кўнгил маст!!.

Сизда ноз, бизда ихлос,
Шу сўзимнинг бари рост.
Сиздай ёрнинг дунёда,
Лаззатига жон тўймас.

Этинг этга текканда,
Даминг тийиб суйганда,
Тан жимирлаб, бўй эриб,
Ичим ўтдай куйганда.

Юрак эриб еганда –
Ички сирни туйганда –
– Излаб топар шунқорман,
Гўзалимни қувганман.

Жоним, ҳижронни йўқот,
Қараб тўймайман юз қат.
Иссиқ тийиб борасан,
Бир соатдан – бир соат.

Сиз қирғовул жез қанот,
Гул юзингни бир қарат.
Яқинлай бер ёнашиб,
Хуморимни бир тарат.

ҚИЗ СЎЗИ

Келиштириб мақтайсиз,
Ўйласанг на топмайсиз?
Бизда эрк йўқ, ўзинг бил!
Алла нега бошлайсиз!..

Биз ҳам одам пайқаймиз,
Биз мардларни ёқлаймиз.
Сиздай асл гез келса,
Қайтиб бошни чайқаймиз.

Ақллисан, сўзинг бой,
Сиз ялқин чўғ, биз бир мой.
Иссиқ сўз кирди ичга,
Мой турарми эримай.

Қабул кўрсанг кўнглим жой,
Ташлаб кетсанг, ёпирим-ой!
Ит хўр одам бўларми?
Бу дунёда шўрлигингдай.

Тилагимни бермасанг,
Амалим не ерласанг,
Ўргатмагин бўйингга,
Аниқ яхши кўрмасанг.

Асл ошиқ эрга тенг,
Қора кўнглим ерга тенг.
Сенсиз менга ёт тўшак,
Булар худди гўрга тенг.

Сиз бир шунқор шохларвоз,
Ер юзидан олган бож.
Биздай ғариб ҳисобсиз,
Кўйинда юрар мухтож.

Тол чивикдай ўралиб,
Гул шоҳидай буралиб,
Салмоғингдан янчилиб,
Қолсин ҳумор бир қониб.

Буни ёздим ўйланиб,
Ўйда бордан тўлғаниб,
Ёқса дилга ўқий бер,
Йигитлар қўлга олиб.

БУРГУТЧИ

Қор ёққанда бургутчи чиқар овга,
Тошдан тулки топилар пойлаганга.
Яхши от тотув йўлдош – бир ғанимат,
Яхшидир ихчам кийим овчи одамга.

Бирданига йўлиқса тулки изи
Ахтариб овчи ҳарён кўз солганда.
Бургутчи тоғ бошида, қўлда бургут
Кетган изни синчиклаб пайқаганда.

Тумоғини бургутчи бошдан олар,
Қирон қуш кўзи кўриб интилганда.
Паст учсам тулки ўрлар, қутулар деб,
Учади кўз ўйнатиб тик осмонга.

Кўриб тўхтаб қолади қочган тулки
Қутулмасин билган-чун бўш қочганга,
Оғзин очиб қақақлаб, тишин қайраб,
У ҳам кураш қилади, чивин жонга.

Қизикар шунда овчи, завққа тўлиб
От қўяр қарамай ҳеч йиқилганга.
Қирқ пичоқ-ла ғижиниб турган тулки,
У ҳам ўнғай ёв эмас, зўр қиронга.

Ярк-юрк этиб иккови олишади,
Якка ботир чиққандай жанг майдонга,
Бири хаво, бири ер ёввойиси,
Одам учун ботишар қизил қонга.

Қор – оппок, бургут – қора, тулки – қизил
Ўхшайди гўзал сувда чўмилганга.
Қора сочни кўтариб икки бармок,
У ҳам билқ-билқ этмасми сийпаганда.

Оппок эт, кип-қизил бет яп-яланғоч.
Қора соч қизил юзни яширганда
Кўёви эр, қайлиғи гўзал бўлиб,
Яна ўхшар тор тўшақда ётишганга.

Яғрини оркасидан билқиллайди,
Қирон букилиб остига дал босганда.
Қуши ҳам эгасига хўрозланар,
Олтмиш икки хийлалари сайд олганда.

Овчининг чехрасига шодлик чиқар.
Тулкини қанжигага бойлаганда,
Силкиб кийиб тумоғини, ҳам носвойини
Бир отасан дилга шодлик жойлаганда.

Тоғдан жийда тергандай ола берса,
Бир яшайсан хуморинг хар қонганда.
Кўнгилда йўқ ҳеч қандай ёмон ният,
Ов бўлди кенгашинг, қуш солганда.

Ҳеч кимга зиёни йўқ ўзим кўрган,
Хўб қизиқ иш экан бу шум дунёда,
Сезгиси чуқур ҳамда ақли борга
Бари аниқ кўринадан ўйлаганда.

Уқмассан устин қараб ўта берсанг,
Суратин кўролмассан қўп боқмасанг.

Кўланкаси тушади тез кўнглиннга
Ҳар сўзини бир ўйланиб салмоқласанг.

Йигитлар, бу сўзнинг ҳеч маъносини,
Билолмассан қуш солиб завқ олмасанг.

* * *

Қаридик, ғамга ботдик, уйку сергак,
Аччиғинг худди заҳар, ўйинг кўлмак.
Дардлашишга киши йўқ сўз уқарлик,
Ким кўнгилни кўтариб бўлар эрмак.

Ёш – қарир, йўқ – туғилар, туғилган – ўлар,
Тақдир йўқ, ўтган умр қайтиб келмас;
Босган из, кўрган кизиқ қола берар,
Бир худодан бошқани бари ўзгарар.

Мард иши ақлга етмас бўйни енгар,
Хунарсизнинг қилиғи чала кўрар.
Чин ўйланмай берилиб бир иш қилмай,
Эринчак оқибатда кўпга кўнар.

Ёмонлар қилолмайди ҳалол эмгак,
Ғарлик, ўғирлик қилиб қулар тоза,
Ҳаром ишдан ёмонлик кўрмай қолмас,
Минг кун синмас, бир куни синар кўза.

Одамзод тирикликни давлат билсин,
Ақл топсин, мол топсин, ҳалол юрсин.
Икковининг бири йўқ овул кезиб,
Хор бўлиб, бекорга кун ўтказмасин.

Нодонлар бўш сўзларга қулоқ солар,
Чин сўзнинг фойдасидан четда қолар.
Рост сўзнинг ҳеч билмайди хосиятин,
Чинни кўйиб, йўқ сўздан лаззат олар.

Ақлик қора қилни қирққа бўлар,
Ҳар нарсага ўзиндай баҳо берар.
Нодон киши ҳеч нарса билмай туриб,
Мақтаниб, кўча-кўйда кўкрак керар.

Халққа ичидан ёв, сиртдан кулар,
Тиригида дўстини сўкиб, ўлса йиғлар.
Бир-икки йўли бўлган киши кўрса,
Худо севиб яратган ушбу деяр.

Эл бузилса топади, шайтон ўрناق,
Фаришта пастга тушиб, қайғи емак,
Ўзимнинг итлигимдан бўлди демай,
Енгди-ку, деб шайтонга қилар кўмак.

Қўлдан кела берарми юрт бошқармоқ,
Ҳалоллик, ҳаромликни ким тенг кўрар?
Шухрат учун ғайратсиз бўлис бўлмоқ,
Итдай бўлиб ўзига сўз келтирар.

Бозорга қараб турсам, ҳар ким борар,
Излагани на бўлса шу топилар.
Биров овқат олади, биров маржон,
Ҳар кимга бир хил нарса бермас бозор.

Ҳар кимнинг излаган бир нарсаси бор,
Чамалаб оқчасига шундан олар.
Биров укмас бу сўзни – биров уқар,
Баҳосин фаҳм қилмай ҳайрон қолар.

Сўз уқар ушбу кунда киши борми?
Демайман сўзим юртга бирда ёқар.
Ёзган сўнг ерда қолмас тешик мунчок,
Бировдан-бирова олиб элга тарар.

Бир кишимас, ёзганим ялпи юрт-ку,
Ғижинмаёқ чироқлар уқсанг ярар.
«Ит маржонни на қилсин» – деган сўз бор,
Дили ўтли йигитлар бир ўйланар.

* * *

Талай сўз бундан бурун кўп айтганман,
Тегин ўйлаб, кўп қайғу еб айтганман.

Ақллилар орланиб уялган-чун,
Ўйланиб, тузаларми деб айтганман.

Қозоқнинг бошқа юртдан сўзи узун,
Бирининг бир тездан укмас сўзин.
Кўзнинг ёши, юракнинг қони билан
Эритишга бўлмайди ички музин.

Дўстим-ай, ҳаволанмай сўзга тушун,
Ўйланчи сиртин қўйиб, сўзнинг ичин.
Хирингламай тингласанг ниманг кетар,
Чиқарган сўз эмас-ку жинни учун

Адашиб аланглама йўл тополмай,
Эртароқ тўғри йўлга чиқ қамалмай.
Ё илм йўқ ёинки меҳнат ҳам йўқ,
Энг бўлмаса кетдинг-ку мол боқолмай.

* * *

Молга дўстинг йўқ молдан бошқа,
Оларда чора йўқ алдамасга.
Қаерда пулни кўрса сиғинади,
Одамлар лаънат ўқир ундай пастга.

Мол ёяди шухратин билдирмоққа,
Кўз-кўз қилар мол билан куйдирмоққа.
Ўзи чўчка, ўзгани ит деб ўйлар,
Сув шўрва билан тўйдирмоққа.

Оқилу, хушфеъл ва мағрур деб,
Мақтамайди ҳеч кимни бу кунда кўп.
Шу кунда мол қаерда – гўнг ичида.
Олтин берсанг беради гўнгидан еб.

Шуни ўқиб ўйлай бер бўлсанг зийрак.
Кучингни сот, ор сотмоқ нега керак?
Уч нарса одамзод фазилати,
Зўр ғайрат, ёркин ақл, кайнок юрак.

ЎЛАН

Ўлан – сўзнинг пошшоси, сўз сараси,
Қийиндан қийилтирар эр доноси.
Тилга енгил, юракка илиқ тегиб,
Теп-текис, силлиқ келсин айланаси.

Сараланмай булганса сўз ораси,
Бу – оқиннинг билимсиз – бечораси.
Ҳам оқин, ҳам тингловчи кўпи нодон,
Сўз танимас бул юртнинг бир бораси.

Сўз боши аввал ҳадис, оят бўлур,
Шираси ҳам маъноси ғоят бўлур.
Пайғамбар ҳам сўзин ўлан қилган;
Ўлан айтай шоядки кўнглим тўлур.

Ўландай хутба ўқир кекса мулло,
Ўлан айтиб йиғлаган валийулло,
Ҳамма ҳам чамасича ўлан ўқир,
Ўлан билан ёзилган каломулло.

Ўланга ишқимиз бор қадим чоқдин,
Лекин қандай наф бўлар мақтанмоқдин!
Ичи зар, сирти кумуш сўз яхшисин –
Келиштирар ким ҳам бор мўл козоқдин?..

Сўзни чертиб сўзласанг хар ким сийлар,
Мақол қўшиб сўзларкан кекса бийлар.
Оқинлари беакл, нодон экан,
Бекор сўзни теридай нуқул ийлар.

Қўлида ҳам қўбизи, ҳам дўмбира,
Ҳаммага мақтов ўқир, қўймас сира.
Ўлан ўқиб хайр тилар экан кезиб,
Сўз қадрин ерга урар, бўлиб хира.

Мол учун сўзни безар, виждон сотар,
Мол учун бўйин эгар, молдай ётар.
Мол учун ҳам алдайди, ҳам аврайди,
Э, худо, шу оқинлар қачон қотар?

Бойларни мақтай бериб сўз қолмапти,
Ўлан айтиб мол йиғиб, бой бўлмапти.
Ўланнинг қадри кетди эл ичида,
Қадрин кеткизганлар йўқолмапти...

Кекса бийдек мақолга бурмагайман,
Ё оқиндек хайр тилаб юрмагайман.
Сўзим – ўзга, тингловчиси, сен ҳам тузал,
Беҳуда гапдан сухбат қурмагайман.

Эл чопган ботирлардан сўйлаб берсам,
Ошиқлар, маъшуқлардан куйлаб берсам,
Анчайин хангома деб тинглардингиз.
Сўзларнинг сирасини сўйлаб берсам...

Аммо, ақл чақирилмаган меҳмон эмиш,
Ақли борга бундай умр зиндон эмиш...
Кечиринг, нодонларга тегиб ўтсам,
Бу элда тўғри айтган ёмон эмиш...

Тўғри сўзлик ўланам ўзинг кўркам!
Майли, татимаса ҳам сўйла бердим...
Бу юрт сўз ошиғи-мас, мол ошиғи,
Розиман, мингдан бири тушунса ҳам...

Ўзи билан ёвлашган юртим, тингла!
Ўзи билан довлашган юртим, тингла!
Дардингга даво бўлсин ўланларим,
Бир-бирини овлашган юртим, тингла!

Наҳот сенда қолмаган номус ва ор?
Наҳот номус ва инсоф эмас даркор?
Теран ўй, теран илм йўлинг очсин,
Ёлғон ўлан ва сўздан олам безор...

* * *

Ёшликдан билим излаб югурмадим;
Хайрин билдим, бироқ, юз ўгирмадим.
Улғайганда қарасам қўлим қуруқ,
Кечикиб қўл чўздиму, улгурмадим.

Билимсиз қолганимга ким гунохқор?
Изласам бўлармидим мунчалик хор?
Одамзод тасаллиси фарзанд экан.
Фарзандимни билимга қўймадим зор...

Мадрасага бердим мен адаб учун,
Билим учун, наинки мансаб учун !
Ўзим ҳам юсакларга қанот қокдим,
Айб бўлмас орзу учун – талаб учун...

Ким айтар: ёмон бўлдим, йўлдан қайтдим?
Қозоққа ширин-ширин ўлан айтдим;
Ўланда ҳеч ким менга тенг келмади,
Лекин қадрим тополмай йиғлайман жим...

* * *

Қозоғим, шўрлик юртим, вайрон юртим!
Қоронғида йўл тополмай, хайрон юртим!
Ёмон билан яхшини фарқ қилолмай,
Оғзидан ҳам қон, ҳам мой сарсон юртим!

Қарасам, ажабтовур юзинг сенинг,
Нечун ахир, алдамчи сўзинг сенинг?
Доноларнинг ҳикмати писанд эмас,
Ғофил қолган, адашган ўзинг сенинг!

Тунда уйқунг бузилар, кундуз – кулкинг,
Дардингга эм бўлмади молинг – мулкинг!
Очқўзсан, тамагирсан, қурумсоқсан,
Бор савлатинг бошингга кийган тулкинг...

Бий бўлди қийким бойлар бош-бошига,
Доғ солди, захар солди юрт ошига,
Қўрқаман, асоси йўқ кўр сингари,
Элим унар бузуклар алдашига!..

Оталарга ўхшамай қолди турқинг,
Ёпирай, мунча кетди, элим, хулқинг!
Бирлик йўқ, барака йўқ, бузилди феъл,
Қани йиққан давлатинг, боққан йилқинг?

Элат билан элат ёв бийлик учун,
Оға билан ини ёв сийлик учун,
Қозоғим, ўз-ўзингни ўнгламасанг,
Бадбахт кунга қолмасми тақдир бутун?

Мен нетай, ахир кимга умид боғлай?
Қўрқоқ қуллар юртида не бахт чоғлай?
Бир йўлчи топилмасми сарсон элга,
Мен излай, мен ахтарай, мен сўроқлай...

* * *

Мен ўланни ёзмайман эрмак учун,
Ўтган-кетган гапларни термак учун.
Мен ўланни ёзаман тушунганга,
Авлодимга бир сабоқ бермак учун.
Сўзимни тентак уқмас, зийрак уқар,
Кўнглининг кўзи очик, сергак уқар.

Қийшиқ-қинғир йўллардан келма менга;
Тўғри кел, кўп сир очиб ташлай сенга.
Эҳтимол, биринчи гал уқмассан ҳам,
Ўлан алифбесидан бошлай сенга.
Айтиб қўяй, ёқмаса шу замоноқ айт;
Янги ўлан сўрамай, оулингга қайт.

Мен ўланда афсона куйламадим,
Олтиндан куйма қизни ўйламадим.
Кексаларга ҳеч ўлим тиламадим,
Ёшларга ёмон бўл деб сўйламадим.
Жирканмайин, сўз аслин мендан сўра,
Сўзимнинг таги теран, пайқаб қара.

Ота билан олишган – одам эмас...
Саргардон ҳам саёқлар ҳеч ким эмас.
Ватансиз, нодон, молсиз етиб-ортир,
Хотинбоз, қуруқ савлат, сир ҳам эмас:
Қозоқда бангилар ҳам чиқиб қолди.
Беҳунар хангилар ҳам чиқиб қолди.

Ўлан кўп, тузсиз ўлан тегди жонга.
 Ёлгон гап тўлиб кетди бу жахонга.
 Оқинларга, ялинаман, ақлга кир,
 Ақл сўз, сайлаб сўйла ёш инсонга.
 Ўлан бор – ўланларнинг ўланидир.
 Ўлан бор – бемаънидир, бемаънидир.

КУЗ

Сур булут, ранги совук, тўлар осмон,
 Далани қучоғига босар туман.
 Тўйганданми, билмайман, тўнганданми,
 Уюр-уюр йилқилар чопар ҳар ён.

Майсазор йўқ, тараса елларда соч,
 Тиланчидай қуп-куруқ ҳар ён оғоч.
 Гўдаклар шовқин солмас, югуришмас,
 Чўл ёниб кетган каби қип яланғоч.

Бировлар – пўстин тикар, териси мўл,
 Бировлар – жулдур чакмон, кезади чўл;
 Бой учун кийгиз босар гала чўри,
 Бировлар куни учун олади йўл.

Турналар тўп-тўп учар тушлик ёкка,
 Сарбони бор карвонни бошламоққа.
 Қай овулга бормагин, ғусса тўлик,
 Ел ўшқириб чопади тоғдан-тоққа.

Кўнгилсиз қора совук, қирда юрсанг,
 Биров келиб қарамас ёлғиз ўлсанг.
 Гўдаклар оч, инграшар кампир ҳам чол,
 Итлар ҳам оч увлашар қайда кўрсанг.

Ёз ўтди айрон ичиб яйловларда;
 Олов йўқ, бу чоқ қора ўтовларда.
 Шўринг қурсин, козоғим, шўринг қурсин,
 Молинг мўл, оч кезасан қишловларда.

* * *

Ёз кетди, қишнинг боши, дала бежой,
Қора ел сўкиб турар бир-икки ой.
Қор тушгунча яйловни фойда кўриб,
Қишловдан ҳамон нари ўтирар бой.

Гадой шўрлик юради пода боқиб,
Ўтини йўқ исинса олов ёқиб.
Хотин урчук йигирар, юнг савалаб,
Чакмон тўқир совукда елка қоқиб.

Жулдур ўтов ичида музлар гўдак,
На қуюқ, на суюғи... бўзлар гўдак.
Чурук кийгиз остида титрар бобо.
Тушида гўшт кўрганини сўзлар гўдак...

Қари қўй сўйдиарар бой бахиллиги,
Оч юрибди камбағал ақллиги.
Уришмайин ярим қоп қий берса ҳам,
Қўйчи бойнинг каттакон сахийлиги...

Бўронда ҳам тўнгмайди бой боласи,
Овлоқ жойи – қозоқнинг кенг даласи.
Қарол ўғли бош букар хизматида,
Писанд эмас кўз ёши, оҳ-ноласи.

Соядай ҳам ўрин йўқ бой уйида,
Сорқитга ҳам илинмас шу кўйида,
Лекин узоқ кетолмас, чораси йўқ,
Ё раббий, ҳар ким кулсин ўз тўйида!

Бой бўлса ўз ўғлидан кўнгли тўлик,
Ҳар дам мақтар: азамат, жуда бўлик...
Ошин эплаб ичолмас, ит боласи,
Қарол ўғли оч ётар, ранги сўлик...

Қаролига бермайди бой парча нон,
Хизматга ҳам хайри йўқ, ёвуз ҳайвон,

Меҳри йўк, инсофи йўк, имони йўк,
Нега одам яратдинг қодир мавлон!

Қароли оч ўлса не, бой ўзи тўк,
Ҳақ танимас, бағрингга қадалсин ўк!
Ёш бола, кампир, чолни тентиратмай,
Ҳеч бўлмаса бир қиш боқ, инсофи йўк!

КЎКЛАМ

Кўклам келса, қолмайди қишнинг изи,
Қули урар кўкламзор ернинг юзи;
Жон киради борлиққа, табиатга,
Она янглиғ жилмаяр куннинг кўзи.

Кулишар, ўлан айтар йигит-яланг,
Ўтовда ўтиролмас қари-қартаг;
Жон-жонивор, одамзод яйраб кетар,
Қушларнинг қўшиғидан ҳаво жаранг.

Қирдаги, соядаги эл аралашар,
Қўй қўзилаб, оёққа ўралашар,
Қиш бўйи бир-бирини кўрмаганлар,
Қучоқлашар, ўйнашар, ҳол сўрашар.

Туя бўзлар, от кишнар, қўра шов-шув,
Капалаклар гул излаб учар дув-дув.
Етти рангли гиламдай яшил тусда –
Сулув қиздай буралиб оқади сув.

Кўл ёқалаб учрашар ўрдак ҳам ғоз,
Уя излаб югурар бола шоввоз;
Учқур отни эгарлаб кўлга тушсанг,
Чакмоқдай тез ов олар бўз довулбоз.¹

Қанжиғада ўлжаси – овчи қайтар,
Сулув қизлар нозланиб, салом айтар.
Қуш гўштига мос тушар нордон қимиз,
Баданингни балқитар, жимирлатар.

¹Довулбоз – ов қуши, лочин.

Кўкламдай кийинишар келинчаклар,
Чаккасида гунафша, бойчечаклар,
Қирда тўрғай сайраса, сойда булбул,
Гул билан тўлиб кетар – тул этаклар.

Дехқон қўш қўшади, экар экин,
Ҳафта ўтмай кўкарар экин-тикин,
Савдагорлар мол юклаб, туя қўмлаб,
Олис-олис йўллардан келар секин.

Оламга безак берган қодир мавлон,
Ер – она, қуёш – ота, нури жаҳон,
Онадай эмиздирар кўксидан ер,
Отадай меҳр тўкар ёруғ осмон.

Булут ўтса ариллаб оқади сой,
Кечаси чаман юлдуз ва тўлин ой,
Не қилсин қоронғида ярқирамай,
Қуёш чиқар чоғида ҳолига вой.

Қуёш – ошиқ ерни кўп севар эмиш,
Ер ишқида ўртаниб, қуяр эмиш,
Ошиқ йигит уфқдан кўринганда,
Юлдуз ва ой севгини қўяр эмиш.

Ошиқ қуёш тун бўйи кутар эмиш,
Висол пайтин пойлаб кўз тутар эмиш,
Сахродан оғуш очиб севганини,
Мухаббат оловида ўртар эмиш...

Қиш бўйи ер – қуёшни излар мушток,
Қута бериб сочлари бўлармиш оқ;
Кўклам ва ёз васлига қониб тоза,
Гул очилиб, тўлишармиш, етмай қучоқ.

Қуёшга тўғри боққан – кўр бўлади,
Қуёш кулса оламга нур тўлади.
Не билай, ўзим кўрдим, қуёш ҳар кеч –
Олтин чодирига кириб дам олади.

* * *

Сулувлар сараси,
Кўзимнинг қораси!
Қийнайди жонимни –
Муҳаббат яраси...

Қозоқнинг доноси,
Улуғи, отаси,
Дер: «Унга тенг келмас –
Ҳеч одам боласи...»

Йиғлайман, бўзлайман,
Дардимни сўзлайман,
Сен учун сўзларнинг
Гавҳарини излайман.

Дардимни кўзгайман,
Ҳажрида тўзмайман.
Ўзи ҳам билмасми,
Гапни кўп чўзмайман.

Ўзи хўп билади,
Ҳар замон келади;
Сир бермай, сўз демай,
Бағримни тилади.

Оқади кўз ёшим;
Йўқ ёлғиз мунглошим,
Куяман, ёнаман,
Айланар шўр бошим.

Шунчалар ситамми?
Шунчалар аламми?
Юракда ўти йўқ –
Одам ҳеч одамми?

Кўркингнинг доғи йўқ,
Доғ тушар чоғи йўқ;

Арзимни айтайин,
Хоҳ тушун, хоҳи йўқ.

Оқ манглай, қалин соч,
Соч деган бир қулоч,
Қирмизи яноқлим,
Қароғим, юзинг оч!

Сув бўлиб оқишинг
Ҳам қия боқишинг –
Оромим олибдир,
Токай жон ёқишинг?

Расо бўй, хипча бел,
Қайрилар эсса ел;
Токай мен оҳ урай,
Қароғим, бери кел!

Сен қулсанг – ёз бўлур,
Ҳасратим оз бўлур.
Кулиб қўй, очилиб,
Токай бу ноз бўлур?

Дардингда юрарман,
Азоблар кўрарман,
Мол тугул, йўлингда –
Бошни ҳам берарман.

Гул ҳидинг анқийди,
Кўркинг нур чалқийди;
Узокдан кўрганда –
Суягим балқийди.

Мақташга сўзим йўқ,
Сўзлашга юзим йўқ;
Қуёшдай гўзалим,
Қарашга кўзим йўқ.

Сенсан – жон лаззати,
Кўрк – тангри давлати;
Сулувни севмоқлик –
Пайғамбар суннати.

Кулоқ сол додимга,
Оху фарёдимга;
Кўнглимни очдим мен –
Сен паризодимга.

У ёғни ўзинг бил;
Майлига бағрим тил,
Узун гап қисқаси –
Кетганман сега зил.

Йиғлатмай беқарор,
Зероки, бўлсанг ёр;
Кулишинг, келишинг,
Қилади кўп хумор.

Тайсалга – йигитмас,
Жавоб айт бу нафас...
Худоё, юрагим
Ёнишин қилгин бас!..

* * *

Севги тили – сўзсиз тил,
Кўз билан кўр, дилдан бил,
Бир қараш, ё бир имо –
Етар... Боғланар кўнгил!

Билардим бу тилни мен,
Овлардим кўп дилни мен:
Унутдим: бу тил сирич,
Ва сочи сунбулни мен...

* * *

Оч кишим тинчланарми тўймагунча,
Тўқ киши то ёрилиб ўлмагунча?
«Бир тўйсанг – чала бойлик» деган қозок,
Эт топса – қўймас ҳолдан тоймагунча...

Меҳнатсиз, ҳаракатсиз, шўрлик қозок!
Овқат излаб тентирар, гадо – қашшоқ.
Тушларига киради қимиз ҳам гўшт.
Йўқчилик гирдобига тушган шундоқ!

Бўлсайди қимиз текин, ҳам гўшт арзон,
Ундан ҳам ширин овқат қилар армон...
Тер тўкиб, кун кўрмоқлик – одат эмас,
Тиланчилик, эй тангрим, қандай ёмон!

Ҳоли йўқ ўз уйида ўт ёқишга,
Тантирар қарамайин қора қишга;
Бир суягу бир оёқ қимиз берган –
Дарров боғлаб салади мол боқишга.

Не илож, ётга ёллан, мол топиб кел...
Молинг бўлса, сийламай туролмас эл...
Ёшлиқ ўтган беҳуда ва бемехнат,
Ёшлигинг ўтган изсиз мисоли ел!

Ҳунари бор – ҳеч кимга қарам бўлмас!
Эринчак ҳеч қачон ҳам одам бўлмас!
Эшак думини ювсанг ҳам, ҳалол меҳнат,
Ҳалол меҳнат – ҳеч қандай гуноҳ эмас !

Ўғри бўлиб яхши тўн киёлмассан,
Бир ўргансанг нафсингни тиёлмассан;
Давлат кетар, ор билан номус кетар,
Аммо, чивин жонинг киёлмассан.

Баъзига қувлик билан давлат битар,
Баъзилар то ўлгунча тилаб ўтар.
Меҳнат қилмай топганинг – давлат эмас,
Қор сувидай бир зумда оқиб кетар.

Қасам урган қувлардан нари юргин!
Тиниб оқмас сувлардан нари юргин!
Бу юртда тиланчи кўп, эринчак мўл,
Меҳнат севмас... Улардан нари юргин!

Ёшлиқ ўтди, билдингми?
Йигитликка келдингми?
Йигитлик ўтди кўрдингми?
Кексаликка кўндингми?

Ким билади, шум така,
 Не гуноҳлар қилгансан,
 Не қилмишлар билгансан,
 Қай кўчага киргансан,
 Не йўллардан юргансан.

Ким билади, шум така,
 Тугал бадбахт бўларсан,
 Оғилда ўлган туядай,
 Сен ҳам ҳаром ўларсан.

* * *

Йигитлар, ўйин арзон, кулки қиммат,
 Иккиси икки нарса – сир ва сумбат.
 Тилда эмас, чин қалбдан дўст бўлардик
 Киши бўлса яйрайди қилса суҳбат.

Бир хил одам тинглар уйдан чиққанича,
 Бир хил одам қулоқ осар укқанича.
 Сўз маъносин тушунарлик бир хили бор,
 Мағзин чақар ҳар бир сўзни ўз холича.

Чин юракдан севса экан кимни севса,
 Ўз сўзида турса экан ёнса, куйса.
 Бир хил нозик ипак каби бўз болалар,
 Арзон бўёқ каби айнар бир нам тегса.

Бўз болага келишади талабчанлик,
 Хуш феъллик, ҳунар билаш ва ишчанлик.
 Баъзи йигит сиртидан хуш кўринади,
 Қилган иши мақтанчоқлик ва манманлик.

Шу ажойиб кунларингни тотув ўтказ,
 Етишмаса бирингники, биринг етказ.
 Беғараз иноқ бўлгин, чин кўнгилдан,
 Хиёнатли бўлишликни дилдан кетказ!

Бир ерда бирга юрсанг бошинг қўшиб,
 Бир-бирингга сўзлагин қалбдан жўшиб,
 Бир-бирингни ҳурмат эткил, иззат эткил,
 Турмагин бир-бирингдан кўркиб, чўчиб.

Бадавлат йигитман деб, ҳамон бўлмас!
Енгилтаклик қилсанг сира кўнгил тўлмас.
Эр йигит ўз йўлин топиб юрсин,
Ҳаром тамоқ бўлсанг агар, бахтинг кулмас.

Бировни ҳусни бор деб яхши кўрма,
Барқарор нафсинг учун чопиб юрма!
Хотин яхши бўлмайди ҳусни билан,
Хулқини яхши билмай кўнгил берма!

Кўп чидамас арзон мато тездан тўзар,
Ўткинчи енгил ҳавас, дилни бузар.
Қунда кўрган битта бетдан кўнгил қолса,
Қилни кирк ёрган доно доим ўзар.

Юрагингнинг тўлқини хатдай танир,
Қандайча сездирмайди сўкса томир.
Ёр учун жонингни фидо қилиб –
Юрганингни билса албат, қилар сабр.

Ҳа деганда кўринар сулув ортик,
Билгин, кўпи уларнинг бўлар инжиқ.
«Бетим бор-да, бетимга ким чидар» деб,
Бири расо бино қўяр, бири тантиқ.

Ақл керак, иш керак, хулқ керак,
Эр уялар иш қилмас бўлса зийрак.
Шилта, шилқим, лўттибоз бўлса агар,
Ундайларга дўст топилар жуда сийрак.

Хотининг сени суйса, сен уни суй,
Бирга ёниб, бирга шодлан, бир ўтда куй.
Эр ақлли, хотини доно, лобар,
Тотув бўлиб яшаса гуллайди уй.

Йўк, бўлса хотинингнинг четдан ёри
Ва бўлмаса хулқингнинг кирдикори,
Кўнглинг тоза, қалби соф бўлса бир гул,
Ҳамон бирга боришар бахт сари.

Безанган, моли кўп, деб бойдан олма,
Йўксул қизи арзон, деб ҳеч хўрлама.

Ори бор, ақли бор, номуси бор,
Ота, она қизидан гофил колма.

Уйингга тотув тенгдош келса кириб,
Қовоқ солма сен уни иймандириб.
Эри севган кишини у ҳам севсин.
Хизмат қилсин кўнгли тоза юриб.

Боадаб, очиқ кўнгили бўлсин ўзи,
Маъноли, дил оғритмас бўлсин сўзи.
Сен уни ҳурмат қилиб сўзлаганда,
Хотинингда бўлмасин унинг кўзи.

Дўст бўлади бугун тотув, эртан ботар –
Қалбингга. Ҳамма иши сени сотар.
Юрагида бузуқлик йўқ, хиёнат йўқ
Чин дўстни кўнгли очиқ кимса топар.

«Фойда» деб, «мол» деб туғилар эндиғи ёш,
Меҳнат қилиб, терин тўкиб ҳеч ишламас.
Ёймачилик қилар ўзи қулки бўлиб.
Олса бермас, ҳамон унинг кўзи тўймас.

Савдо иши қимор каби – олиш, бериш,
Кўп кишининг қилган касби, мана шу иш.
Бири фойда талашиб, бири алдаб,
Довлашиб, уришиб, синдирар тиш.

Ёш болалар тез орада дўстлашади,
Жуда яқин, иноқ бўлиб олишади.
Бир-бирини кучоқлаб, ҳайқиришиб,
Ўйин битар чоғида солишади.

Биттаси йиғлаб келса уйи томон,
Ота-она шовқин солар ундан ёмон.
Тотувлиги қуриб кетсин, ўйини ҳам,
Худди шунга ўхшайди ушбу замон.

Ёмон дўстлик қазийди ўзингга гўр,
Ишонсанг унга, бир кун бўларсан хўр.
Ори бор, уяти бор зўрга ишон,
Ўзи зўрнинг бўлади ҳиммати зўр.

Қозоқнинг қайси элининг бор сараси,
Қилт этсанг доим тайёр бир жаласи.
Хулқининг бир белгиси тухмат қилиш.
Йўқ бўлса ҳам беш бериб олти оласи.

* * *

Қалбингда ўтинг бўлса
Ушбу сўзга бер кўнги!
Агар ўтинг бўлмаса
Майли тирил, майли ўл!

Танимассан, кўрмассан,
Кўз ўтингни босса кул.
Имомсизлик намозда
Қизил бошдан қолган ул.

Чувиллаган эл не топар
Бошқармаса битта кўл,
Баракали бўлса эл,
Ёқаси яйлов у бир кўл.

Япроқлари чайқалиб,
Ўйнаб турар эсса ел.
Ён-берига гуркираб,
Қуйиб турса оққан сел.

Унинг моли ўзгадан
Ўзгача бўлиб ўсар ул.
Баракаси кетган эл
Суви сассиқ, ботқоқ кўл.

Қушлар қанқаб ёқалаб,
Бола очмас сира ул.
Унинг сувин ичган мол
Ичи кетиб ошмас бел.

Кўл деб, уни ким айтар
Суви курсин у бир чўл.
Единица яхшиси
Эргашган эл – шундай Ноль.

Единица Нолсиз оқ
 Бош-бошдоқлик бўлар ул.
 Единица бўлмаса
 Нима бўлар ҳамма Ноль?

Баракангни қочирма,
 Эл тинч бўлса яхши ул.
 Тўғри сўзга талашиб,
 Оқ ем бўлма, жоним бўл!

* * *

Юрагим менинг қирқ ямоқ,
 Хиёнаткор оламдан.
 Қандай қилиб бўлсин соғ,
 Кўнгил қолган ҳаммадан.

Гоҳо ўлди, гоҳ бўлди ёв
 Кимни севса бу юрак!
 Бари душман, ё йўлга ғов,
 Суянишга йўқ тиргак.

Етиб келди қариллик ҳам,
 Уни тўсар куч қайда?!
 Дўст бўлмас қалби беғам,
 Ундан бизга йўқ фойда.

Эй, юраги дардли одам,
 Қалбимдан сен хабар ол:
 Унда не бор, қандай ғам
 Тилга кирар, қулоқ сол.

* * *

Бир сулув қиз бор эди хон қўлида,
 Хон ҳам жон берарди қиз йўлида.
 Олтин-кумуш кийгани, кимхоб эди,
 Бир-неча қиз-келинчак унинг хизматида.

Сўз бор: «Бичилса буқа, бўлар дувга»,
 Хон ғарқ бўлиб юрар хой-хой чувга.

Этимни чол сийпагандан қурт есин деб,
Қоядан қиз қулабди чуқур сувга.

Сон-салтанат юпантирмас ёш юракни,
Ким бўлса-да, соғинаркан бир тиракни.
Вақти етган даврони ўтган
Не қилсин бир қартайган қуруқ суякни?

Қари-ёшнинг даврони тотув бўлмас,
Бу эпга кўнар эт юрак сотув эмас.
Кимда-ким катта бўлса икки мучал,
Мол бериб олгани билан хотин бўлмас.

Тентаклар ёш хотин тутар экан,
Ёш аламин билдирмай ютар экан.
Ўртасида буларнинг муҳаббат йўқ,
Боғлаб қўйиб қочирадиган буқамикан?

Бой қартайса молига берар чилвир,
Мол умрни янгиламас худо ургир.
Бировнинг қизин олиб молга сотиб,
Ўтганини излаган қандай қурғур?

Хотиним қандай демас оқсоқол бой,
У билан дўст бўлиб юришинг, ёпирим-ой!
Қув хотининг кулиб қўйса маст бўласан,
Шайтоннинг шогирдининг қилиғини-ёй!

Кекса бой, жуда эҳтиёт бўл, тилга кўнсанг,
Мугуз чиқар хотинингнинг тилига кирсанг.
Ҳеч ўнгомсан, ўз-ўзинга маст бўлиб,
Дастурхон билан хотинни мактай кўрсанг.

Беғуноҳ бойбича билан бўлади араз,
Ёшнинг кўнгли илимас, у ўзига оз,
Бирови кўк майса, бири – қамиш,
Бир жойда учрашарми қиш билан ёз?

Яхши бўлмас орқани қилпанглатган,
Сағрига шапалоқлаб, суйиб ётган.
Икки кўнгил ораси – йилдек ер,
Уни қандай қўшади қасам урган?

* * *

Соатнинг чиқиллаши эмас эрмак,
 Ҳамиша умр ўтишин у билдирмак.
 Бир минут бир кишининг умрига ўхшаш,
 Ўтди, ўлди, тақдир йўқ қайта келмак.

Соатнинг ўзи – ўғри чиқиллаган,
 Умрни билдирмаган, кунда ўғирлаган.
 Муқим йўқ, тўғирлаш йўқ, келди, кетди,
 Қайта айланмас, бурилмас шудир замон.

Ўтган умр белгиси – шу овоздир,
 Кўнгилни кунда синдир, ё тиндир.
 Ақл аниқ сезган қилигингни,
 Қувлик-ла қоқасан бошқа шилдир.

Кун йиғилиб ой бўлди, ўн икки ой – йил,
 Йил йиғилиб, қартайиб қилгани – бул.
 Суянган, ишонган даврон ёлғон экан,
 Ёлғони йўқ бир тангрим, кенгчилик қил.

* * *

Одамнинг баъзи пайтлари
 Кўнглига шубҳа келса;
 Тангрининг берган хунари
 Кўк булутдан очилса.

Шилдираб фақат келишим
 Тош булоқнинг сувидай,
 Қирлаган юрак ўз ичин
 Тура олмас асло ювинмай.

Тангрининг куни ярқираб,
 Уйкудан кўнгил очар кўз.
 Кучли ўйдан бош тузиб,
 Эркаланиб чиқар сўз.

Шунда оқин белин букиб,
 Олди-ортига қарар.

Дунё кирини ювиб,
Кўриниб ўйга сўз солар.

Қирон каби қараб юзимга,
Мунг ила зорни қўлга олар.
Кек билан нодон, зулмга,
Тош отар, тўлғанар.

Адолат билан ақлга
Синатиб кўрган-билганин,
Билдирса узоқ, яқинга
Уларнинг сўзла деганин.

Аламли юрак, қайсар қўл,
Заҳар каби аччиқ тил
Не ёзиб кетса, ҳоли шул,
Ёмон кўрсанг, ўзинг бил.

* * *

Кўк ола булут сўкилиб,
Кун ёғади баъзида.
Ҳар доим эгилиб
Ёш тўкади авлоқда.

Ёғин билан янгилаиб,
Ер кўкариб, куч олар.
Оққан ёшга қангираб,
Бош оғриб, ич ёнар.

* * *

Кўк туман – олдиндаги келар замон,
Умидли нур бўлиб кўз кўп қадалган.
Кўп йиллар кўп кунни ҳайдаб келмоқда,
Сифат йўқ, сурати ҳам йўқ, кўзим толган.

У кунлар – ўтган кун билан бари бир бас,
Келар, кетар ортида из қолдирмас.
Шунинг бири – энг табаррук кун,
Наригисин биргина олло билиши рост

Ақл билан жон – мен ўзим, тан – меники,
«Мен» билан «меникининг» маъноси икки.
«Мен» ўлмасимга тақдир йўқ аввал бошдан,
«Меники» ўлса ўлсин, унга чакки.

Чироқларим, ҳавасларинг «меникида»,
Тан хуморин излайсан куни-тунда.
Адолат, ор, муҳаббат билан –
Уй йўлдошинг қабрдан ҳар ўтганда.

Молга сот, фойдага сот хунарингни,
Билиб-билмай ўй билан тинигингни, –
Шунда умрда алдамчи бўла олмассан,
У билдирмай ўғирлайди қизиғингни.

Одам гофил дунёни дер меники,
Меники деб юрганининг бари уники.
Тан қолиб, мол ҳам қолиб, жон кетганда,
Шунда ўйла, бўлади не сеники?

Мазлумга жонинг ачиб, ичинг куйсин,
Ҳаракат қил, фойданг кўпга тегсин.
Кўпнинг ғамин аввалдан тангри ўйлаган,
Мен севганни севди деб сени суйсин.

Кўпнинг бари кўп дема, кўп ҳам бўлак,
Кўп ит енгиб кўк итни кунда емак.
Адолат билан марҳамат – кўп озиғи,
Қайда кўрсанг, кўрсатиб бор, унга кўмак.

Ҳар кимнинг мақсади ўз керагида,
Била олмадим пишигин, зийрагин де.
Саёз сузар, иккиюзламачи гофил қолар,
Ҳақиқатда эса дин янада чуқурида.

* * *

Ишонма юртга, турса ҳам қанча мақтаб,
Овора этади ичида шумлик сақлаб.
Ўзингга ишон, ўзингни олиб чиқар,
Меҳнатинг билан ақлингни чархлаб.

Ўзингни ишонувчанлигинг била овора этма,
Хумор бўлиб мақтанчоқликни қувиб кетма.
Юрт билан бирга ўзингни қўша алдаб,
Ловуллаб, сароб қувган кўйинг кетма.

Қайғу келса қарши тур, қулай берма,
Қувонч келса, қизиқма, ялтираса эрима.
Юрагингга шўнғи-да, тубин кўзла,
Шундан топган – чин асл, тошдай кўрма.

* * *

Олло деган сўз енгил,
Оллога оғиз ҳеч эмас.
Ихлосли юрак, чин кўнгил,
Бошқаси ҳаққа йўл эмас.

Танининг барча қуввати
Ҳунарга солар бор кучин.
Юракнинг ақл чанқоғи,
Муҳаббат берса тангри учун.

Ақлга сиғмас у оллох,
Таърифга тилим қисқа ох!
Борлигига шубҳасиз,
Не мавжуд бўлса, шу гувоҳ.

Ақл билан ҳавас борлигин
Билмайдир, юрак сезадир.
Мутакаллимин, мантиқин
Бекор бўшга сочадир.

* * *

Қуруқ хой-хой бақирган
Қулоққа қўшиқмикин?
Ҳунарсиз йўргалаган
Одамга танмикин?

Нукул нодон қасам урган,
Қанча айтсанг, жонмикин?
Бўш юриб қуруқ қолган
Умридан розимикин?

* * *

Мен салом ёзаман,
Ёрим, жонгинамга.
Қайғунгдан озаман,
Борувчи айтармикин?

Кун бўйи кутаман
Келар деб хабаринг.
Қайғурмай не этаман,
Бизда йўқ назаринг.

Кўнгилга юпанч,
Сен эдинг бозорим.
Сенсиз йўқ қувонч,
Тўзди энди мозорим.

* * *

Қулоқдан кириб, жонни олар
Яхши қўшиқ, ширин куй.
Кўнгилга турли ўй солар,
Агар суйсанг, менча суй.

Асар ўйдан чиқади,
Ўзимни-ўзим унутиб.
Кўнглим энди уқади,
Юрагим ўзимни йиғлатиб.

Чанқаган чўлда сув топса,
Бош қўймасми булоққа?
Биров турса, ё коқса,
Гап кирарми шу дам қулоққа.

Бир куйдириб, бир суйдириб,
Ўтган кунни тергизар.
Ҳаёт тўнин кийдириб,
Йўқни бор деб юргизар.

Эшитгандай бўлади
Қулоғи эски шивирни.

Эски ўйга қўнгил тўлади,
Тирилтириб ўтган қурғурни.

Ичиб чуқур бўйлайман,
Ўтган куннинг аччиғин.
Яна чин деб ўйлайман,
Юртнинг ёлғон сўзларин.

Яна ишона бошлайман
Кунда алдагич кувларга.
Эсим чиқиб қочмайман,
Мен ичмаган заҳар борми?

* * *

Алоҳида эсдан кетмас қизиқ қайда?
Йўлиқар қиз қайда чуқур сойда?
Сулувлигини қўяйин, хулқи ортиқ,
Ақлли, тоза юрак, сўзи майда.

Бу умрнинг қувончи муҳаббат ила,
Гўрга кирсанг қани яхши от ила.
Ортингда сўзинг билан ишинг қолса,
Ўлсанг ҳам тенг бўласан ўлмаган ила.

Юрақдан изи кетмас қизиқ кўрсак,
Яхшилиқни аямай юртга бўлсак,
Яқининг ҳам, ёринг ҳам, ошиқни ҳам –
Ҳаммасини қизигини кўриб билсак.

* * *

Қуввати ўтдай гуркираб,
Воизингга ўлчаб тизилган.
Ёмғирли жойдай сиркираб,
Кўк булутдан узилган.
Афсус тил, афсус сўз –
Нодонга қадрсиз.

Таваккал билан ботир ўй
Ўткир тилни найза этиб,
Олишишиб кўрди-ку,
Неча турли хийла этиб.

Уйғонмаган афсус юрт,
Уялмай қолган жим-жит!

Ақл билан ўйлаб билган сўз
Жисмингга сиғмас, сирғанар.
Иштиёк билан сезган сўз
Бор томирни қувалар.
Қўшиқ айтар ёд олар,
Тубида қуруқ қолар.

* * *

Шум дунё тўнаб ётир, ишинг борми?
Бояги куч, бояги тусинг борми?
Олди умид, орти ўқинч алдамчи умр,
Орзуларин ерга тикмас кишинг борми?!

Таъми кетмас, бузилмас ширин борми?
Бир беш куннинг ўрни йўқ олиб борарга.
Қай қувончи татиди шум умрнинг
Тотувли араз, яқинни ёт қиларга?

Эт юраксиз лабнинг айтма сўзини,
Тил ўрганган нафсининг қув феълини.
Тилда суяк, лабда чегара борми,
Чимилдиқ бўлиб кўрсатмас чиннинг юзини.

* * *

Ўлсам, ўрним қора ер нам бўлмасми?
Ўткир тил бир уятчан қиз бўлмасми?
Муҳаббат адоват билан жанг қилган
Менинг хайрон юрагим муз бўлмасми?

Чорасиз тақдир бир кун дуч бўлмасми?
Бировга секин, бировга тез келмасми?
Асов юрак оёғин чалиш босган
Жойин топиб кетидан сўз бўлмасми?

Шунда жавоб беролмайин мен бечора,
Сизларга таъсир этар билиб қара.
Икки куймоқ бир жонга адолатми?
Қани қара бир жонман, жоним яра.

Юрагингнинг тубига чуқур бўйла,
Мен бир жумбоқ одамман, уни ҳам ўйла.
Уриш-жанжалли ерда ўсдим,
Мингтаси билан ёлғиз олишдим, гуноҳ қўйма!

Ёшимда соғлом ўсдим, ўйдан йироқ,
Ҳийлага, жаҳлга ҳам ёқдим чироқ.
Эрта уйғондим, ета олмадим,
Кўпни кўрдим бу элдан бироқ.

Ўй киргач тегмади эрк ўзимга,
Сандалиб кун кечган тушма изимга.
Ўзи кўрмай, эрк бермай, юрт хўр этди,
Сен эскариб, тинч ухлат, боқ сўзимга!

Ичим тўла заҳар билан ўт, сиртим дурдай.
Мен келмасга кетарман ҳеч ундирмай.
Ўлан яхши – ғийбатчи юртга ёяр,
Сирымни тўхтатай айта бермай.

* * *

Юракда ғайрат бўлмаса,
Ухлаган ўйни ким туртмак?
Ақлга нур қўнмаса,
Ҳайвонча юриб кун ўтмак.

Ошмаса ақл ғайратдан,
Чуқур бормас ҳеч ким.
Кексангнинг ўйи чор тортган
Одати енгиб ўтирар жим.

Тан суйганин бермаса,
Жон чидамас жон ачиб.
Бера берсанг бер деса,
Умид қилар талашиб.

Мола ҳам бор жону тан,
Ақл, туйғу бўлмаса.
Тирикликнинг неси бор
Чуқур ўйлаб кўрмаса?

Отимни одам күйган сўнг,
Қандай нодон бўлайин?
Халқим нодан бўлган сўнг,
Қандай бориб ўнгаин?!

* * *

Эсингдами ёш кунинг,
Қалбинг тўла, бошинг бўш.
Қайғу, ўйсиз, маст кунинг –
Кимни кўрсанг бари дўст.

Муҳаббат қизик, мол ва бахт
Кўринар эди дўстга ўрток.
Умид яқин, кўнги оқ,
Бўларми шундай қизик чоқ?

Э, худойим, қайда шу йиллар,
Муҳаббат, қизик мўл йиллар?
Секин-секин чекиниб,
Олислаб кетди-ку қурғурлар!

Ялинсанг ҳақоратлайсан,
Соғинсанг яна йўқлайсан.
Муҳаббат кетди, дўст кетди –
Ета олмай тўхтайсан.

Кўзимга ёш бер, йиғлайин,
Чидам бер, сабр қилайин.
Ярадор бўлган юракка
Даво бер, ямаб кўрайин.

* * *

Юрагим, нени сезасан,
Сендан бошқа жон йўқми?
Кўнглим, дунё кезасан,
Муқим жой йўқми, қўй тўхта!

Сезганингни сездириб,
Ета олмадинг ўртоққа.
Тирик жондан бездириб,
Олиб кетасан қай ёққа?

Ўртоқлик, тинчлик, дўстлик-ку,
Унинг кадрин ким билар?
Ҳар кимга оқ тилак қўшдик-ку,
Ҳаммаси – одам сотар савдогар.

Халқнинг номи керак-ку
Ё ёмонлаш, ё мақташга.
Титраш бари зерикиш-ку,
Бари ёмон тўхташга.

Дўстни қайдан топасан,
Кенгашишга одам йўқ.
Нари-бери чопасан,
Ёлғизликдан ёмон йўқ.

Ақл айтсанг бировга,
Ичинг эриб, эгилиб,
Уялмас ҳақин тиловга,
Бермасанг қолар осилиб.

Ақл бериб танлатган
Сўз юракка қўнарми?
Қулаган, сотган тангри отган
Ўнгдирарми, ўнгарми?

Куйсин, юрак, куйсин,
Куйганидан не фойда?
Дунёда нени суясан,
Умр қайда, дўст қайда?

* * *

Кўланка бошин узайтиб,
Узоқни кўздан яширса;
Кунни вақт қиздириб,
Кўк уфқдан оширса;

Ғубор кўнглим сирлашар
Оқиш тортган бевақтга,
Тубан қараб мунглашар,
Ўй кетади ҳар ёкка.

Ўтган умр – кўп сўқмоқ,
Қидиради талайни.
Ким олдинда, ким тўқмоқ
Солади, шуни санайди.

Нени топсанг шуни топ,
Ярамайди керакка.
Фақат захар йиғиб қоп,
Сепади шўлик юракка.

Шошган кучук шекилли
Увиллаб юртга қайтган ўй
Ўкинади, йўлинг ёпилди,
Овора бўлма, уни қўй.

Эрмон чикди, ит қилиб,
Бугдой сочган экинга.
Шунчаки юрганни тит қилиб,
Тинч ўлсангчи тагинда.

* * *

Қувонманглар ёшликка,
Елдирса кулги, мастликка.
Кўзинг қайдан етади
Дўстлик билан қасдликка?
Тенгдошингнинг қизиқ деганин
Сўз экан деб олиб чикма,
Ҳалол топган тийинни
Солиб сақла қопчикка.
Қўллаганни кўрғаб бок,
Мол арзон деб ховликма.
Сипойи юр, меҳнат ўйла,
Данғиллатиб коктирма.
Ўзингча бировга бўй солма,
Эллик бешда биз яна
Ишонар одам топдикми?
Орсиз хумор бўлганлар
Ўпир-тўпир, шақ-шукка
Тушунмай юрар, кўрдингми?
Жаранг-журиг, так-туққа?

АБАЙ ҲАЗИЛЛАРИ



СЎЗ ҲИЙИНИ

Бир гал Абай Учқара деган жойдаги Қўнтай-Тўнтай овулига, яъни, тоғалари олдига бориб келгиси келганини отаси Қунонбойга билдирган экан. Шунда Қунонбой: «Гап келганда отангни ҳам аяма» деб насихат берибди. Бир пайт тоғаси Тўнтой намозини нари-бери ўқиб, шошилиб тугатганида, ҳам диний қоида бузиб, оятларини чалғитиб ўқигани Абайга ғайри оддий кўринибди. Абай:

– Тоға, билган киши намоз шариатини бузса ҳам бўлаверар эканми? – деб мушкул савол билан мурожаат қилди. Тўнтой:

– Ҳа, болам, бу саволинг жуда ўринли бўлди. Сенинг бу сўраганинг Имом шафигининг тор йўлларига мансуб. Аммо биз пир ҳисоблайдиган Имом аъзамнинг йўли биттагина: яъни олам қандай кенг бўлса, унинг шариатлари ҳам шундай кенг. Турли-туман камчиликлар кечирилаверади. Чунки, бу қоида «отнинг ёли», «туянинг жуни», «садоқнинг ўқи» каби қатъий эмас, – деб кўзини лўқ қилиб, кулиб жавоб берибди.

Абай уйга келиб отасига: Тўнтойнинг бунда ўйланмай туриб айтган, кескин ҳамда зардали сўзи дилимга қаттиқ теғди, – дебди. Қунонбой шунда:

– Хўш, бу жумбоқ сўзни қандай тушундинг? – деб жахли чиққан экан. Абай:

– Жавобини адолат билан айтадиган бўлсам, «Отнинг ёли» дегани – Енглик Кебекни отга судратиб ўлдиртирган ёвуз Кенгирбой бийнинг ҳукмронлиги. «Туянинг жуни» дегани – Қўдарни келини билан бирга туяга тепалатиб ўлдирган бийларнинг ҳукми. «Садоқнинг ўқи» деб ачиниб айтган сўзи – Қалқаман – Мамирни садоқ отиб ўлдирган Кўке-Тўбиқнинг халқига тамға бўлиб босилганини англадим, бармоғимни тишлаганча йўлга тушдим, – дебди.

ОҚ ФОТИХА

Тўнтой тоғаси йўлга чиқиш олдидан Абайга қараб: «Истаган нарсангни уялмасдан олиб кетавер», – дебди. Абай:

– Тоға, ким олиб олти, еб етти бўлар дейсиз. Раҳмат: Йўкса «олувчига олтига ҳам оз, берувчига бешта ҳам кўп» деган матал ҳам бор эмасми? Аниқроқ айт десангиз, ўзингиз айтганингиздек, истасам ҳам, жиянлик йўли билан олиб кетсам ҳам, остингиздаги отни менга атанг – шу оқ отни миниб кетсам», – деб мих қоққандай қилиб сўз айтибди. Тўнтой:

– Олақол, Абайжон. Яна бошқа бир истагим бор. Халқ сени оқин дейди. Оқинлигингни дастлаб ўзим синаб кўрай, қани, тўрт молнинг хосиятларини ўланга киритиб айтиб бер-чи? – дебди.

Абай сал ўйланиб туриб:

Асил мулк бўлади қўйнинг жуни,
Сержун туя гўзал ёзнинг куни,
Қимизи яхши отнинг илиги ортиқ,
Сигирнинг кузда ичсанг яхши сутини, –

деганида, тоғаси:

– Раҳмат, асло ёмонлик кўрма, товон тагида топиб айтган ўланингнинг ҳеч бир камчилиги йўқ, бир-бирига қофияланиб, ҳақиқий бўлиб чиқди, – деб меҳрибонлик билан оқ фотиҳасини берибди.

ЎН ИККИ ЯШАР АБАЙ

Абай оқинликни, сўз ўйини қилишни яъни ўз вақтида топиб айтишни эрта бошлаган. Чунки 10–12 ёш бола пайтида Абай айтган қулгили, хазил-мутойибали ўланлари бўлгани маълум.

Кунлардан бир кун овулнинг чекка томонида йилқилар ўтлаб юрган жойда, бошқа овулдан туя миниб келаётган аёл киши кўриниб қолибди. «Бу ким бўлди экан?» деб овулдаги одамлар қараб турса, Абай халиги туя ҳайдаб кетаётган аёл ёнига етиб боради. Қайтиб келгандан кейин одамлар «Билдингми, ким экан?» деб сўрашганда Абай:

Ким экан деб эдим бу туя ҳайдаган,
Аёл экан белига кул боғлаган.
Отасининг бергани ёғир айғир
Уларга лаънат шундай қариндош бўлган, –

ОТА БИЛАН БОЛА

Абай отасининг олдида сўз айтмай, халқ урф-одатларига кўра уни хурмат қилиб, югуриб хизматида бўлган.

Қунонбой оға султонга Бўдав жиров:

«Бир пайтлар тарлон эдим боғланган,
Талашиб тор жойда ўрмалаган.
Кўпайди косов тутган доҳийсимоқ,
Йўлиқдим қув замонга бўлмалаган.
Сенмидинг ишонган тўрам эл бошқарган,
Одам бўлиб эл-юртингга сўз сўзлаган.
Ҳаёт тарозисин тенг тутмасанг,
Ўзингдан кучли чикса, сен ҳам қоларсан...», –

деб тайёр овқатга қарамай, отига қамчи уриб кетиб қолибди.

Кейинги йили Бўдавни чақиртириб олган Қунонбой хожи: «Эй, Бўдаке, қайси одамнинг оғзига мени қопқоқ қилмоқчи эдингиз! Уларнинг аҳмоқ каллалари оғзига тиним берармиди?! Шуларнинг ҳаммасига сен айбдорсан деб бўйнимга гуноҳ ортдингиз! Шу айбим – мана бўри териси музлаб қолмассан, мана қара ола бўлмассан, Бўдаке» дебди. Отасининг бу гапини Абай: «Бўдаке қандай одам? Сизнинг мартабангизни у киши менсинмаганими?» деса, Қунонбой: «Мен оға султон бўлсам, у жиров. Дўстмиз. Мен овул хўжайиниман, у эса меҳмон, йўли катта замондошим. Овулингни бошқара олмасанг, ҳали ундан ҳам зўрини кўрсан деди у менга. Шу нарса учун мен айбимга иқроп бўлдим. Халқ тизгинини тутган киши ўз нуқсонини сеза олиши керак...», – дебди.

Отасининг аниқ-аниқ айтган сўзларини англаган Абай унинг фаросатига қойил қолди.

КАТТА ГУНОХ

Кунлардан бир кун халқ тўпланиб, Абайнинг отаси билан сухбатлашиб қолибди. «Мирза, туяни таёқ билан қувлаган аёлга жарима солибсиз, бунинг қандай маъноси бор?» деб сўрашибди улар. Қунонбой уларга шундай тушунтирган экан: «Бундайлар учун чора қўллагасанг бўлмайди, чунки авж олиб кетса, кейин тузатиб бўлмас ҳолга келади. Халқни бошқарган одам бугунги иш билан эртани таъминлаши керак. Бузилиш осон, тузалиш қийин. Дардни авж олдирмай, даволаш керак. Бузуқни тузатиш – халқни тўғри йўлга солиш. Сизлар учун арзимас бўлса ҳам, мен учун бу катта гуноҳ ҳисобланади. Туянинг айби – қашиниш. Ҳайвон қашинмаса туролмайди. У ҳам худонинг ўн саккиз минг оламининг бири», – деб жавоб берган экан.

АБАЙ БИЛАН АЛШИНБОЙ

Абай ўн уч ёшида қайнотаси Алшинбойнинг олдига салом бериш учун келади. Абайнинг қайин томонлари ҳамда тоғалари ҳам Қоракесек уруғининг ичидаги шаншарлар эди. Абай бобосининг уйига кириб келса, Шаншарларнинг бир нечта кексалари жиянини ҳам сийлаш, ҳам синаш мақсадида уни атай кутиб ўтиришган экан.

Абай эшикдан кирган захоти овозини чўзиб: – Ас-салому а-лай-кум! – деб уйдаги кишиларга салом берибди. Шунда кексалардан бири:

– Бай-бай-бай, мана бу томоғи йиртилган сўзамолнинг авлоди-ей, саломнинг ўзини қўшиқ қилиб юборди-я! – деса, иккинчи бир қария:

– Э, отаси Қунонбойга ўхшамайди, бу тили билан ёмон кўзлардан худойим сақлагани-ей! – деб қолибди. Учинчи чол унинг гапини юлиб олгандай:

– Ҳозирдан жундор тўқли қўчқордай бутун танасини тук билан қопланганини айтмайсанми?! – деди...

Шунда Абай бошқа шаншарларга сўз навбатини бермай, ёқимсиз сўзларини кўнглига олиб, учала чолнинг сўз усулига мослаб:

– Эҳ, афсус! Қизларингизни узатишдан аввал ҳаммаларингиз бирдай «тукли йигит билан турмуш қурма» деб айтмаганини-ей! – деб тўрға чиқиб ўтирволибди.

Даврада ўтирган Алшинбой ҳалигиларга қараб, қаҳ-қаҳ отиб кулиб:

– Ана энди, бу учалангга етарли совға бўлди! – деган экан.

АБАЙНИНГ ЖОНКУЯРЛИГИ

Азберген деган камбағал оқин бўлган экан. У болачақасини боқолмай, кийналиб юраркан. Бир йили яйловга кўчиш учун от-улов тополмай, овулда қолиб кетибди. Болаларининг ейдигани тугагандан кейин, ноилож яйловга борса, тушовланган бешта от далада юрган экан. Уларнинг ҳаммасини ушлаб олиб келиб, сўйганини сўйиб, болаларини овқатлантириб, қолганини ҳайдаб юборибди. Йилқилар орасида Абайнинг тенгқур дўсти Кўжекбойнинг кўпчиликка машхур бўлган кўкбош оти ҳам бор экан. Отларни Азберган ўғирлаганлиги аниқланиб, Абай билан Кўжекбой бошлаб келган бийларнинг олдига уни олиб кирибди.

Бийлар Азбергенга: «Нима дейсан?» деса, жавобини ўланга солиб шундай дебди:

«Абай оға, менда йўқ қандай камчилик,
Буни менга қилдирадиган камбағалчилик.
Беш от орасида кўкбош ҳам бор,
Бўлмаса ўзингдан бир хомийлик.
Новча қандай қараса паканага,
Уйимдаги оч ўтирган бола-чақага,
Бола-чақа очлиги ёмон экан,
Ўзингиз қилмасангиз жоначирлик», –

деганида, Абай билан тенгдош Байзоқ деган камбағал бий хўнгиллаб йиғлаб юборибди. Ўринсиз йиғлаган Байзоққа қараб Абай: «Сен нима учун йиғлайсан?» – деб сўрабди.

– Уйимда менинг ҳам бола-чақам кўп эди, Азбергеннинг камбағалчилик билан бола-чақага бўла ўғирлик қилгани учун кўнглим бўшаб кетди, – дебди Байзоқ.

Абай Байзоқни одил, ҳалол одам бўлгани учун хурмат қилар экан. У Кўжекбойга қараб:

– Эй, Кўжекбой, кўкбошингни мен миндим, энди уни менга совға қиласан, – деб бақрайиб қарабди.

Қўжекбой рангги-туси ўзгариб:

– Абай билан Байзоқ учун тўрт отдан кечдим. Аммо Азбергеннинг бундан кейин ўғирлик қилмаслигига ким гаров бўла олади? – дейди.

Азберген эса бадтар йиғлаб: «Ўғирликни ташладим, афсус камбағалчилик ҳам бир офат-да», – деганида Абай унга:

– Агар сен ростдан ҳам ўғирлик қилишни ташласанг, мен айтган офатингни олдини олиб турай, – деб шу жойнинг ўзида озик-овқат, болаларига кийим-кечак олиб берибди.

ШЕЪР БИЛАН АЙТИЛГАН ШИКОЯТ

Чилланинг иссиқ кунларининг бирида Қунонбойнинг Ўспани қудук, тепасидаги ошлов ёнида тўп бўлиб турган йилкиларни кўриб, уларни суғорай деб ёнида Абубакирни эргаштириб, қудук томонга юрибди. Исмағулнинг (Қунонбойнинг Айқиз деган кичик хотинидан туғилган боласи) бир букаси бор экан. Йўлда келаётган буқа Ўспанга қараб югурибди. Шунда Ўспан буқани икки қўли билан икки мугузидан ушлаб, бўйини бураб йиқитибди. Абубакирга: «бориб овулга хабар бер. Буқасини тез бўғизлаб олишсин, энди қайта туrolмайди», – дебди. Эртасига Исмағул Ўспандан хафа бўлиб, менинг буқамни жўртага ўлдирди, деб хеч кимга билдирмай, онасининг ота юрти – тоғалариникига кетиб қолибди. Ўспан унга одам юборса ҳам, ўзи излаб борса ҳам келмабди. Ниҳоят Абай махсус хат ёзиб, бировни юборибди. Абайнинг:

Тоғ оралаб йўртади кўк бўрилар,
У яна от ортидан йўрғалар,
Олис кетиб, четга қўнган оғайнилар,
Қанча одам кўзига балодайин кўринар, –

деган бир оғиз ўлани Исмағулни қайтарибди.

ҚАТПА ҚАНДАЙ ҚОЙИЛЛАТДИ?

Абайнинг тарбиясини олиб ўсган Қатпа деган кал бола бир куни аравакаш бўлиб юриб, бойлар тўпланган бир йиғинга келиб қолибди. Юрт бийларининг орасида Тўйшибек деган боши кал бой ҳам бор экан. У ўзининг кал

эканлигини яшириб, бу ҳақда сўз қўзғалса, у жойда ўтиролмас экан. Ўзидан даражаси пастларга, аравакашларга тинчлик бермайдиган тили захар, тинчимаган одам экан.

Улар даврасида ўтирган бир маҳмадана Қатпага:

– Эй, кал! Бор отларга қара! – дебди.

Шунда Қатпа бола ўзини йўқотмай:

– Катта калга айтдингизми, кичик калга айтдингизми? – деб сўрабди.

Уй ичида ўтирганлар дув этиб кулишибди. Бунга чидай олмаган Тўйшибек нима дейишини билмай, уйдан отилиб чиқиб кетибди.

АБАЙ БИЛАН БИГЕШ ЧЕЧАН

Тўбиқди уруғининг беш бўлиси, раҳбарлари Абайларнинг овулида бир даъволашувни ҳал қилаётган жойда Бегеш ҳам бор экан. Абайнинг кўрсатмаси билан даъволашув Бегешнинг қарорини қабуллайди. Бегеш кетганидан кейин халқ бошлиқлари ўзаро:

– Абай, сенинг бизга кўрсатмаганинг қолмади. Тўбиқтининг беш бўлисини бир керейнинг бўлисига қарам қилдинг. Шу ишинг тўғрими? – деб норозилик билдирибди. Шунда Абай:

– Сизларнинг сўзингиз Бегешники каби асосли бўлиб, тўғри бўлса, мен унинг сўзини қабуллармидим? Сиз бешингиз Бегешдек бўламан десангиз ҳозир отга минингларда, керей томондаги тепаликка чиқиб, бешалангиз менга беш ҳовуч шамол ушлаб олиб келинглар, – дебди синчиковлик билан қараб.

– Абай дейман, шамол ушлатармиди? Бу гапингда қандай сир бор? – деб хайрон бўлишибди.

Абай:

– Шундай экан Бегеш ҳам шу эсиб турган шамол эмасми? Шамол ушлатармиди? Сизлар Бегеш бўлолмайсизлар, – деб сўзини тугатибди.

ЭЛ ФАРЗАНДИ

Абайни Ўразбойнинг зўравонлари савалабди деган хабарни эшитиб тўрт паҳлавон – арғин, найман, керей ва увақнинг энг кўзга кўринганлари йиғилишиб, Абайни

химоя қилиб, ёнини олиб сўзлай бошлаганда, Бегеш бирдан гапга қўшилиб:

– Абай мирза, эр одам учун яра бир тугун деган, ит харомни, тентак худони танимайди. Сиз фақат тўбиқтилар учунгина ўғил эмас эдингиз, Ўрта жузнинг ишонган каттаси эдингиз. Кўпчиликнинг нори каби, кўкламдаги ёгиндай энг яхшимиз эдингиз. Арзимаган ўпкаси йўқларнинг қўли тегди деб эшитдик. Кўчнинг хотиржам бўлгани – кўк майса топгани, даъволашувнинг хотиржам бўлгани – қози олдига боргани. Ўтга ташлаб қанча ўртасанг-да, олтин ҳеч қачон жез бўлмас, оёққа пайтава қилсанг ҳам, ипак бўз бўлмас. Билим – бахтнинг меваси, билимсиз боғ – ҳар кимнинг бир озиғи. Қанчама-қанча одамлар оғзи билан осмондаги ойни олади, қўли билан қўшоёқни ҳам уролмайди. Устозидан айрилиб бу халқ нима бўлмоқчи? Саробдай пайдо бўлиб, совундай кўпириб, ириб-чириб йўқолади кетади. Абай каби ақлли, эс-хуши жойида бўлган киши нодон халқига бўла ўзлигидан айрилиб нима бўлмоқчи? Рухсат берсанг, тентагингни тийиб қўйиш учун келдик, – дебди.

Шунда Абай:

– Эй, Бегеш, чечанлик билан сўзлаб қойил қиласиз. Адолат ва ҳасрат деганлар бор эмасми? Қорақуянинг дони бўлгунча, буғдойнинг пояси бўл. Ёмон жамоанинг яхшиси бўлгунча, яхши жамоанинг ёмони бўл деса нима дер эдингиз. Ёмонликни ўзига йўл қилиб олган Ўразбойга айтилган сўз сувга ёзган билан баробар. Мени бир ит талади. Қопган итдан ўч оламан десам, менинг ҳам ит бўлганим эмасми? Айбдорни олиб келманглар, оёғимга йикитманглар, – дебди.

БЕГЕШ – САРТАРОШ

Бир кун йўли тушиб Абайнинг уйига келганда Бегеш:

– Абай дўстим, сочинг ўсиб, ўзинг озиб кетибсан, бу қалай бўлди? – дебди астойдил ачиниб.

– Соч олувчилар кесиб оламизми деб қўрқишиб юришган эди, келганинг яхши бўлди, Бегешим, – дебди Абай.

– Нимадан қўрқади, қани келчи, – деб Бегеш соч олишга киришади. Қўққисдан теккан устара бошининг терисини кесиб кетибди. Абай:

– Бу нима қилганинг? – деганда Бегеш:

– Бошингнинг хўжайинлиги ўзингда, сочининг хўжайинлиги менда қолди. Ўзинг Абай бўлганингга қарамай, сочинг

абай (эхтиёт – ред.) эмас экан. Сочингни олмай юрган сартарошлар айбдорми, олдирмай юрган ўзинг айбдорми? Ўзинг ҳал қил, – деган экан.

БЕГЕШНИНГ ДАВОСИ

Абай оғир касалга чалиниб, ажал оғзида ётганда Бегеш дўсти кўнгил сўрай деб келиб:

– Ассалому алайкум, Абайжон! Қанча-қанча одамларни сўзингга ром қилар эдинг. Энди сўзлай олмай ётибсанми? Оллонинг ўзи асрасин, нима бўлиб қолди? Эй, яхши киши, Бегешингга бир сўз айтмасанг ўла-ўлгунча кўнглидан кетмайдиган армон бўлиб қолади, – дебди.

Абай бошини кўтариб:

Кичкина овул керейдан яхши туғилган сен бир эр,
Сен кетсанг бу керейга сен каби ким келар?
Юким оғир бўлган-чун, кўтаролмай ётиб эдим,
Келдинг-ку Бегеш, кўрдинг-ку, сен кетгунча ёзилар, –

деб кўнгли кўтарилиб, руҳи ҳам анча тетиклашибди.

АБАЙ БИЛАН КЎКБОЙ

Абайнинг яқин дўсти, ҳам шогирди бўлган Кўкбой Жантой ўғли бир гал Ўразбой деган бойнинг овулига борибди. Бировлар орқали чақиртириб олганми, хуллас Ўразбой Кўкбойга бир шикоят ёздиртириб олганмиш. «Мен ёзмаганим билан барибир бошқа бировга ёздирди. Мен унинг айтганини бажариб қутулай. Ҳам унинг бермоқчи бўлиб турган бир оти билан аравасини олсам, нима кетади?» деб ўйлаган бўлса керак. Бу воқеадан тезда Абайлар ҳам воқиф бўлишибди.

Бир куни бир тўда одам овул ташқарисида суҳбатлашиб ўтирса, Ўразбойнинг кўк қашқа оти қўшилган тўрт филдиракли аравада Кўкбой келиб тушибди.

Салом бериш учун келган Кўкбойга Абай саломлашиб:
– Эй, ажал олгур! – деб жеркибди.

Шунда Кўкбой ўрнидан даст туриб:

Олса олсин ажал етса тангрим олар,
Юрагим йўқ бировни алдаб, бировни авраб.
Қисқа ип боғлаш учун бўлмагач,
Учига қўйган эдим оз-моз кандир боғлаб. –

дебди.

Ростини айтиб, тўғри жавоб берган Кўкбойнинг топқирлигидан Абай хурсанд бўлган экан.

КЎКБОЙНИНГ ҲИКОЯСИ

«Чингиснинг изғиринли бўронини бўраб, изғиринли аёзида кеч бўлиб, ғира-шира бўлиб қолганда етиб келдим. Отимни қўрага апил-тапил боғлаб, ховлига кириб, яхлаб қолган музни ғирчиллатиб, қиров босган тумоғим билан уйга кириб келдим. «Кўкше, бирор нарса де» деди Абай. Мен уялиб:

«Қизил сув қўлга қуйилмаса тошмайди,
Ҳар кимнинг бир ёри бор боши боғлиқ.
Кўнглим носқовоғингизга тушиб кетди.
Олиб берчи, Абай оға, носвойни...», –

дебман.

«Бечора Кўкше, шеър айтаман деб сўзнинг ҳам қадрини уч пул қилдинг» деди Абай. Жуда уялдим. Худонинг ўзи ёрлақаб, орамизга Ойгерим тушди: «Қайним куни бўйи йўл юриб чарчаб келди, оғаси, тўлқинланиб оғзига сўз келмай турибди» деб устимга тўнини ташлаб, юмшоқ кўрпачага ўтқазиб, буғи бурқираб турган чойдан қуйиб, майда тўғралган ёғли сариқ қозини уйиб ташлади. Кўнглимнинг ғубори ёйилгандай бўлди. Шу пайт Абай ичакли дўмбирасини қўлига олиб, уй ичини жонлантириб юборди:

«Қизил сув қўлга қуйилмай тошмайди,
Хоним – сен, садағанг мен – боши боғлиқ;
Назарим носқовоғингизга тушиб қолди,
Бера тур, Абай оға, носвойингни...»

Айтмоқчи бўлган ўланинг шундаймиди? Қизил сув қўлга қуйилмайдиган – қисқа дарё. Бунини ўзинг ҳам яхши биласан. Ҳар кимнинг ўз ёри бор боши боғлиқ деганинг нимаси? Қандай қилиб мен сенга ёр бўлиб қоламан, бечора Кўкше? Эй, Ойгерим, мен кимман, сен айт-чи, бу оқин қайнингга» –

деб Абай дўмбирасини ерга қўйиб тўхтади. Уялганимдан ерга кириб кетай десам-да, таъм тортмай оч қолганимдан қўйнинг музлатилган гўштини еб, куюқ чойни хўплаб, казидан ҳам бир-бир оғизга ташлаб ётибман.

Буғини буркиратиб, лаганда овқат ҳам келди. Оч қолган ошқозонимга паррак-парраги билан ташлаб юбордим. Бу қилиғимдан Абайнинг кулгиси қистаб: «Гўшт еса Кўкше есин-да, иштаҳасини қондириб» деб хурсандчилигини билдирди. Мен баҳонада қорнимни тўйғазиб олдим.

МАҚТАСАНГ МАНА МЕНИ — ҚУНОНБОЙНИ МАҚТА

Абайнинг маданиятлилиги, билимдонлиги, зукколиги унинг ҳар бир сўзидан, қилиғидан, иш-ҳаракатидан билиниб, сезилиб турар экан. Тенгқур йўлдоши, дўсти Эрбўл буларнинг ҳаммасига гувоҳ бўлиб юргани ўз-ўзидан маълум. Чунки болалиқдан бирга ўсган Абай ундан ички сирларини, қайси ўланини қайси қизга бағишлаганини ҳам яширмаган. Эрбўл Абайнинг кўпгина қозоқлардан илгарилаб, руслар билан ҳам дудуқланмай, уларнинг ўз тилида сўзлашишидан мағрурланар экан.

Кунлардан бир кун сўздан сўз чиқиб, Эрбўл Абайнинг шундай қобилиятлилигини, зукколигини айтиб, халқ орасида энг қадрли одам деб отаси Қунонбойга ҳам мақтабди. Шунда Қунонбой:

– Эй, Эрбўл, Сен мақтовчи бўлсанг, аввал мени мақта! Нега десанг, унинг отаси менман. Агар Абай кучли бўлса, аввал фарзанд кўрсин, тарбияласин, шундан кейин мақтарсан, қароғим, – деган экан.

АБАЙ БИЛАН АБИШ

Новчабой исмли киши йўлда келаётиб Абайнинг уйига тушибди. Уйга кириб, жойлашиб ўтиргандан сўнг у:

– Абайжон, сенга бир асл сўз, кучли фикр топиб айтган одам бўлдимми? – деб сўрабди.

Абай бир оз ўйланиб ўтириб, қуйидаги хикояни айтиб берибди:

– Менинг Абдурахмон деган болам бор эди. Уни ўттиз ёшида Семейдаги рус мактабига ўқишга бердим. Уни битиргач, Петербургга юбордим. Қишда ўқиб, ёзда дам олиш

учун уйга келди. Боламнинг билимдонлигини текшириб кўриш учун суҳбат устида:

– Жоним, Абиш, шу оламдаги яратилганлар орасида оқ нарсалар аслми, қора нарсалар аслми? – деб сўраган эдим. У иккиланмасдан:

– Оқ нарсалар асл-ку, – деди.

– Нима учун, қора нарсалар асл эмасми?

Абиш менга қараб кулиб:

– Қорани қандай қилиб асл дейиш мумкин? – деди.

– Биринчидан, одам дунёда барча яратилган нарсаларни кўзи билан кўрмайдими? – дедим мен. – Аммо кўзнинг оқи кўрмайди. Ўртасидаги кичкинагина қорачиғи кўради. Иккинчидан, қоғоз – оқ, ундан одам ўқиб билим ола олмайди, устига қора сиёҳ билан ёзганидан кейин ундан билим-хунар ола билади. Учинчидан, ёшлик пайтда одамнинг соч-соқоли қора бўлади. Шунга кўра ёшлик пайтда одамда ақл, билим, ғайрат мўл бўлади. Кексайганинда одамнинг соч-соқоли оқаради. Одамда ақл, билим, ғайрат ҳам камаяди, шунинг учун қорани ҳам асилмикин деб ўйлайман, – дедим.

– Буларни қаердан билдингиз?

– Ақлим билан билдим.

– Шундай экан ақл мияда бўлмайдими, мия эса оқ нарса эмасми? Иккинчидан, ақл – нур, ёруғ нарса. Ёруғлик эса у ҳам оққа ўхшамайдими? – деди Абиш.

Ўғлимнинг топиб айтган сўзидан қувониб, пешонасидан ўпдим.

АБАЙ БИЛАН АҚЛБОЙ

Абайнинг катта ўғли Ақлбой ота тарбиясини эмас, катта ота-оналарнинг тарбиясида улғайган. Бир кун Абай Башей мерганнинг уйига кириб ўтирса, боласи Ақлбой ҳам бирон ёқдан келаётса керак. У ҳам мерганнинг уйига кела солиб, Башейдан милтиғини сўрабди.

– Анави булоқ четида бир ўрдак қўниб ўтирибди. Оға, милтиғингни бериб тур-чи, – дебди.

Шунда Абай:

– Қўй! Нима қиласан. Башей ўзининг кун кўриш учун ов қилиб юрган милтиғи эмасми? Унинг милтиғи фақат битта ўқ билан отилади. Сенинг ўрдак отишинг учун ярамайди. Питрама ўқ эмас, – деганида Ақлбой кўнмабди.

Нолиож қолган Башей битта ўқ билан милтиғини берибди. Ақлбой яшириниб бориб қушни отган экан, ўқ тегмабди. Қайтиб келаётиб Абай Ақлбойга шундай деган экан:

Чин мерган ёлғиз ўқ билан қуш отади,
Қўрошин теккан ерини тешиб ўтади.
Ўтмас пичоқ – бояқиш болам,
Уни ҳам билган киши отади.

АҚЛБОЙНИНГ ТОПҚИРЛИГИ

Кунлардан бир кун Абайнинг бойбишаси Дилда яйловга бориш олдин уй кўтараётганда шу ердагиларнинг кўзи олтин билан безатилган яхши бир тўнга тушади. Бу тўн Дилда узатилганда ота-оналари томонидан берилган асл буюмларнинг бири экан. Бу кийимни қанча йиллардан бери эскитмай сақлаб келаётган Дилданинг саранжомлигига одамлар қойил қолди, ҳалиги тўнни «мен кияман», «мен кияман» деб Абайнинг ҳамма болалари талаша бошлади. Шунда Дилда:

– Ким бу тўнни мақтаб ўлан айтса, шунга бераман. Кимнинг ўлани яхши чиқса, шу олади, – деган экан.

Ақлбой шу заҳоти сайраб кетибди:

– Боболаринг – Қозибек авлиё бўлган,
Бевафо бу дунёдан у ҳам ўтган.
«Ё, боболарим қўлла» деб сиғинганда,
Арвоҳи шу заҳоти етиб келган,
Бекбўлат ҳам туғилган асил зотдан,
У ҳам сиғинганни қўллаб турган.
Абилайинг бошқарган Ўрта жузни,
Қитиғига текканни тинч қўймаган.
Тиленши ундан туғилиб халқ бошқарган
Ундан қўрқиб арғинга биров тегмаган.
Қозиликда айтгани одил бўлиб,
Арз билан келганлар зар ташлаган.
Алшинбой – эди сариқ-қашқа,
Бир одам сўз айтмаган ндан бошқа.
Бирортаси оға султон бўламан деса,
Ҳеч ким ҳеч қачон бош чайқамаган.

Менга мирза Тусип – бўлади тоға,
Кечиринг сўзимда бўлса хато.
Боболарингни тўлиқ санадим.
Тоғалари арвоҳини тўнга сотдим, –

деб тўнга қўл чўзганда, Абайнинг бошқа болалари оғзини очиб қолибди.

Шунда Абай:

– Дилда, тўнингнинг баҳоси тўғри бўлди! – дебди. Дилда кўзига ёш олиб, Ақлбойни кучоқлаб, пешонасидан ўпиб, тўнни ўз қўли билан Ақлбойга кийдирибди.

АБАЙ БИЛАН ҚУЙҚА

Қадимда Семей ўлкасида Уақларнинг Қўйбағис деган бобоси бўлар экан. Кунлардан бир кун Белтерак деган овулнинг йилқиси йўқолиб, одамлар излай бошлабди.

Уақнинг икки бийи ёнларига тўққиз одам ва ёши ўн олтилар чамасидаги Қуйқа деган ўспиринни аравакаш қилиб олиб йўлга чиқибди.

Изловчилар ниҳоят Чингизтовга етиб келибди-да, ўз номи билан қозоқ даштида машҳур бўлган оқин Абайнинг уйига кирибди.

Одатдагидек қўл қовуштириб, саломлашгандан сўнг, Абай келган меҳмонларнинг уруғ-аймоғи, исми-шарифларини суриштира бошлайди. Йўл бошлаб юрган икки бий дастурхон бошида қулай ўтириб олган шерикларини таништириб, қора болани қолдириб қўяди.

Бийларнинг болани назарга илмаганларини ёқтирмаган Абай: «Э, у одам боласи эмасми? – дейди. Болам, кимнинг фарзандисан?» – деб суриштиради. Бола: «Менинг исмим Қуйқа, – дейди. Абай одамнинг исми Қуйқа деб қўйилишига эътибор бермагандай бўлиб: «Э, болам, шунда сен қайси Қуйқа бўлдинг?» – дебди.

Қуйқа бақрайиб туриб: «Ўзингиз қайси қуйқани яхши кўрсангиз, мен шу қуйқаман» – деганида улуғ оқин: «Болам, сендан бир нима чикса керак», – деб боланинг жавобидан жуда хурсанд бўлибди.

ҚУЙҚАНИНГ БИЙЛИГИ

Кейинги куни чопар келиб Абайга: «Абай оға, Сизни бийликка чақиряпти», – дейди.

Бундан бир йил илгари Ўразбой ҳожининг боласи бўри, тулки оладиган тозисини Абайнинг ўгли Мағавияга овлаш учун берган эди. Мағавия бир ойча тоғнинг ёнбағрида тулки, бўри овлабди. Бир куни архар қувиб юрганида този тасодифан тошга урилиб, бели синиб ўлади. Тозининг хунини даъво қилган Ўразбой бийлик номидан бийимни чақирдим, энди Абай ўзининг бийини чақирсин деб ҳалиги чопарни юборган экан.

Абай бир оз ўйланиб турди-да, тундаги аравакаш болани чақирди. «Эй, болам, ҳозир сен бийликка тушасан», – дебди. Шунда Қуйқа: – Абай оға, мендай бола учун катталар билан тортишиш қийин эмасми? – деб тортинибди. Ниҳоят Қуйқа бийлик қилишга рози бўлди. Бола бийлик айтиладиган жойга келса, ҳожининг бийи тоғдай йўғон, катта қоринли киши экан. Даъвогарлар томони: «Юборган бийини қара, бизни кўзига ҳам илмаган-ку», – деб ёқтирмаганлигини сездирибди.

Шунга қарамай ҳожининг бийи илтифот билан Қуйқага ёнидан жой берибди. Иккала томоннинг сўзларини тинглаб бўлиб, бийлар ҳукм айтишга киришибди.

Ҳожининг бийи Қуйқага қараб: – Болам, бошла, – дейди.

– Йўк, ёшингиз катта, йўл сизники, – дейди Қуйқа. Шунда ҳожининг бийи: «Йўк, болам, Абай сени бекорга юборган эмас, бир оғиз сўз айтишга ярайди деб юборган, мен йўлимни бердим», – дебди.

Қуйқа кўпчиликка қараб:

– Яхши отнинг баҳоси қанча бўлади? – деб сўрабди.

– Яхши отнинг баҳоси икки йилқи бўлади, – дейишибди.

Қуйқа бир оз ўйланиб туриб: – Э, ундай бўлса, яхши итнинг баҳоси икки кучук бўлсин. Биттаси тозининг кучуги, биттаси тўбетнинг кучуги, – деганида ўтирганлар боланинг топқирлигига бир қойил қолса, Абайнинг одамни бир сўзидан таниб олишига яна бир қойил қолишибди.

ЖАРИМАНГНИ ОЛ-ДА, НАРИ КЕТ

Бир туячи билан, бир қўйчининг аёллари кун бўйи шанғиллашиб уришганини Абай тинглаб ўтирибди.

Уйдаги меҳмонлар кетганидан кейин Эркежонга айтиб, Абай боғлиқ турган йилқилар ичидан бир тойни олдиради. Унинг уситга бир чопон ёптириб, арқонлаб қўйиб, уришган туячи билан қўйчининг хотинларини чақиртиради. Улар келгач, икки аёлдан суриштира бошлайди.

Суриштиришда қўйчининг хотини туячининг хотинининг челагини олганлиги аниқланади. Шунда Абай:

– «Ўғлинг ўсиб келаётса, ўғли яхши билан қўшни бўл, қизинг ўсиб келаётса, қизи яхши билан қўшни бўл», – деган мақол бор. Сен иккингдан менинг келиним Камолия ёмон ибрат олиб, қайнонаси билан уришиши мумкин. Овул уй бўлсам бўлай, идиш-товоқ аралашмасин деган қонун йўқ, деб туячининг хотинини бошига хивич билан икки марта солиб қолибди-да: – Мени Абай урди деб бировга ёки бийга борсанг, менга от-чопон жарима солади. Шу жаримани мен ҳеч кимга айтқизмай, ўзим ҳал қилиб, тайёрлаб қўйдим, уйнинг ёнида боғланиб турган той билан унинг устидаги чопонни олиб, мен тургунча бу овулдан кўчиб кет, – деган экан.

СЕН СЎЗ ОЛДИНГ

Мамайнинг Эламон, Сарбас уруғининг одами Қулжабойнинг ғунанини ўғирлаб олган уруғ билан бирга Абайнинг олдига шикоят билан борибди. Абай Қулжабойнинг ғунанини ўзига қайтар дейди. Шунда Қулжабой:

Йўқ, Абай, бунинг мазмуни шундай бўлади, – деб ўзича ҳукм чиқариб, ғунанга қўшиб жарима олгиси келади. Шуни далиллаш учун узоқ сўзлайди. Абай тинглаб ўтираверади. Тахминан икки соатча вақт ўтгандан кейин Абай Қулжабойга:

– Гапириб бўлдингми? – дейди.

– Бўлдим.

– Илгари мен ғунанни ўзингга қайтариб берган эдим, Энди ғунан сенга тегмайдиган бўлди.

– Нима учун, Абай оға?

– Ўз сўзинг шунга мос келади, икки соат сўзладинг, амалда қўллайдиган ҳеч нима айтмадинг. Сенинг сўзларинг-ни мазмунига қарасам, ғунан сенга тегишли эмас экан. Сенга бир даъволашувда икки ютуқ тегмайди. Бу ерда сен ғунан эмас, сўз олдинг. Шунга рози бўл, – дебди.

КАМСИТИШНИНГ БАҲОСИ

Нурлибой деган мусофир киши Абайнинг уйига кириб келади. Куз кунлари салқин бўлганлиги учун у кичикроқ ўтовда ўтирган экан. Нонушта қилиб ўтирган Абай Нурлибойни тўрга чиқариб, обдон овқатлантирибди. Абай ташқарига чиқиб кетгандан кейин Эркежон:

– Нурлибой, уй тор, қозон осаман, бўғирсоқ пишираман, уйни бўшатсангиз! – дейди.

– Бўғирсоқ пиширсангиз уйингиздан чиқмайман, жизза ейман, – дейди Нурлибой.

Абай уйга кириб, жойига ўтиргандан кейин Нурлибойга қараб:

– Нурлиаке, хотиним билан иккинги нимани талашаётиб-сизлар? – деб сўрайди.

– Хотинингиз уй тор, бўғирсоқ пишираман, уйни бўшатинг, – дейди. Мен хотинингизга бўғирсоқ пиширсангиз яхши бўлади, мен жизза ейман дедим.

– Эй, хотин, уйинг тор бўлса, Нурлибой торайтириб турибдими? Қозон осанг, қозонингнинг ўртасига ўтириб олдимми? Гўшт пишир, тагига кўрпача сол, пиширган гўштинг Ўразбой, Кунту, Вой – Қулоқ, Абиралилар ейдиган гўшт бўлсин, – дейди. Гўшт пишгандан сўнг Абай йилқичисини чақириб: «Нурлибойга от бўладиган ювош той олиб кел», – деб буюради. Йилқичи тойни олиб келгандан кейин:

– Хотин, сандиғингдан менинг кўйлак-иштонимни Нурлибойга олиб бер! – дейди. Эркежон кулимсираб:

– Ҳалиги бир кўйлагинг бўлмаса, – дейди.

– Шу кўйлакни олиб бер.

Шундан сўнг Абай Эркежонга:

– Сен мусофир одамни камситдинг, – деб кўйлак билан той бериб кузатиб қўйган экан.

АБАЙ БИЛАН ШАВКЕМБОЙ

Абайнинг овули йўлга чиқиб, Барлибой дарёси ёқасида тўхтаган эди. Бу ерда ўтин оз экан. Тоққа бориб, дарахт кесиб олиб келиб ёқишар экан. Ўспаннинг уйида анчадан бери яшаб келаётган Шавкембой деган бир ногирон бор эди, ақли сал пастроқ, тентак одам эди. Кўрпа-тўшак берсанг ётмайди, ўзи кенг қилиб ер ўчоқ қазиб, қуни бўйи қозон остига ўт ёқиб, овқат пишириб ўтиради. Тунда ер ўчоқнинг кулини олиб ташлаб, туянинг ёпинчиғига ўралиб, шу ерда ухлайди.

Туш пайти Абайнинг уйида кўп одамлар ўтирган эди, шу уйнинг ошпази Котибой деганнинг хотини эшикдан кириб келиб, шақиллаб кулди. Абай ялт этиб қараб: «Нима бўлиб қолди, қора хотин, нима учун куласан?» – деса, қора хотин: «Шавкембой жиннининг сўзига кулдим», – деди.

– У нима деди, – деган эди:

– Дарахт кесаётган эди, болтаси ўтмай қолди, шунда бу катта уйга қараб, «кўзини бақрайтириб, молимни еб тугатди, ҳеч бўлмаса болтани қайраб беришга ярамайди» деб сизни айблади деди. Абай бир оз ўйланиб: «Йўқ, Шавкембой жинни эмас, сўзи тўғри, биринчидан, Шавкембой шу Ўспан уйида хизмат қилганига, меҳнати сингганига йигирма йил бўлди. Мен меҳнат қилмай, боқиманда бўлиб, ичиб-еб ўтирибман. Бу уй билан молни меники дейишга унинг тўлиқ ҳақи бор. Иккинчидан, Шавкембойнинг қўлидан болта қайраш келмайди. Уни бировга қайратиш менинг вазифам. Демак, у аҳмоқ эмас, мен аҳмоқ эканман», – дебди.

АБАЙ БИЛАН ҚИЁСБОЙ

Қиёсбой Абай билан замондош бўлса ҳам, ёшига кўра анча кичик эди. Феъли хушчақчақ бўлиб, доим одамларни кулдириб юрарди. Ўзи Тўбикти ичидаги Бўрсақ уруғидан чиққан эди. Қачон келса Абай уни эркалар эди. Қиёсбой баъзан бола каби анқов, қизиқ феълли бўлиб қолар эди. У баъзан зукко, кулдирувчи йигит қиёфасида кўринарди. Новча бўйли бўлган. Ўзи кийим киймай, икки елкасига мато ўраб, икки оёғини саланглатиб, тойга миниб юрар экан. «Оқ сизгирдан туғилади жийрон айғир» деган каби қулгили

ўланлар айтиб, қизиқчилик қилиб юрган. Ўланининг қофияси бўлмаган, ўргатувчилар ҳам феълига яраша ўланлар ўргатса керак. Улар Қиёсбойга: – ўланингнинг қофияси йўқ деса, у: – Йўқ, мен Абай оғамга текширттирганман, – дер экан.

Қиёсбойни тушунмайдиганлар унга «эсвос», «жинни», «эси паст» деб ном қўйиб, уни одам сифатида кўрмаса, Абай Қиёсбойнинг бола феълли ишларини яхши кўриб эркалатган. Абай уни чақириб олиб, ёнига ўтқазиб, суҳбатга тортиб, унинг сўзларини қизиқиб тинглар экан. Бир гал Абай унинг ўланини тинглаб:

– Устингдаги кийиминг
Кийим эмас, латта чув.
Юрган еринг хар куни дув,
Ташвиш йўқ, қайғу йўқ,
Отадан туғилса сендай тув, –

қани, энди бунинг давомини айт-чи? – дейди.

Шунда Қиёсбой иккиланмасдан:

– Томоғим тўқ, қайғу йўқ,
Жоним, мен ўзим қандай кув,
Хо-хо-хей... тувсан тув, –

деб давом эттирган экан. Шундан кейин бу ўланни ўзи тўқигандай, юрган ерида айтиб юрадиган бўлибди.

ҚИЁСБОЙ НАЙЧИ

Қиёсбой най чалар экан. Унинг қўнжисида юрадиган шилвиган ўйиб, нақш берилган найи бўлар экан.

Бир куни Қиёсбой найини чалиб келаётганида Абай эшитиб қолиб, бир йигитга: – Ана, Қиёсбой келмоқда, чақир – дебди. Қиёсбой келиб ўтирганган кейин Абай:

– Қиёсбой, сени оқин дейишади, бизга ўлан айтиб берчи, – дебди. Шунда Қиёсбой найини чалиб:

Оқ сигирдан туғилар жийрон айғир,
Қўйга қашқир чопади қоқанглаб,
Кўкдан чопиб келади бўтали туя,
Боғлаганим билмаса саксон арқон, –

деб ўлан айтганда Абай кўзидан ёш чиққунча кулиб, қайта айттирибди.

ҚИЁСБОЙ ҲИСОБЧИ

Бир куни Абай уйидагилар билан суҳбатлашиб ўтирса, – Абай оға, сиз ҳисоб биласизми? – сўраб қолибди Қиёсбой ёнбошлаб ётганича.

– Кўп эмас, сал-пал, Қиёсжон, – дебди Абай.

– Сал-пал билсангиз, икки юз эчкининг мугузи қанча бўлади?

– Тўрт юз бўлади-да.

– Йўқ, Абай оға, сен ҳам ҳисоб биламан деб мақтанасан-а, – дебди Қиёсбой, – шунча эчкининг ичида мугузи йўқ тўқоли, мугузи синганлари бўлмайдими? – деб пик-пик этганда уй ичида дув кулги кўтарилибди.

ҚИЁСБОЙНИНГ ТОПИШМОҒИ

Бир куни Қиёсбой Абайнинг уйига кириб келибди. Бошига кийган қизил телпагининг жунини сиртига қаратиб, ипидан боғлаб қўйибди. Абай унинг бошига қараса, Қиёсбой:

– Абай оға, сизни билимдон дейишади, менинг бошимга кийганим ниманинг териси, топчи, – дебди.

Абай кулиб:

– Мен қаёқдан билай, ўзинг айтмасанг? – деди.

Қиёсбой:

– Абай оға, бу анг-тангнинг териси эмасми? – дебди. Абай кўзидан ёш чиққунча кулиб:

– Юрган еринг кунда дув,
Сиртинг – анқов, ичинг қув, –

деган экан. – Топдинг, Абай оға, топдинг! – деб Қиёсбой бошини силкитиб кулибди.

ҚИЁСБОЙНИНГ САВОДИ

Абайнинг овули Бойқўчқор дарёсига келиб жойлашганда Қиёсбой келиб қолади. Абайнинг ёнига яқинроқ келиб ўтради-да, олдида ётган китоб ва қозога тикилиб қолади. Абай: – Қиёсбой, хат танийсанми? – деб сўрганида, Қиёсбой:

– Мен сизларникига ўхшаган хат танитайман, ўзимнинг хатимни биламан, – деди.

– Майли, ўз билганинча ёза қол, – деб Абай қалам билан қоғоз берди. Қиёсбой қаламни учидан ушлаб, қоғоз юзига йирик-йирик чизик чизди-да: «Бўлдим, ёзувга уста, билимдон бўлсанг ажратиб ўқи» – деди. Абай: «Бу ёзув эмас-ку, нимасини ўқийман», – деган эди, Қиёсбой: «Бу ёзув ана у кўтанинг ўртасида кетаётган тарғил буқанинг изи эмасми ? Мен шуни ёздим», – деди. Уйдагилар кулишди. «Мана, аҳмоқ – чизик ҳам буқа бўларканми» дейишди. Шунда Абай «Қиёсбойнинг сўзи тўғри, одам боласи илгари ёзувни, ўқишни билмаган замонда айтмоқчи бўлган сўзини ёки нарсанинг расмини солиб кўрсатар экан. Бу чизик ҳам кетаётган буқанинг изига ўхшайди, – деди.

ҚИЁСБОЙНИНГ ҲИЙЛАСИ

Тўбиктининг катта-катта зодагонлари Абайнинг уйида йиғилишиб ўтиришарди. Шу мажлис устига Қиёсбой кериб келади. Ҳеч ким унга ким келди деб қарамайди. Қиёсбой сал тўхтаб турди-да:

– Эй, яхшилар, – дейди овоз чиқариб, – Абай оғамга алоҳида айтадиган бир ишим бор эди, ҳаммаларингиз чиқиб турсанглар, – дейди. Бу жинни нима деяпти дегандай, тўрда ўтирганлар нима қиларини билмай, хавотирланиб Абайга қарайди.

Абай:

– Ҳа, Қиёсбойнинг алоҳида айтадиган иши бўлса, чиқа туринглар, – дейди. Ўтирганлар ноилож ўринларидан туриб, ташқарига чиқа бошлайди

– Нима бўлди, Қиёсжон! – дейди Абай ўзлари алоҳидан қолгач.

– Абай оға! Мени уришманг, ҳалиги ўтирганлар мени одам ўрнида кўрмади. Уларга сўзимнинг кучини кўрсатин деб, жўртага айтган эдим. – дейди Қиёсбой.

– Қиёс, хурсандман. Топқирлигинг учун қўй берсам, олиб кета оласанми? – дейди Абай ичаги узулгудай қотиб кулиб. – Олиб кетаман, нимаси бор? – дейди Қиёсбой айёрлик билан жилмайиб, – Абай оғам елкамга ортиб берармиди, олдимга солиб хайдатади-ку, – деган экан.

«Сўз топганиннга қойилман!» – деб Абай Қиёсбойга ўнтача қўйни олдига солиб берган экан.

ҚИЁСБОЙНИНГ АЙТИШУВИ

Бир йили найман Қулбой отаси Буланбойга атаб ош бермоқчи бўлиб, атрофдаги овуллардан одам таклиф қилади. Буланбойнинг ошига одамлар от совитиб, катта тайёргарлик кўради. Абай ҳам Қиёсбойни ўзи билан ола бориб, ўлан айттирмоқчи бўлади. Ошга аталган тўй-томошада навбат оқинлар айтишувига берилади. Даврага чиққан оқинларнинг бир хил мақтовларидан Абай ҳам, бошқалар ҳам зерикади. Абай навбати келган Қиёсбойни чақириб олиб, айтишувга қўшган экан. Ўз навбати келганда Қиёсбой дастлаб халқни ўзига жалб қилиб оладиган «Елдирмасини» айтиб, энди ўзининг кенг танилган овозини бир кўтариб олиб, секин айтиладиган «Агегўй» ашуласини айтиб:

– Кенг далада оқ кашкир, ўпоқ-сўпоқ,
Оқ сигирдан туғилар жийрон айғир.
Осмонда бургут куш пичан ейди,
Ориқ тўқли бош силкитди муз қотганда.
Итнинг уриб тургани ёз келгани,
Белимга боғлаганим ўн етти арқон.
Қизлар-эй, уйингнинг ўнг томонида,
Тўст-тўпалон, –

деб айтиб келиб нақоротни:

Белимга боғлаганим ўн етти арқон,
Қизлар-эй, уйингнинг ўнг томонида,
Тўст-тўпалон, –
Оқинлар-эй айтишиб мени енголмайсан,
Харом тер бўлмай ундан кўра,
Оғзингни ён ундан кўра
Ўгегўй, ўгегўй... , –

деб секинлашиб бориб тўхтабди. Йиғилганлар кулгининг остида қолишибди. Қиёсбойнинг бу ўланига айтишувда иштирок этганлар тўполон қилиб: «Бу ўлан эмас, эси наст нима деб айтиб турибди?» – деб қизишганида, ошда иштирок этиб ўтирган уезд бошлиғи: «Қанча ўлан айтилгани билан, бундай кулгига сабаб бўлгани йўқ, менимча шу яхши айтди-ёв» деган хаёл билан бош совринни Қиёсбойга берибди.

– Молининг кўплигидан керилиб юрган калондимогларнинг, нодон бий-бўлисларига пул бериб, сотиб олиб, одатлангирган хушомадгўй, феъли бузук, шанғи оқинларни мазах қилиб, бу тўдада менинг обрўйимни ҳимоя қилдинг, сенинг топқирлигингдан қандай хурсанд бўлмай, – деган экан Абай.

ЙЎЛОВЧИ ҚИЁСБОЙ

Куз кунларининг бирида Қиёсбой Семейдан пиёда чиқиб келаётган экан. Кушиқбой дарасига яқинлашганида у тез юра бошлабди. Изғирин шамол музлаб келаётган Қиёсбойни овулга етганида ташқарида турган Абай учратиб қолибди.

– Эй, Қиёсбой, ранги-рўйингга одам қараб бўлмайди-ку. Оқин эканлигингга амин бўлай. Қани, шу ернинг ўзида бир ўлан тўқи-чи. Ўйланмай туриб айт-чи? – дебди.

Шунда Қиёсбой:

– Э, нимасини ўйланаман. Ўзингман деб ўйлайсанми? Атрофига ёстиқ қўйиб, тагига кўрпача солдириб, олдига қоғоз-қалам қўйиб, ўйланиб ўтириб ёзадиган деб:

Ўй, терининг ичи сенсан, сирти тери,
Орқани кезиб юрган мен бир сахий.
Чидатмай жонимдан ўтиб кетди-ёв,
Ўқирган Кушиқбойнинг совук шамоли
Агўй, агўгўй, –

деб ўзининг илгариги мақомига солиб сакрай берибди. Абай Қиёсбойнинг жавобидан хурсанд бўлиб уйига таклиф қилибди.

Хар доим Қиёсбойни эркалатадиган Абай бир гал унга иккита семиз қўй берибди. – Буни ҳеч кимга бермай, ўзинг яшайдиган акангнинг уйига олиб бор. Айтганимни қилсанг, қишда сўқимга ҳам ёрдамлашаман дебди.

– Маъқул Абай оға, – деб Қиёсбой қувонибди. Бироқ Абайнинг айтганини Қиёсбой бажара олмас экан. Бировлар алдаб айрибошлайлик дебди. Хуллас, қўйни уйига олиб бора олмабди.

Қиш бошланишида Абайнинг уйида кўк бия сўйилган экан. Қиёсбой: – Абай оға, уйда гўштим тугади, қорним оч, – дебди. Абай шунда хотини Эркежонга: – Буни қазноқингга

кирит. Гўштдан хоҳлаганча олсин. Қўлини қайтарма, – дебди. Шундай деб ўзи чопонига ўралиб ташқарига чиқибди.

Бир пайт Қиёсбой қазноқдан чиққан экан.

– Эй, Қиёсбой, тез чиқдинг-ку. Бунинг нима? – деб сўрабди Абай.

Қараса Қиёсбой биянинг бошини, тўрт болдирини, думини олибди. Уларни қопга солган экан Абайга кўрсатиб:

– Мана Абай оға, олганим шу. Ҳозир мени кўрганларнинг хаммаси: «Эй, Абай оғанга бордингми, ҳеч нарса бердимми?» деб сўрашади. Шунда мен: «Мана, кўриб турибсан, етаклайдиган бошини, юрадиган тўрт оёғини олдим. Мен уялмай сўраб, сиз уялганингиздан беролмайдиган думни олганим нима экан? – дебди.

– Эй, Қиёсим-эй, топиб айтасан-да. Тўғри, менинг бу берганим ҳеч нима эмас, – дебди-да, бир қора мол қўшиб берибди.

ҚИЁСБОЙНИНГ ТАЪЗИЯ БИЛДИРИШИ

Абдирахмон вафот этгани ҳақида хабарни эшитгандан сўнг Абай бир тепаликка чиқиб, индамай ўтириб олибди. Қиёсбой эса унинг белидан ушлаганча унга ёпишиб ўтирибди. Овулдаги одамлар келиб:

– Ўтганнинг хайрини берсин.

– Абишнинг нариги дунёси обод бўлсин.

– Болангизни жойи жаннатдан бўлсин, – деб навбат билан таъзия билдириб кетишаркан. Абай уларнинг ҳеч бирига бошини кўтариб қарамабди. Шунда Қиёсбой туриб:

– Ярамаслар энг яхши кўрадиганимиз деб бошқа пайтларда минғиллар эдиларинг. Ҳеч биринг Абай оғамни юпата олмадинг! – деб ўнг томонида ўтирган қорни катта кишини бир туртибди. – Абай оғамнинг белини ушла! – деб ўзи тепаликни айланиб, Абайнинг олдига югуриб келиб, бош эгиб ўтириб олибди:

– Абай оға, халқимизнинг Абиш деган яхши боласи ўлиб қолди, таъзия билдирмайсанми? – дебди.

Шунда Абай бошини кўтариб:

– Сендан айланай, Қиёсжон! – деб туриб, Қиёсбойни қўлтиклаб уйига қараб юрибди.

АБАЙ БИЛАН ҚЎРАМЖОН

Жигитек деган уруғнинг Қўрамжон деган бир кишиси бўлиб, у тили ўткир, айтишувга уста экан. Ўзи камбағал бўлиб, ахён-ахёнда ўғирлик билан ҳам шуғуланаркан. Кунлардан бир кун Абай Қўрамжонни чақиртириб олиб келибди. Қўрамжон уйга кирса, бир нечта киши йиғилиб ўтирган экан. У ўтирганларга салом берибди.

– Абай оға, чақиртирган экансиз келдим, – дебди, – Қўрамжон. Абай индамай, Қўрамжонга узоқ вақт тикилиб турибди-да:

– Сендан бир нарса сўрай деб чақиртирган эдим, бера оласанми? – дебди.

Қўрамжон – майли олинг, майли олинг, нима берай деб довдираб турган экан. Ёлғиз отидан бошқа ҳеч нарсаси йўқ Қўрамжондан Абай нима сўрамоқчи экан деб бошқалар ҳам хайрон бўлиб қолибди. Абай Қўрамжондан кўзини олмай, тикилиб туриб:

– Менга ўғирлигингни бер-чи? – дебди.

Қўрамжон бошини қуйи эгиб:

– Етишмовчиликдан-да, Абай оға, энди ташлайман, очдан ўлиб, кўпчиликдан қолмасман, – дебди.

– Эй, Қўрамжон, бу элда сендан бошқа камбағал йўқми? Ё камбағалларнинг ҳаммаси ўғрими? Ундан кўра болаликда олган тарбиям эди деб қўя қолсангчи. Ҳозир шу овулдан уч-тўртта туя ол-да, уйингни кўчириб олиб кел. Ўғирлигинг билан хайрлашиб кел, – дебди.

Қўрамжон шу куни кўчиб келибди. Шундан кейин ўғирликни йиғиштириб, халққа қўшилиб, яхши одамлар қаторига кирибди. Абайнинг овулига келгач, Қўрамжон ўғри деган тавқилаънатдан қутулиб, одам деган яхши номга эга бўлган экан.

КИМ ОЛАМДАН ЎТИБДИ?

Абайнинг овули Жидебой деган жойдан кўчаётганда, бир хафта илгари овулни ўти қалин, мол туёғи тегмаган жойга қўндириб, шу ердан яна нари илгарилар экан. Шундай бир ёздаги кўчишларнинг бирида Абай Қўрамжонни чақириб

олиб, «Қўрамжон, сен овулниг олдиндаги кўч-кўнига бош-кўз бўлиб турсанг нима қилади?» – деди. Қўрамжон: «Бугун юборган жойга борай, эртага эса кун жума, овул кўчишга бўлмайди» деб жавоб беради.

– Ия, нега? – деб сўрайди Абай.

– Жума куни овул кўчса, кампир ўлади, сандиқ синади, қозон, кереге синади. Қозокларнинг шундай ирими бор эмасми?! – деб, Қўрамжон Абайни ишонтирмоқчи бўлади.

Ислом динининг қиёфаси ўзгариб, одамларнинг рухий кайфиятига сингиб кетганига яна бир иқроор бўлган Абай кулибди-да: «Майли, ишингни қилавер» – дебди. Қўрамжон кетганидан кейин Абай бойбишасини чакириб олади-да: «Сен қўшниларнинг ҳаммасига хабар бер, ўзинг хам тайёргарлик кўр, эртага овул кўчиб, тоза, ўти қуюқ ерга қўнади», – дейди. Айтганидек, эртасига ҳамма кўчиб, белгиланган ерга жойлашиб қувониб юришганининг устига Қўрамжон келиб қолади. Отини устунга боғлаб, уйга кириб, хол-аҳволни айтганидан сўнг Абай: «Энди, Қўрамжон, отингни шу ерда қолдир-да, Овулни бир чеккасидан иккинчи чеккасигача оралаб чик, қайси хонадоннинг кампири ўлиб, қайси уйнинг қозони синиб, қайси уйнинг томи бузилган экан?» – дейди.

Абайнинг феъли маълум. Қўрамжон уй-уйни оралаб, оламдан ўтган ҳеч кимни, кереге, қозони синган ҳеч кимни топмай, ўзи айтиб, халққа сингиб кетган иримнинг хато эканлигига иқроор бўлибди.

АБАЙ БИЛАН СОБИРБОЙ ОҚИН ВА ҚУВОНДИҚ ҚИЗ

Абай ўқиб юрган пайтларида қора форма ва кўк шим, сомон шляпа, гирчиллама этик кийиб, ҳам бўлис, ҳам сўзамол Асилбек билан бирга унинг қайнотасининг эли найман ичида Сибан, таниқли Оқтойлоқ бийнинг боласи Собирбой оқиннинг уйига боради. Абайнинг бу қиёфасини кўрган унинг қизи Қувондиқ оқин хазил-чин аралаш:

Бошингда чиг қалпоғинг, белин буккан
Кўрган одам Қувондиқ деб бўйин бурган.
Найманнинг сендай олифтаси тўлиб ётар.
Оёғингга кенг шиминг аранг сиққан, –

деб хазил қилиб, ўлан тўқибди. Бу сўзни эшитиб ўтирган хазилкаш Собирбой:

Қувонжон, не сабадан қўшиққа солдинг,
Айтишувда ўлан-жирдан сен совға олдинг.
Бир келган ҳузурингга меҳмон экан,
Қўнглига оғир тегар Абайжоннинг, –

дебди. Бу гал катталар олдида одоб сақлаб ҳеч нима демабди. Шундан кейин Собирбой оқин Абайга иззат-икром кўрсатиб уй тикдирибди. Ҳурмат билан меҳмон қилишни қизи Қувондиққа топширибди.

Одоб билан чой келтириб, чой қуйиб ўтирган Қувондиқ қиз Абайга ёқиб қолибди-да, бир дам олишда дўсти Асилбекка:

– Асил оға! Мени болдизингиз билан таништириб қўйсангиз қандай бўларкин? У менга ёқиб қолди, – деб айтади. Бироқ Асилбек ёқтирмагандай бўлибди. Асилбек тезда болдизи Қувондиққа биров орқали:

– Абайнинг олдига келмасин! – деб огоҳлантиради. Абай қиз билан гаплаштирмоқчи бўлиб орага тушган йигит:

– Қувондиқ билан гаплашдим, розилигини олдим, – деб келибди. Эртасига Асилбек Абайга:

– Шароит осон эмас, болдизим маҳкам, менинг айтганимдан чиқмайди, – дебди. Шунда Абай:

Овул силжиб, қўнибди ялпоқ чийга,
Икки даъвогар бош урар одил бийга.
Болдизингиз ваъдасига маҳкам экан,
Сурилиб бориб ёғибди чекка уйга, –

деб, акс жавоб берган экан.

Қўнгиллари бир-бирига тўғри келгандан сўнг Абай Қувондиққа уйланаман деб юрганида отаси рухсат бермагандан кейин, ваъдасининг устидан чиқа олмабди. Чунки Қувондиқнинг унаштирилган жойи ҳам бой-бадавлат бўлса керак. Қувондиқ унаштирилган жойига қўнгли тўлмаганини отаси Собирбойга айтган мана бу бир сўзи орқали билдирибди:

– Қувдан отимни олган сўнг юрдим яёв,
Яёв юриб қўнглим бўлди баёв.
Бир ит билан қуда бўлмас қуда бўлиб,
Не бўлда сенга, отам Собирбой-ёв?

АБАЙ

Бир куни Қувондиқ ўз уйига келаётиб, Абайнинг уйига кириб ўтади. Кутиб олувчилар отдан тушириб олай деса, Қувондиқ:

– Абай уйдами? – деб сўрабди. Уйда эканлигини билиб, у от устида турганича:

– Мени Абай ўзи тушириб олсин! – дебди. Уйда ўтирган Абай:

– Майли, Қувондиқ экан-ку! – деб, овозидан таниб, ўзи чиқиб, Қувондиқни кўлтиғидан ушлаб тушириб, отини боғлаган экан. Қувондиқни кузатиб кўйганида Абай унга бир яхши от етаклатиб, устига чопон ёпибди.

– Бизнинг туз-насибамизнинг қўшилмаслигига сен ҳам, мен ҳам айбдор эмасмиз, боболар одатидан ўта олмадик, – деб хайрлашган экан.

АБАЙНИНГ БИЙЛИГИ

Тўбикти уруғининг бир тўп одамлари Чингис тоғининг ёнбағрида отда келаётиб, бир қочиб бораётган тулкини кўриб қолади. Улар шу захоти тулкининг орқасига тушиб қувлай бошлайди. Анчагача тулки етказмайди. Ниҳоят қош қорайиб, ғира-шира туша бошлайди. Улар чарчаб, ўзлари ҳам, отлари ҳам ҳолдан тойиб овулга қуруқ қайтади. Буни сезиб қолган овулнинг бир йигити ҳалиги тулкининг орқасидан қувиб, обдон чарчаганида ушлаб олади.

Буни эшитган дастлаб қувлаганлар тулки тутиб олган йигит олдига келиб:

– Тулки бизники, куни бўйи от чоптириб ҳолдан тойдик. Сен осон ўлжага эга бўлгинг келадими? – деб даъволашибди. Аммо тулки тутиб олган йигит уларнинг гапига кўнмабди.

Охири улар Қунонбойга келиб арз қилишибди.

Биринчи қувлаганлар азоб чекиб, тулкини обдон чарчатган, қоронғи тушгандан кейин ноилож овулга қайтишганини айтади.

Тутиб олган йигит ўз қўли билан уриб олганини баён қилади.

Қунонбой ҳар иккала томоннинг гапларини тинглаб бўлгандан сўнг:

– Биринчи қувлаганлар, сизлар қанча қувласанглар ҳам, тулкини кўлга туширолмадинглар. Бу йигит эса ўзи уриб олган. Қим уриб олса, тулки шуники, – дейди.

Тулки тутган йигит қувониб, наригилар қовоғи осилиб уйдан чиқади. Шу пайтда Абай ҳам бу воқеани тинглаб ўтирган экан. У отаси Қунонбойга қараб:

– Ота, сен ҳалиги кишиларга одил бийлик қилмадинг-ов, – дебди.

– Қандай одил эмас? – деб аччиғланибди Қунонбой.

– Тулкини биринчи қувган одамлар азоб чекиб, ҳориб-чарчаб, тулкини ҳам чарчатиб қоронғи тушгач овулга қайтган. Меҳнат, заҳмат уларники. Кейинги йигит уларнинг меҳнатидан фойдаланиб, осонгина ўлжага дуч келган. Ҳақиқатга келганда тулки биринчи одамларга берилиши керак, – дебди Абай.

– Ҳа, шундай-ми? – деб Қунонбой ўйланиб туриб: – Чақир ҳалиги одамларни, – дебди. Ташқарига чиққан тулки даъволашаётган одамлар уйга қайта киришганида Қунонбой:

– Бу Абай бийлигимдан рози бўлмапти. Тулкини уриб олмаса ҳам дастлаб қувлаган одамларнинг меҳнати сингган, ўзлари ҳам, отлари ҳам чарчаб, тулкини ҳам ҳолдан тойдирган шулар. Демак, тулки шуларники бўлиши керак дейди. Абайнинг бу сўзида жон бор. Мен чиқарган ҳукмимни қайтиб олдим. Абайнинг айтганидек бўлсин, – дебди Қунонбой.

АБАЙ БИЛАН МУҚАНБЕТҚАЛИ

Абай Муқанбетқали деган бўласига:

– Келаси йил ўтадиган Қўянди ярмаркасига бирга борайлик, ким аввал келса, шу уй тиксин, – дебди. Орадан йил ўтибди. Донғи кетган Қўянди ярмаркасига кўп одам йиғилибди. Абай ярмаркага Муқанбетқалидан олдин келади-да, бўласини иззат-икром билан кутиб олиб, бир неча кун меҳмон қилади. Ярмарка кунлари Абайнинг атрофига тўй-томошага ишқибоз ёшлар кўп йиғилади, суҳбат, гурунгуради. Суҳбатнинг кўпчилигини Абай бошлаб, йиғилганларни хурсанд қилиб ўтирар экан.

Бир сафар Абай:

– Муқа, ярмарка ҳам тугай деб қолди. Сизнинг ҳам сўзингизни эшитайлик, хангома айтинг, – деб сўранибди.

АБАЙ

Аммо Муқанбетқали мағноли хангома айтмай, ўтган-кетгандангина ҳикоя қилса керак. Шунда Абай:

– Савдогар билан сўзлашсанг ола чопон қимматлигини айтади, сартарош билан сўзлашсанг, пичоқ, қайроғини айтади. Муқанбетқали билан сўзлашсанг, хаёлда йўқ нарсани айтади, – деганида Муқанбетқали индамай қолибди.

АБАЙ БИЛАН ҚЎСАЙ

Чингистов билан қўшни овулдаги найман Қўсай деган киши Абайларникига келиб, тўққиз қумалоқ ўйнаб юрарди. Ўзи жуда кичкина одам, ёшига кўра Абайдан каттароқ бўлиб, яхши ўйинчи экан. Кўпинча Абайни ютиб кетар экан.

Бир куни у ўйин пайтида кутилмаганда яна ўз усули билан қийин юриш қилибди. Шунда шошиб қолган Абай:

Қўсай, Қўсай десайди,
Қўсай елдай эсади,
Бармоқдеккина қора чол
Қалай-қалай босади, –

деган экан. Қўсай хам унга қараб жилмайиб:

Ботмондек қўр темирни
Бармоқдай асл кесади, –

деб тошларни уяларига солиб, кўк бўйиндан тузликни олибди. Шунда Абай:

– Ёпирай, Найман чол-эй! Шу ернинг ўзида мени бир эмас, икки марта ютди-ку! – деб қувонч бижан кулибди.

АБАЙ БИЛАН БОЙКЎКШЕ ОҚИН

Абай Бойкўкшени ростгўй, ўткир тили, сўз устаси деб яхши кўрар экан. Ёши катта киши бўлгани учун Бойкўкшенинг исмини айтмай «Бойкўке» деб ҳурматлар экан.

Бир йили Абай Арқатга келибди. Буни эшитиб Бойкўкше саломлашиш учун борибди.

– Бойкўке, кўпинча тилинг аччиқ, ёшлигингда етим бўлиб, кўп жабр кўрсанг керак-да, – деган экан. Бойкўкше ростини айтиб:

Озгина овул Қабасмен – туғилишим ул,
Мирза билан Мамайнинг зўрлиги мўл.
Иккиси ўпкамдан қисгандан сўнг чаён бўлиб,
Тилимнинг аччиқ бўлишига сабаб шул. –

дейди.

Қунонбой вафот этганида Тўбиқти эли йиғилиб фотиҳа ўқиб ўтирганда, Бойкўкше оқинга ёнида турган Эсентой хожи деган киши: «Қунокени эсга оладиган сўзинг бўлса айтмайсанми?» дейди.

Бойкўкше:

«Қунон сўзи куръоннинг тахтасидай,
Эл-юртнинг вазмин дарвозасидай.
Қунон кетди – оллодан ёрлақасин,
Ортида олтин қолди от бошидай.

деб Абайни олқишлабди.

Сухбат орасида Абай:

– Бойкўке, «Оқтовон чувринди алқа кўл – сулама» Сир бўйидан кўк ола йилқининг катта уюридан байроқ ушлаб, бўлиб ҳайдаб чиққан ким эди биласанми? Шунни айтинг-чи? – деб сўрайди.

Шунда Бойкўкше:

Тоғам бой Белибой юртга бахт берган,
Бахтим деб кўпчилик эл қадрлаган.
«Оқтовон чувринди» оч қолганида,
Уюрин ола айғирнинг ҳайдаб чиққан.

Йилқи ҳайдаб бой Белибой кўк оладан,
Бахтим деб Арғин, Найман оғалаган,
Юртим оч қолиб чувриндига эргашганда,
Қўш ўрдак уясида болалаган, –

деганида Абай ёқтирмай: – Бойкўке! сизни ростгўй деб юрар эдим, мол боқиб бойлигидан маст бўлган тоғангни мақта-

динг-ку. Меҳнати сингган ботирни, Тўхтамишни нега айтмадинг? – дебди. Бойкўкше:

– Абайжон, меҳнат Тўхтамишники, мол Белдибойники эмасми? – деган экан.

Тўхтамиш ботир, алп гавдасига сўйил, чўқмор тегмайди-ган найзабоз киши бўлган экан. Байроқ ушлаганда ёнида бир одам олиб юрар экан. Қозоқнинг байроғини йиқаман деб душман томонидан хужум қилган ботирлар байроқка етолмай, отдан қандай қулаганини билмай қолар экан. Тўхтамиш алоҳида кучли, бошқа ботирларга қараганда найзаси йўғон, узун, санчган пайтда ҳар қандай одам отдан кулар экан. У ёнидаги ўртоқларига: «ановининг отини ол, ўзини ўлдирма» дер экан. Бойкўкшенинг Белибой деган бобоси йирик бой, ботир одам бўлган экан. 1723 йилдаги урушда ҳалок бўлиб, йилқисини жунғарлар той қолдирмай ҳайдаб кетибди. Кейин Тўхтамиш ботир билиб қолиб, кўп душманлар ичига кириб, бир ўзи кўк ола айғирнинг уйирини ажратиб ҳайдаб келибди. Шу кўк оланинг уюри кўпайибди. Тўхтамиш ботир якама-якка олишувда уч марта рақибларини енгиб, уч байроқ олган. Яъни Мамай ботирнинг байроғи билан тўрт марта байроқ эгаси бўлибди. Мамай ботир кексайган пайтда Тўхтамиш ботир ва болаларини чақириб: «Тузук бий туғилган йўқ, туғилган бийда имон йўқ», деган, болаларим, сенлар уялиб, қизғанчиқлик қилманглар. Мана бу байроқни Тўхтамишга топшираман. Сенлардан ёши ҳам, йўли ҳам катта» дебди. Бу ерда ҳозир бўлган кўпчилик халқ Мамай ботирдан хурсанд бўлган экан. Тўхтамиш ботир ўн саккиз ёшида жунғарларнинг қўлига тушиб, икки йил асирликда бўлиб, учинчи йилга ўтарда хон қизини олиб қочибди. Шу қиздан туғилган Қидирбой, Ўроқбой деган икки ўғли икки ота бўлган экан. Тўхтамиш ботир эллик етти ёшида ҳозирги Семей вилояти, Абай туманининг Чингистовидаги «Қоровул» деган жойда оламдан ўтган. Тўхтамиш ўлгандан кейинги қолган Жуантаёқ элларини Қунонбой оға султон пайтида Чингис товонинг сиртидаги «Буғали-Машан» деган ерларга жойлаштирган. Абайнинг истаб ўтиргани шу бўлса керак.

– Бойкўке! Сиз элни ҳимоя қилган мардни айтиб, кейинги авлодга из қолдирсангиз-чи? – дейди. Шунда Бойкўкше: «Абайжон-эй! Сен каби саводли бўлсам, бир кунда бир китоб ўлан ёзар эдим. Илож қанча, қўлим қалам, тилим қоғоз бўломайди-да! – дебди.

– Бойкўке! Тўхтамиш ботирни қандай таърифлаган бўлардингиз? – деганида.

Бойкўкше:

Тўхтамиш алп экан қахрамондай,
Жаҳли тез эмас экан, қаҳрланмай.
Тоғ келса қўзғалмас сабрли экан,
Бир одамдек кўрмас «минг ва сонни».
Тўхтамишдай мард битган қозоғимга,
Душманининг кўнмаган ҳеч бир мазағига,
Сирнинг бўйин чувиллатиб, уч туғ олиб,
Жунғарни талай солган азобига, –

деганда Абай:

– Бойкўке, яна нима дер эдинг? – деса, Бойкўкше:

Яна айтсам ўлан-жир тўкилади
Ўтгани ўйлаб қовурғам сўкилади.
Баъзи одамлар одиллик қилмагач,
Икки кўздан ёш дувиллаб, тўкилади, –

деганида Абай ҳам кўзига ёш олибди.

«ДЕМАСИННИ» УНУТМА

Бир йили Абай Бақанас деган яйловда Керей, Найман эллариининг бева даъвосига бийлик қилиб турган пайтда, Бойкўкше оқин йиғилиб ўтирганлар орасиги кириб салом берибди. Шунда Абай:

– Бойкўке!

«Яхши ерда қовун каби чўп битади,
Баъзиларга мол билан бош кўп битади», –

деганида, Бойкўкше:

Пишиқлашган йигитдан бўлис қўйсанг,
Қачон тушиб бўлгунча еб битади, –

деб Абайнинг ёнига келиб ўтирибди. Йиғилишда ўтирган бий, бўлислар бу Бойкўкше Абай билан келишиб қўйгандай сўзлайди-я деганда, Бойкўкше:

«Сўз деган сув эмас-ку, оқиб ётган,
Бойларнинг моли эмас боқиб ётган.
Порахўр бий, бўлисни талай кўрдик,
Халқни оқ илондай чақиб ётган, –

дебди. Йиғилишда ўтирганлар орасида Хусайн деган бўлис кизариб:

– Абай, бу оқининг ким эди шунчалик? Ҳаммамизни масхара қилди-ку, секинроқ сўзласа бўлмайдими? – деганида Абай:

– «Десин-десин» деб юриб, «демасинни» унутиб қўяди бизнинг қозоқлар. Оқин ҳаммамизни ўйлантириб, ақл айтган бўлса керак, – деб жавоб берибди.

БОЙКЎКЕНИНГ ТУШИ

Бойкўкше оқин ухлаб ётиб икки марта Абайни тушида кўриб, шуни ўлан билан бундай айтибди.

Биринчи туши

Абайжон, бир туш кўрдим бугун тунда,
Кўкка учиб, чирқираб чиқдинг шунда.
Оқ кийиминг устингда, бўз отинг бор,
Осмонда акс этдинг бориб Кунда.
Шундан сўнг йўқолиб яна учдинг,
Илиб қўйиб икки нарса, сўнг ерга тушдинг.
Ўрнашдинг баланд тоққа қўндинг-да,
Одамлар ҳаммасин кўрди бўлган ишнинг.

Ёнингга тўрт оқ қуш келиб қўнди тағи,
Оқ шунқорлар кўриклар икки ёғин,
Ёнингга саллалилар келган эди,
Сўзлашди, мажлис қуриб улар тағи.

Қўл очиб саллалилар дуо берди,
Буни жамоатнинг бари кўрди.
Уйқудан уйғониб ажабландим,
Ўтирдим ўйга келиб нари-бери.

Иккинчи туши

Тўрт кун бўлди туш кўрдим, мирза сизга,
Улуғ бўлиб, Сочдинг ёрлиқ Ўрта жузга.
Ўтирдинг бордингда олтин тахтга,
Мевали кириб кетдинг катта боққа.
Боққа ёлғиз бориб ораладинг,
Ортингга бурилиб сен қарамадинг,
Дада сизла бирга борамиз деб,
Изингдан бирга чопди болаларинг.

Кўринди ўнг томонингда Абдурахмон,
Ақлбой бой кўринди молин ёйган.
Болани беш-ўн ёшда танимайман,
Ҳаммаси ҳам бўз от миниб, қатор борган.

Абай: – Бойкўке, бу кўрган тушингни ўзинг қандай таъбир қилар эдинг? – дейди.

Шунда Бойкўкше шундай таъбирлабди:

Тушларининг таъбири

Тушимнинг хислати йўқ ундай-бундай,
Таъбиримни у тушунди билиб шундай:
Оқ кийиминг, остингда бўз от бўлса,
Оқартирар уруғингни сенинг худой.

Кўкка учсанг, бахтинг кўкдан чорлар,
Ақлинг бу юрган жонлардан ортар.
Келтирган икки нарсанг – илм-билим,
Сўзингни эшитганнинг жисми балқир.

Тўрт оқ қуш: Кунке, Улжон, Ойқиз,
Нурхоним оналаринг,
Саллалилар: Ўскенбой, Кенгирбой боболаринг.
Саллалининг дуо қилиб қўл ёйгани
Бахтингдан қуруқ қолмас болаларинг.

АБАЙ

Эл ичида улуг бўлар яна бошинг,
Осмон бўлиб, балқийверар бахт қуешинг,
Саллалилар дуони бекор бермас,
Муродингга етасан ёлгон эмас!

деганда Абай Бойкўкшедан хурсанд бўлиб, совға бериб
қайтарибди.



МУНДАРИЖА

Қозоқ халқининг буюк мутафаккир ва файласуф шоири	3
Абай ҳақида билдирилган фикрлар	8
Насихат сўзлар	9
Биринчи сўз	9
Иккинчи сўз	10
Учинчи сўз	11
Тўртинчи сўз	14
Бешинчи сўз	15
Олтинчи сўз	16
Еттинчи сўз	17
Саккизинчи сўз	19
Тўққизинчи сўз	20
Ўнинчи сўз	21
Ўн биринчи сўз	23
Ўн иккинчи сўз	23
Ўн учинчи сўз	24
Ўн тўртинчи сўз	25
Ўн бешинчи сўз	26
Ўн олтинчи сўз	27
Ўн еттинчи сўз	27
Ўн саккизинчи сўз	29
Ўн тўққизинчи сўз	29
Йигирманчи сўз	30
Йигирма биринчи сўз	30
Йигирма иккинчи сўз	31
Йигирма учинчи сўз	32
Йигирма тўртинчи сўз	33
Йигирма бешинчи сўз	34
Йигирма олтинчи сўз	36
Йигирма еттинчи сўз	37
Йигирма саккизинчи сўз	40
Йигирма тўққизинчи сўз	41
Ўттизинчи сўз	42
Ўттиз биринчи сўз	43
Ўттиз иккинчи сўз	43

АБАЙ

Ўттиз учинчи сўз	45
Ўттиз тўртинчи сўз	46
Ўттиз бешинчи сўз	47
Ўттиз олтинчи сўз	48
Ўттиз еттинчи сўз	49
Ўттиз саккизинчи сўз	51
Ўттиз тўққизинчи сўз	66
Қиркинчи сўз	67
Қирқ биринчи сўз	68
Қирқ иккинчи сўз	69
Қирқ учинчи сўз	70
Қирқ тўртинчи сўз	73
Қирқ бешинчи сўз	74
Достонлар	76
Искандар	76
Маъсуд	79
Шеърлар	85
Йигит сўзи	85
Қиз сўзи	86
Бургутчи	87
Ўлан	92
Куз	96
Кўклам	98
Абай ҳазиллари	121
Сўз ўйини	121
Оқ фотиҳа	122
Ўн икки яшар абай	122
Ота билан бола	123
Қатта гуноҳ	124
Абай билан алшинбой	124
Абайнинг жонкуярлиги	125
Шеър билан айтилган шикоят	126
Қатпа қандай қойиллатди?	126
Абай билан бигеш чечан	127
Эл фарзанди	127
Бегеш – сартарош	128
Бегешнинг давоси	129
Абай билан кўкбой	129
Кўкбойнинг хикояси	130
Мақтасанг мана мени — қунонбойни мақта	131
Абай билан абиш	131
Абай билан ақлбой	132
Ақлбойнинг топқирлиги	133

Абай билан қуйқа	134
Қуйқанинг бийлиги	135
Жаримангни ол-да, нари кет	136
Сен сўз олдинг	136
Камситишнинг баҳоси	137
Абай билан шавкембой	138
Абай билан қиесбой	138
Қиесбой найчи	139
Қиесбой хисобчи	140
Қиесбойнинг топишмоғи	140
Қиесбойнинг саводи	140
Қиесбойнинг хийласи	141
Қиесбойнинг айтишуви	142
Йўловчи қиесбой	143
Қиесбойнинг таъзия билдириши	144
Абай билан кўрамжон	145
Ким оламдан ўтибди?	145
абай билан собирбой оқин ва қувондиқ қиз	146
Абайнинг бийлиги	148
Абай билан муқанбетқали	149
Абай билан қўсай	150
Абай билан бойқўкше оқин	150
“Демасинни” унутма	153
Бойқўкенинг туши	154
Биринчи туши	154
Иккинчи туши	154
Тушларининг таъбири	155

ҚОЗОҒИСТОН ХАЛҚЛАРИ ТИЛИДАГИ АДАБИЁТЛАР

АБАЙ (ИБРОҲИМ) ҚУНОНБОВ УҒЛИ

НАСИҲАТ СЎЗЛАР

(Ўзбек тилида)

Ў. Ҳринбаев таржумаси

Мухаррир *М. Исламқулов*

Бадий муҳаррир *Б. Серикбай*

Техник муҳаррир *З. Бошанова*

ИБ № 6837

Теруге 20.07.2006 жиберилди. Басуға 8.09.2006 қол қойылды. Қалыбы 84x108 $\frac{1}{32}$. Қарип түри "SchoolBook Kaz". Офсеттик қағаз. Офсеттик басылыс. Шартты баспа табағы 8.82. Есепти баспа табағы 10.0. Таралымы 1000 дана. Тапсырыс № 1312. Келісімди баға.

Қазақстан Республикасы "Жазушы" баспасы, 050009.
Алматы қаласы, Абай даңғылы, 143-үй.



ЖШС РПБК "Дәур", 050009, Алматы қаласы Гагарин даңғылы, 93
Тел 69-40-35, 42-47-69 42-07-90
E-mail rpk-daur_81@mail.ru, rpk-daur2@mail.ru

ISBN 9965-764-30-1



9 789965 764301